



O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI VAZIRLAR MAHKAMASINING QARORI

20 24 yil « 15 » oktabr

№ 679

Toshkent sh.

Махсус электрон тизим орқали рухсат этиш хусусиятига эга айрим хужжатларни бериш тартиб-таомиллари тўғрисидаги ягона низомга фуқаро авиацияси соҳасида рухсат бериш тартиб-таомилларини такомиллаштиришга қаратилган ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларини ўз кўчини йўқотган деб ҳисоблаш тўғрисида

Мамлакатимизда ахборот тизимларидан фойдаланган ҳолда, рухсат бериш тартиб-таомилларидан ўтишнинг ягона тартибини белгилаш борасида тизимли чора-тадбирлар амалга оширилмоқда.

Ўзбекистон Республикасининг “Лицензиялаш, рухсат бериш ва хабардор қилиш тартиб-таомиллари тўғрисида”ги Қонуни ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Тадбиркорлик соҳасидаги мажбурий талабларни қисқартириш ҳамда лицензиялаш ва рухсат бериш тартиб-таомилларини соддалаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2024 йил 9 январдаги ПФ–8-сон Фармониға мувофиқ фуқаро авиацияси соҳасида рухсат этиш хусусиятига эга хужжатларни бериш тартибини такомиллаштириш, уларни тизимлаштириш ва рақамлаштириш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 22 февралдаги 86-сон қарори билан тасдиқланган Махсус электрон тизим орқали рухсат этиш хусусиятига эга айрим хужжатларни бериш тартиб-таомиллари тўғрисидаги ягона низомга **1-иловаға** мувофиқ қуйидагиларни тасдиқлашни назарда тутувчи ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин:

Парвозлар хавфсизлигига хавф солиши мумкин бўлган фаолиятни амалга ошириш учун рухсатнома паспорти;

Фуқаро авиациясида эксплуатант сертификати паспорти;

Фуқаро ҳаво кемаси рўйхатдан ўтказилганлиги тўғрисидаги гувоҳнома паспорти;

Фуқаро ҳаво кемасининг учишга яроқлилик сертификати паспорти;

Фуқаро ҳаво кемаларига шовқинлар бўйича сертификат паспорти;

Фуқаро ҳаво кемаларининг радио жиҳозлари учун сертификат паспорти;

Фуқаро ҳаво кемаларига техник хизмат кўрсатиш ташкилоти сертификати паспорти;

Фуқаро авиациясида учувчисиз учиш қурилмаларидан фойдаланишга рухсат бериш тўғрисидаги хулоса паспорти.

2. Махсус электрон тизим орқали рухсат этиш хусусиятига эга айрим ҳужжатларни бериш тартиб-таомиллари тўғрисида ягона низомга мувофиқ рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжатни бериш учун ундириладиган йиғимлар қуйидаги тартибда тақсимланиши маълумот учун қабул қилинсин:

10 фоизи – Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигининг Давлат хизматларини ривожлантириш жамғармасига;

11,25 фоизи – Ягона интерактив давлат хизматлари портали орқали давлат хизматларини кўрсатганлик учун, шунингдек, 0,5 фоизи Ягона биллинг тизими орқали давлат хизматларини кўрсатганлик учун Ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш жамғармасининг электрон ҳукумат ва рақамли иқтисодиётнинг идоралараро лойиҳаларини молиялаштириш бўйича махсус ҳисобварағига;

қолган маблағлар – ваколатли органнинг ҳисобварағига йўналтирилади.

3. Белгилансинки, мазкур қарорга илованинг 2-бандида кўрсатилган рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжатларни олиш учун аризани кўриб чиқиш ҳамда рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжатни бериш учун ваколатли органнинг ҳисобварағига келиб тушадиган йиғимларнинг 40 фоизи Ўзбекистон Республикаси Транспорт вазирлиги ҳузуридаги Транспорт ва логистикани ривожлантириш жамғармасига йўналтирилади.

4. Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг 2-иловага мувофиқ айрим қарорлари ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

5. Ўзбекистон Республикаси Транспорт вазирлиги манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда ўзлари қабул қилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни икки ой муддатда ушбу қарорга мувофиқлаштирсин.

6. Ушбу қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан уч ой ўтгач кучга киради.

7. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари А.Ж. Раматов ҳамда транспорт вазири И.Р. Махкамов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг
Бош вазири**



А. Арипов

Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 22 февралдаги 86-сон қарори билан тасдиқланган Махсус электрон тизим орқали рухсат этиш хусусиятига эга айрим ҳужжатларни бериш тартиб-таомиллари тўғрисидаги ягона низомга киритилаётган ўзгартириш ва қўшимчалар

1. 3-банднинг бешинчи хатбошисидаги “2 – 50-иловаларда” сўзлари “2 – 58-иловаларда” сўзлари билан алмаштирилсин.

2. Қуйидаги мазмундаги 51 – 58-иловалар билан тўлдирилсин:

“Махсус электрон тизим орқали рухсат этиш хусусиятига эга айрим ҳужжатларни бериш тартиб-таомиллари тўғрисидаги ягона низомга
51-илова

**Парвозлар хавфсизлигига хавф солиши мумкин бўлган
фаолиятни амалга ошириш учун рухсатнома
ПАСПОРТИ**

1.	Рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжатнинг номи:	Парвозлар хавфсизлигига хавф солиши мумкин бўлган фаолиятни амалга ошириш учун рухсатнома
2.	Амалга оширилиши учун рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжатни олиш талаб этиладиган фаолият (ҳаракатлар):	Парвозлар хавфсизлигига хавф солиши мумкин бўлган фаолиятни амалга ошириш
3.	Ариза берувчилар тоифаси:	Юридик ва жисмоний шахслар (якка тартибдаги тадбиркор)
4.	Рухсат этиш тартиб-таомиллари соҳасидаги ваколатли орган:	Ўзбекистон Республикаси Транспорт вазирлиги ҳузуридаги Фуқаро авиацияси агентлиги (“Ўзавиация” агентлиги)
5.	Рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжатни олиш учун тақдим қилинадиган ҳужжатлар:	а) рухсатнома олиш учун объектнинг номи, мақсади ва манзили кўрсатилган ариза. Аризада қуйидагилар кўрсатилади: юридик шахс бўлган талабгор учун – солиқ тўловчининг идентификация рақами (СТИР), телефон рақами, электрон почта манзили (мавжуд бўлганда); жисмоний шахс бўлган талабгор учун – фамилияси, исми ва отасининг исми, жисмоний шахснинг шахсини тасдиқловчи ҳужжат маълумотлари ёки жисмоний шахснинг шахсий идентификация рақами (ЖШШИР), телефон рақами, электрон почта манзили (мавжуд бўлганда);

		б) объект жойлашган жойдаги ернинг денгиз сатҳидан мутлақ баландлиги, объектнинг баландлиги, энг яқин аэродром учиш-қўниш йўлагининг икки тарафи бошланиш жойидан Х ва У бўйича координаталари ҳақидаги маълумотлар; в) объектнинг 1984 йилги бутунжаҳон геодезия координаталар тизими WGS-84даги географик координаталари (кенглик ва узунлик); г) радиоалоқа линиялари ва электр узатиш линиялари (шу жумладан, юқори вольтли), радио ва электромагнит нурланишлар тарқатувчи объектлар, электр ёритиш объектлари, шунингдек, иш жараёнида самовий ҳудудда электромагнит, ёруғлик, акустик, корпускуляр ва бошқа турдаги нурланишлар пайдо бўлишига сабаб бўладиган объектларнинг техник параметрлари; д) радиоалоқа линиялари ва электр узатиш линияларининг номлари, электр узатиш линияларининг кучланиши, аэродромларнинг назорат нуқтасидан 46 км радиусдаги барча таянч устунларининг баландлиги ва координаталари, улар ўтадиган туман ва вилоятлар, шунингдек, уларнинг бошланғич ва тугаш пунктлари ҳақидаги маълумотлар.
6.	Аризани кўриб чиқиш учун тўланадиган йиғим миқдори:	Йиғим ундирилмайди
7.	Рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжат берилганлиги учун ундириладиган йиғим:	Ҳар бир объектга рухсатнома бериш учун базавий ҳисоблаш миқдорининг 23 бараварига тенг бўлган миқдорда йиғим шартнома тузмасдан ундирилади. Йиғим суммаси қуйидаги тартибда тақсимланади: 10 фоизи – Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигининг Давлат хизматларини ривожлантириш жамғармасига; 11,25 фоизи – Ягона интерактив давлат хизматлари портали орқали давлат хизматларини кўрсатганлик учун, шунингдек, 0,5 фоизи Ягона биллинг тизими орқали давлат хизматлари кўрсатганлик учун Ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш жамғармасининг электрон ҳукумат ва рақамли иқтисодиётнинг идоралараро лойиҳаларини молиялаштириш бўйича махсус ҳисобварағига; қолган маблағларнинг 60 фоизи – ваколатли органнинг ҳисобварағига, 40 фоизи – Ўзбекистон Республикаси Транспорт вазирлиги ҳузуридаги Транспорт ва логистикани ривожлантириш жамғармасига йўналтирилади.
8.	Аризани кўриб чиқиш муддати:	15 кун
9.	Рухсат этишга оид талаб ва шартлар:	Қуйидагиларни лойиҳалаштириш, қуриш, кенгайтириш, реконструкция қилиш ва техник қайта жиҳозлаш учун рухсатнома олиш зарур: аэродром назорат нуқтасидан 46 км радиусда жойлаштириладиган бинолар, иншоотлар, шунингдек, одамлар, қушлар ҳамда ёввойи ҳайвонлар (кемирувчилар) кўплаб тўпланишига сабаб бўладиган объектлар; аэродром назорат нуқтасидан 46 км радиусда жойлаштириладиган радиоалоқа линиялари ва электр узатиш линиялари (шу жумладан, юқори кучланишли), радио ва электромагнит нурланишли бошқа объектлар, шунингдек, ёритиш техникаси объектлари; аэродром назорат нуқтасидан 15 км радиусда жойлаштириладиган портлаш хавфи бўлган объектлар (баландлигидан қатъи назар);

		жойлаштириладиган жойидан қатъи назар, чиқариб юбориладиган газларни фавкулудда ёқиш учун машъала қурилмалари; аэродром назорат нуктасидан 46 км радиусда жойлаштириладиган саноат ва бошқа корхоналар ҳамда иншоотлар, парвоз кўринишини ва аэродром учиб майдонларининг ҳолатини ёмонлаштирувчи объектлар; жойлаштириладиган еридан қатъи назар, мутлак баландлиги 50 м ва ундан ортиқ бўлган объектлар.
10.	Рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжатни беришда келишиладиган органлар:	Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги
11.	Рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжатнинг амал қилиш муддати:	Чекланмаган
12.	Изоҳ:	1. Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги жойлаштириладиган жойидан қатъи назар, мутлак баландлиги 50 м ва ундан ортиқ бўлган объектлар бўйича тақдим этилган ҳужжатларни кўриб чиқади ва ҳужжатлар қабул қилинган санадан бошлаб 5 кун муддат ичида келишади. 2. Рухсатнома Махсус электрон тизим орқали рухсат этиш хусусиятига эга айрим ҳужжатларни бериш тартиб-таомиллари тўғрисидаги ягона низомнинг 4-бобида кўрсатилган ҳолларда ва белгиланган тартибда қайта расмийлаштирилади. Ҳар бир объектга рухсатномани қайта расмийлаштириш учун мазкур Паспортнинг 7-бандида назарда тутилган йиғимнинг ярми ундирилади. 3. Ваколатли орган аризани кўриб чиқиш муддати давомида амалга ошириладиган ўрганишларни ўтказиши учун харажатлар (хизмат сафари ва йўлда бўлган вақт учун кундалик харажатлар, меҳмонхоналарда яшаш харажатлари, транспорт харажатлари, кириш визасини расмийлаштириш ва суғурта полисини сотиб олиш харажатлари) ҳақиқий харажатлар суммаси бўйича талабгор (ариза берувчи) томонидан ёзма шартномага кўра қопланади. 4. Аризанинг намунавий шакли Ўзбекистон Республикаси Транспорт вазирлиги ҳузуридаги Фуқаро авиацияси агентлигига Парвозлар хавфсизлигига хавф солиши мумкин бўлган фаолиятни амалга ошириш учун рухсатнома бериш ҳақида АРИЗА _____ га (ариза берувчининг номи, ташкилий-ҳуқуқий шакли) тегишли _____ объектга (объектнинг номи ва фойдаланиш мақсади, жойлашган жойи, баландлиги, ўлчовлари) рухсатнома беришингизни сўраймиз. Шу билан бирга _____ (ариза берувчининг номи) томонидан мазкур объект қурилиши тугагандан сўнг объектда кундузги маркировкалаш ва ёритиш бўйича талаблар бажарилиши кафолатланишини тасдиқлаймиз.

Илова: рухсатнома олиш учун талаб этиладиган ҳужжатлар _____ вақда.

(раҳбар)

(имзо)

(Ф.И.О.)

Изоҳ. Жисмоний шахслар учун фамилияси, исми, отасининг исми, фуқаронинг шахсини тасдиқловчи ҳужжат тўғрисидаги маълумотлар кўрсатилади.

5. Аризага илова этиладиган маълумотноманинг намунавий шакли

**Рухсатнома олиниши зарур бўлган объектнинг
жойлашган жойи ҳақида
МАЪЛУМОТЛАР**

1.	Объект номи	
2.	Объектнинг почта манзили	
3.	Объект жойлашган жойдаги ернинг денгиз сатҳидан мутлақ баландлиги	$H_0 = \text{_____ м}$
4.	Бино (иншоот) баландлиги	$H = \text{_____ м}$
5.	Объект баландлиги	$H = \text{_____ м}$
6.	Объектнинг энг юқори қисми	$H = \text{_____ м}$
7.	Объектнинг 1984 йилги координаталар бутунжаҳон геодезия тизими WGS-84даги географик координаталари (кенглик ва узунлик)	$L = \text{_____ м}$ $B = \text{_____ м}$
8.	Энг яқин аэродром учиш-қўниш йўлагининг икки тарафи бошланиш жойидан X ва Y бўйича координаталари ҳақидаги маълумотлар	$X = (+) (-) \text{_____ м,}$ $Y = (+) (-) \text{_____ м,}$ $X = (+) (-) \text{_____ м,}$ $Y = (+) (-) \text{_____ м,}$

Изоҳ. Мазкур маълумотнома ушбу йўналишда тегишли лицензияга эга геодезия ташиклоти томонидан тайёрланади ва тасдиқланиб, аризага илова қилинган ҳолатда ариза берувчи томонидан тақдим этилади.

6. Рухсатноманинг намунавий шакли

Ариза берувчига

“Ўзавиация” агентлиги,

(ариза берувчининг номи)

томонидан парвозлар хавфсизлигига хавф солиши мумкин бўлган фаолиятни амалга оширишга рухсат бериш учун тақдим этилган материалларни белгиланган тартибга мувофиқлигини таҳлил қилиб, аризада кўрсатилган

(объектнинг номи, жойлашган жойи, объектнинг энг юқори қисми баландлиги ва географик координаталари) объектнинг жойлашишига рухсатнома бериш тўғрисида қарор қабул қилганини маълум қилади (ёки асосланган тарзда рухсатнома беришни рад этади).

		Ариза берувчи _____ (ариза берувчининг номи) парвозлар хавфсизлигига таҳдид солиши мумкин бўлган объект курилиши (уяли алоқа тизимининг таянч станциялари мачталарини ўрнатиш) тугаллангандан сўнг етти иш куни ичида “Ўзавиация” агентлигига ихтисослаштирилган геодезия ташкилоти томонидан объектнинг юқори қисми баландлигини тасдиқловчи ҳужжатларни, курилиши тугалланган объектнинг комиссия томонидан қабул қилиш далолатномалари ва санитария паспортларини (зарур ҳолларда) тақдим этишинингиз шарт эканлигини маълум қиламиз. Раҳбар _____ (Ф.И.О.) _____ (имзо)
--	--	--

Махсус электрон тизим орқали рухсат этиш
хусусиятига эга айрим ҳужжатларни бериш тартиб-
таомиллари тўғрисидаги ягона низомга
52-илова

Фуқаро авиациясида эксплуатант сертификати ПАСПОРТИ

1.	Рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжатнинг номи:	Ўзбекистон Республикаси фуқаро авиациясида эксплуатант сертификати
2.	Амалга оширилиши учун рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжатни олиш талаб этиладиган фаолият (ҳаракатлар):	Фуқаро авиацияси халқаро ташкилоти (ИКАО) стандартлари талабларига ва тавсия қилинган амалиётга мувофиқ юридик ёки жисмоний шахслар томондан фуқаро ҳаво кемасидан фойдаланиш билан боғлиқ фуқаро авиациясидаги фаолиятни амалга ошириш
3.	Ариза берувчилар тоифаси:	Юридик ёки жисмоний шахслар
4.	Рухсат этиш тартиб-таомиллари соҳасидаги ваколатли орган:	Ўзбекистон Республикаси Транспорт вазирлиги ҳузуридаги Фуқаро авиацияси агентлиги (“Ўзавиация” агентлиги)
5.	Рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжатни олиш учун тақдим қилинадиган ҳужжатлар:	а) Эксплуатант сертификатини олиш учун ариза. Аризада қуйидагилар кўрсатилади: 1. юридик шахснинг тўлиқ номи ёки жисмоний шахснинг Ф.И.О. 2. Қуйидагиларни белгилаш: эксплуатант сертификатини бериш; эксплуатант сертификатининг амал қилиш муддатини узайтириш; эксплуатант сертификатини қайта расмийлаштириш; эксплуатант сертификатининг амал қилишини тиклаш; эксплуатант сертификатининг дубликатини бериш; эксплуатант сертификатининг амал қилишини тўхтатиш; эксплуатант сертификатини бекор қилиш. 3. Ариза берувчи тўғрисидаги маълумотлар: <i>юридик шахслар учун:</i>

	1) Ташкилотнинг ташкилий-ҳуқуқий шакли кўрсатилган тўлиқ номи; 2) Жойлашган жойи (почта манзили); 3) Телефон рақамлари; жисмоний шахслар учун: 1) Фамилияси, исми, отасининг исми; 2) Фуқаронинг шахсини тасдиқловчи ҳужжат маълумотлари; 3) Турар жой манзили; 4) Телефон рақамлари. 4. Илова (ҳужжатлар номи, уларнинг рақамлари, имзоланган сана, варақлар сони, тақдим қилиш шакли); б) Аризага илова қилинадиган ҳужжатлар рўйхати. Юридик шахслар учун: 1. Ҳаво кемаси жойлашган манзил, таклиф қилинадиган парвозлар ва фаолият турлари, фойдаланиш географик зоналари (регионлари) ҳақида маълумотлар. 2. Ариза берувчи ташкилотнинг тасдиқланган таркибий схемаси. 3. Ҳаво кемасига эгалик ҳуқуқини тасдиқловчи ҳужжатлар. 4. Мазкур Паспортнинг 9-позициясидаги талаблар ва шартларнинг 5-бандида кўрсатилган бошқарув ходимлари бўйича уларнинг ўрнини босувчи шахслар лавозимлари, фамилияси, исми, отасининг исми, уларнинг малакалари ва фуқаро авиациясида тегишли раҳбарлик ишидаги тажрибаси кўрсатилган маълумотлар. 5. Авиация экипажлари таркиби ва техник-муҳандис ходимларнинг малакалари ва рухсатномалари тўғрисида номма-ном маълумотлар. 6. Фойдаланиладиган ҳаво кемаларининг тури, модели, серияси, таниш белгилари, парвозга яроқлилиқ ҳолати кўрсатилган маълумотлар. 7. Ҳаво кемалари жойлашган аэропортда парвозларни таъминлаш турлари учун шартномалар нусхалари. 8. Барча турдаги мажбурий суғурталаш бўйича суғурта полислари нусхалари. 9. Парвозларни амалга оширишга доир қўлланма, ҳаво кемаси эксплуатантининг техник хизмат кўрсатишни бошқаришга доир қўлланмаси, ҳаво кемасига ер устида хизмат кўрсатишга доир қўлланма, хавфли юкларни ташиш бўйича таълим ва тартиботларга доир қўлланма, ҳаво кемаси оғирлиги ва марказланишини ростлашга доир қўлланма, экипажнинг ер устида ва парвоздаги тайёргарлик дастури, эксплуатантнинг авиация хавфсизлигини таъминлаш дастури. 10. Ҳаво кемасидан фойдаланишга доир қўлланма (ҳар бир турдаги ҳаво кемаси учун), авиацияда ҳаво кемасидан фойдаланишга доир қўлланма (ҳар бир турдаги ҳаво кемаси учун), техник хизмат кўрсатиш дастури (ҳар бир турдаги ҳаво кемаси учун), минимал ускуналар рўйхати (ҳар бир турдаги ҳаво кемаси учун), асосий минимал ускуналар рўйхати (ҳар бир турдаги ҳаво кемаси учун), конфигурациядан оғишлар рўйхати (ҳар бир турдаги ҳаво кемаси учун). Жисмоний шахслар учун: 1. Ҳаво кемаси жойлашган манзил, таклиф қилинадиган парвозлар, парвозларнинг географик зоналари (регионлари) ҳақида маълумотлар.
--	---

		2. Ҳаво кемасига эгалик ҳуқуқини тасдиқловчи ҳужжатлар. 3. Ариза берувчининг ҳаво кемасида парвозларни бажариш учун малакалари ва рухсатномалари тўғрисида маълумотлар. 4. Ҳаво кемаларининг тури, модели, серияси, таниш белгилари, парвозга яроқлилик ҳолати кўрсатилган маълумотлар. 5. Ҳаво кемаларига техник хизмат кўрсатиш бўйича ташкилот билан тузилган шартнома нусхалари. 6. Ҳаво кемалари жойлашган аэропортда парвозларни таъминлаш турлари учун шартномалар нусхалари. 7. Барча турдаги мажбурий суғурталаш бўйича суғурта полислари нусхалари. 8. Парвозларни амалга оширишга доир қўлланма, ҳаво кемасининг эксплуатациясига доир қўлланма, ҳаво кемасининг учиш эксплуатацияси бўйича қўлланма, ҳаво кемасига техник хизмат кўрсатиш дастури, эксплуатантининг авиация хавфсизлигини таъминлаш дастури.						
6.	Аризани кўриб чиқиш учун тўланадиган йиғим миқдори:	<table><tr><th>Ариза берувчи</th><th>Йиғим</th></tr><tr><td>Жисмоний шахслар учун</td><td>Базавий ҳисоблаш миқдорининг 165,3 баравари</td></tr><tr><td>Юридик шахслар учун</td><td>Базавий ҳисоблаш миқдорининг 393,5 баравари</td></tr></table> Йиғимлар суммаси қуйидаги тартибда тақсимланади: 10 фоизи – Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигининг Давлат хизматларини ривожлантириш жамғармасига; 11,25 фоизи – Ягона интерактив давлат хизматлари портали орқали давлат хизматларини кўрсатганлик учун, шунингдек, 0,5 фоизи Ягона биллинг тизими орқали давлат хизматлари кўрсатганлик учун Ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш жамғармасининг электрон ҳукумат ва рақамли иқтисодиётнинг идоралараро лойиҳаларини молиялаштириш бўйича махсус ҳисобварағига; қолган маблағларнинг 60 фоизи – ваколатли органнинг ҳисобварағига, 40 фоизи – Ўзбекистон Республикаси Транспорт вазирлиги ҳузуридаги Транспорт ва логистикани ривожлантириш жамғармасига йўналтирилади.	Ариза берувчи	Йиғим	Жисмоний шахслар учун	Базавий ҳисоблаш миқдорининг 165,3 баравари	Юридик шахслар учун	Базавий ҳисоблаш миқдорининг 393,5 баравари
Ариза берувчи	Йиғим							
Жисмоний шахслар учун	Базавий ҳисоблаш миқдорининг 165,3 баравари							
Юридик шахслар учун	Базавий ҳисоблаш миқдорининг 393,5 баравари							
7.	Рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжат берилганлиги учун ундириладиган йиғим:	Базавий ҳисоблаш миқдорининг 57,3 баравари. Йиғим суммаси қуйидаги тартибда тақсимланади: 10 фоизи – Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигининг Давлат хизматларини ривожлантириш жамғармасига; 11,25 фоизи – Ягона интерактив давлат хизматлари портали орқали давлат хизматларини кўрсатганлик учун, шунингдек, 0,5 фоизи Ягона биллинг тизими орқали давлат хизматлари кўрсатганлик учун Ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш жамғармасининг электрон ҳукумат ва рақамли иқтисодиётнинг идоралараро лойиҳаларини молиялаштириш бўйича махсус ҳисобварағига; қолган маблағларнинг 60 фоизи – ваколатли органнинг ҳисобварағига, 40 фоизи – Ўзбекистон Республикаси Транспорт вазирлиги ҳузуридаги Транспорт ва логистикани ривожлантириш жамғармасига йўналтирилади.						

8.	Аризани кўриб чиқиш муддати:	60 иш куни
9.	Рухсат берувчи талаблар ва шартлар:	Эксплуатант томонидан фаолиятни амалга оширишда рухсат берувчи талаблар ва шартлар куйидагилардан иборат: а) қонунчилик ҳужжатларига мажбурий риоя қилиш; б) ариза берувчи ўзгарган (юридик шахс учун – унинг номи ёки жойлашган манзили (почта манзили) ўзгарган, жисмоний шахс учун – унинг фамилияси, исми, отасининг исми ёки фаолият жойи ўзгарган) ҳолатда қайта рўйхатдан ўтказилгандан сўнг етти иш куни мобайнида “Ўзавиация” агентлигини хабардор қилиш; в) ҳаво кемаси эксплуатантининг белгиланган рухсат берувчи талаблар ва куйида келтирилган шартларга мувофиқлиги: юридик шахслар учун: 1. Эксплуатант ҳаво кемасига (мулкка эгалик ҳуқуқларида ёки экипажсиз ижара шартларида), парвозларни ташкил этиш, амалга ошириш ва таъминлаш учун авиация ходимларига ва ишлаб чиқариш базасига эга бўлиши шарт. Эксплуатантнинг асосий фаолият юритиш ва ҳаво кемасини жойлаштириш манзили Ўзбекистон Республикаси ҳудудида бўлиши шарт. 2. Эксплуатантнинг ҳаво кемаси белгиланган турлардаги ва минтақалардаги парвозларни амалга ошириши учун тегишли равишда жиҳозланган бўлиши, авиация ходимлари эса зарур малакага ва тайёргарликка эга бўлишлари шарт. 3. Эксплуатант белгиланган турдаги фаолиятни амалга ошириш учун етарлича молиявий ресурслар мавжудлигини тасдиқлаши шарт. 4. Эксплуатант куйидагиларга эга бўлиши шарт: авиация хизмати; техник хизмат; ишлаб чиқариш-диспетчерлик бўлинмаси ёки парвозларни ташкилий таъминлаш бўйича тегишли равишда тайёрланган ходим (диспетчер); парвозлар хавфсизлиги бўйича инспекция ёки парвозлар хавфсизлиги бўйича эксплуатант раҳбарининг ўринбосари (маслаҳатчиси); авиация хавфсизлик хизмати ёки авиация хавфсизлиги бўйича эксплуатант раҳбарининг ўринбосари; ҳавода ташишлар ва/ёки авиация ишларини ташкил этиш хизмати ёки ҳавода ташишлар ва/ёки авиация ишларини ташкил этиш учун масъул тегишли равишда тайёрланган ходим; тиббий бўлинма ёки парвозларнинг тиббий таъминотини ташкил этиш учун масъул шифокор; парвозларнинг қидирув, авария-қутқарув таъминот хизмати ёки парвозларнинг авария-қутқарув таъминоти учун тегишли равишда тайёрланган масъул ходим; аэронавигацион таъминот хизмати ёки аэронавигация таъминотини ташкил этиш учун тегишли равишда тайёрланган масъул ходим. 5. Эксплуатант куйидагилар учун масъул бошқарув ходимларига эга бўлиши шарт: ҳаво кемасидан авиацияда фойдаланиш ва авиация ишларини ташкил этиш қоидаларига риоя этиш (фуқаро авиацияси учувчисининг амалдаги гувоҳномаси билан);

	ҳаво кемасига техник хизмат кўрсатишни ташкил этиш ва унинг қоидаларига риоя этиш; парвозларни ташкил этиш, режалаштириш ва амалга оширишнинг оператив назоратини таъминлаш; ҳавода ташишлар ва/ёки авиация ишлари таъминланишини ташкил этиш; авиация хавфсизлигини таъминлаш; парвозлар хавфсизлигини таъминлаш назоратини ташкил этиш. 6. Эксплуатант ҳаво кемасининг экипажини ташкил этувчи, эксплуатантнинг белгиланган парвозлар дастурини бажариш учун етарли миқдорда ходимларга ва ҳаво кемаси эксплуатантининг техник хизмат кўрсатишни бошқаришга доир қўлланмасига мувофиқ ҳаво кемасига техник хизмат кўрсатишни ташкил этиш ва бажариш учун техник-муҳандис ходимларга эга бўлиши шарт. 7. Авиация таркиби ва экипажнинг хизмат кўрсатувчи ходимлари, эксплуатантнинг техник-муҳандис ходимлари авиация мутахассисининг керакли малакавий белгилар ва рухсатлар қайд этилган амалдаги гувоҳномалари билан тасдиқланган тегишли махсус тайёргарликка ва малакага эга бўлишлари шарт. 8. Эксплуатант норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни, шунингдек, парвозлар хавфсизлигини ва авиация хавфсизлигини таъминлашга доир ахборотни олиш, ўз авиация ходимларига етказиш ҳамда уларнинг ижросини назорат қилиш тизимига эга бўлиши шарт. 9. Эксплуатант парвозларнинг хавфсизлигини бошқариш тизимига эга бўлиши керак. Эксплуатант парвозларнинг хавфсизлигини бошқариш тизими доирасида раҳбарлик ва ўз авиация ходимлари томонидан фойдаланиш учун мўлжалланган парвозларнинг хавфсизлигига доир ҳужжатлар тизимига эга бўлиши шарт. Максимал сертификатланган 27 000 кг дан кўпроқ оғирликдаги ҳаво кемаси эксплуатанти парвозларнинг хавфсизлигини бошқариш тизимининг таркибий қисми сифатида парвоз маълумотларини таҳлил қилиш дастурини ишлаб чиқиши ва бажариши шарт. 10. Эксплуатант ҳавода ташишлар ва/ёки авиация ишларини оператив бошқариш учун ҳар бир ҳаво кемаси билан алоқа мавжуд бўлишини таъминлаши керак. Ҳаво кемаси билан алоқа эксплуатант томонидан мустақил равишда ёки тегишли ишларни бажариш ҳуқуқига эга ташкилот билан шартнома асосида таъминланиши мумкин. 11. Эксплуатант хавфли юкларни ташиш учун қуйидагиларга эга бўлиши керак: хавфли юкларни ташиш қоидалари бўйича малака даражасини тасдиқловчи сертификатга, шунингдек, эксплуатант номидан авиацияда хавфли юкларни ташиш учун рухсат бериш (рухсат беришни рад этиш) ҳамда хавфли юкларнинг синфига (тоифасига) қараб уларни ташиш шартлари тўғрисида қарор қабул қилиш ҳуқуқига эга масъул мутахассис; авиация таркиби ва экипажнинг хизмат кўрсатувчи ходимларида хавфли юкларни ташиш қоидалари бўйича малака даражасини тасдиқловчи сертификат;
--	---

	“Ўзавиация” агентлиги томонидан тасдиқланган хавфли юкларни ташиш бўйича таълим ва тартиботларга доир қўлланма. 12. Эксплуатант ўзи фойдаланаётган ҳар бир ҳаво кемаси: парвозга яроқли ҳолатда сақланишини; режалаштириладиган парвоз учун керакли ишга яроқли фойдаланиш ва авария ускуналариغا эга бўлишини; фуқаро ҳаво кемаси парвозга яроқлилигининг амалдаги сертификатиغا эга бўлишини таъминлаши шарт. 13. Эксплуатант қуйидаги ахборот ҳисобга олиниши ва сақланишини таъминлаши шарт: ҳаво кемаси ҳамда чекланган ресурсли ва хизмат муддатли барча агрегатларидан умумий фойдаланиш вақти (тегишли равишда соатлар, календарь вақти ва циклар); барча мажбурий ахборотнинг мувофиқлиги, парвозга яроқлилиқни сақлаш тўғрисидаги жорий маълумотлар; модификациялар ва таъмирлашлар тўғрисида тегишли батафсил маълумотлар; ҳаво кемаси ёки унинг агрегатлари сўнгги капитал таъмирлашдан кейин улардан фойдаланиш вақти (тегишли равишда соатлар, календарь вақти ва циклар) тўғрисида маълумотлар; ҳаво кемасига техник хизмат кўрсатиш дастурининг бажарилиши тўғрисида жорий маълумотлар; техник хизмат кўрсатиш тўғрисидаги далолатномани имзолашда барча талаблар бажарилганлигини тасдиқловчи техник хизмат кўрсатиш тўғрисида батафсил маълумотлар. Мазкур банднинг еттинчи хатбошисидан ташқари ахборот тегишли агрегат фойдаланишдан буткул олиб ташлангандан сўнг 90 кундан кам бўлмаган муддатда сақланиши керак. Ушбу банднинг еттинчи хатбошисида кўрсатилган ахборот техник хизмат кўрсатиш тўғрисидаги далолатнома имзолангандан сўнг энг камида бир йил сақланиши шарт. Эксплуатант ўзгарган ҳолатда, мазкур бандда қайд этилган ахборот янги эксплуатантга тақдим қилиниши шарт. 14. Максимал сертификатланган оғирлиги 5 700 кг дан кўпроқ бўлган ҳаво кемаси эксплуатанти техник хизмат кўрсатиш ва фойдаланиш тажрибасини назорат қилиши, умумлаштириши ва баҳолаши ҳамда ҳаво кемасини ишлаб чиқувчига ҳаво кемасининг парвозга яроқлилигини таъминлашга салбий таъсирни юзага келтирадиган ёки юзага келтириши мумкин бўлган ишдан чиқишлар, носозлиқлар, нуқсонлар ва бошқа ходисалар тўғрисидаги ахборотни тақдим қилиши шарт. Эксплуатант ҳаво кемасини ишлаб чиқарувчидан парвозга яроқлилигини таъминлашга доир барча зарур маълумотлар ва тавсияларни олиб, уларни атрофлича таҳлил қилади ва тегишли ҳаракатларни “Ўзавиация” агентлиги томонидан белгиланган талабларга мувофиқ амалга оширади. 15. Эксплуатантнинг ҳаво кемасини барча модификациялари ва таъмирлаш ишлари ҳаво кемасининг парвозга яроқлилигига доир талабларга жавоб бериши шарт. 16. Эксплуатант ҳаво кемасига техник хизмат кўрсатилган ва техник хизмат кўрсатиш тўғрисидаги тегишли далолатнома “Ўзавиация” агентлиги тасдиқлаган ташкилот томонидан расмийлаштирилган ҳолатда, ҳаво кемасида парвозларни амалга оширади.
--	--

	Агар ҳаво кемасига техник хизмат кўрсатиш шартномага асосан ҳаво кемасига техник хизмат кўрсатиш ташкилоти томонидан бажарилса, ушбу шартноманинг техник соҳалари “Ўзавиация” агентлиги билан ўзаро мувофиқлаштирилиши шарт. 17. Ҳаво кемаси парвозга яроқлилиқ меъёрларига асосан ва авиацияда ҳаво кемасидан фойдаланишга доир қўлланмадаги фойдаланиш чекланишлари доирасида ишлатилиши шарт. 18. Ҳаво кемаси экипажнинг учувчилар таркибига ҳаво кемаси парвозининг траекториясини назорат қилиш, қоидалар билан талаб қилинадиган ҳар қандай ҳаракатларни бажариш, қўлланган фойдаланиш шароитларида ушбу ҳаво кемасига тегишли фойдаланиш чекловларига риоя этиш имконини берадиган асбоб-ускуналар билан жиҳозланган бўлиши шарт. 19. Эксплуатант ҳаво кемасининг юкланишини парвозларни амалга оширишга доир қўлланмага ва эксплуатантнинг тегишли фойдаланиш ҳужжатларига қатъий мувофиқ равишда амалга оширади. 20. Эксплуатант авиация ходимларининг ўз функционал вазифалари доирасида авиация хавфсизлиги чоратадбирлари билан танишиб чиқишларини таъминлайди ва эксплуатантнинг авиация хавфсизлигини таъминлаш дастури ходимлар томонидан бажарилишини ташкил этади. 21. Эксплуатант экипажининг авиация таркиби хорижий мамлакатларнинг ўз вазифаларига тегишли ва учиб ўтиладиган ҳудудларга, фойдаланиладиган аэродромларга ва тегишли аэронавигацион воситаларга (ҳалқаро парвозларни бажариш учун) қўлланиладиган қонунлари, қоидалари ва тартиботлари билан танишиб чиқиши шарт. 22. Эксплуатант ҳар бир фойдаланиладиган ҳаво кемаси экипажнинг учувчилар таркибини ҳаво кемасидан фойдаланишга доир қўлланма ва авиацияда ҳаво кемасидан фойдаланишга доир қўлланма билан таъминлаши шарт. 23. Эксплуатант экипажининг учувчилар таркиби ҳаво кемаси бортида уларнинг ҳаво кемаси учиб ўтадиган ҳудудда кидирув-қутқарув хизматларига тегишли барча зарур ахборотга эга бўлиши шарт. 24. Эксплуатант экипажининг учувчилар таркиби радиотелефон алоқа юритишда ишлатиладиган инглиз тилида сўзлашиши ва уни тегишли даражада тушуниши шарт (ҳалқаро парвозларни бажариш учун). 25. Эксплуатант экипажининг учувчилар таркиби ва хизмат кўрсатувчи таркиби ўзининг муайян вазифалари ва жавобгарликлари юзасидан инструктаждан ўтишлари шарт. 26. Эксплуатант ташкилий тузилмани, бошқарув ва назорат методикасини ўз ичига оладиган ер устида хизмат кўрсатиш тизимига эга бўлиши шарт. 27. Эксплуатант Ўзбекистон Республикаси қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ мажбурий турдаги суғурталанишларни таъминлайди. 28. Эксплуатант қуйидагиларга эга бўлиши ва уларни бажариши шарт: “Ўзавиация” агентлиги томонидан тасдиқланган парвозларни амалга оширишга доир қўлланма, ҳаво кемаси эксплуатантнинг техник хизмат кўрсатишни бошқаришга
--	---

		доир қўлланмаси, парвозларнинг хавфсизлигини бошқариш тизимига доир қўлланма, ҳаво кемасидан фойдаланишга доир қўлланма (ҳар бир турдаги ҳаво кемаси учун), ҳаво кемаси оғирлиги ва марказланишини ростлашга доир қўлланма, ҳаво кемасига ер устида хизмат кўрсатишга доир қўлланма; “Ўзавиация” агентлиги томонидан тасдиқланган авиацияда ҳаво кемасидан фойдаланишга доир қўлланма (ҳар бир турдаги ҳаво кемаси учун), техник хизмат кўрсатиш дастури (ҳар бир турдаги ҳаво кемаси учун), экипаж аъзоларининг ер устида ва парвоздаги тайёргарлик дастури, минимал ускуналар рўйхати (ҳар бир турдаги ҳаво кемаси учун), авиация хавфсизлигини таъминлаш дастури. Хужжатлар инсон омили соҳалари ҳисобга олинган ҳолда, ишлаб чиқилади, уларнинг тузилиши ва мазмуни эса стандартлар талабларига ва Фуқаро авиацияси халқаро ташкилоти (ИКАО) томонидан тавсия этиладиган амалиётга мувофиқ бўлиши шарт. 29. Агар эксплуатант бошқа давлатда рўйхатдан ўтказилган ҳаво кемасидан фойдаланса, у ҳаво кемаси рўйхатдан ўтказилган давлатга тегишли стандартлар талабларини ва Фуқаро авиацияси халқаро ташкилоти (ИКАО) томонидан тавсия этиладиган амалиётни бажариши шарт. 30. Эксплуатант ўз фаолиятини амалга оширишда Ўзбекистон Республикаси фуқаро авиацияси фаолиятини тартибга солувчи норматив-ҳуқуқий хужжатлар талабларини бажариши шарт; жисмоний шахслар учун: 1. Эксплуатант ҳаво кемасига мулкка эгалик ҳуқуқларида ёки экипажсиз ижара шартларида эга бўлиши шарт. Эксплуатантнинг асосий фаолият юритиш ва ҳаво кемасини жойлаштириш манзили Ўзбекистон Республикаси ҳудудида бўлиши шарт. 2. Эксплуатант фуқаро авиацияси учувчисининг керакли малака белгилари ва рухсатлар қайд этилган амалдаги гувоҳномалари билан тасдиқланган тегишли махсус тайёргарликка ва малакага эга бўлиши шарт. 3. Юқоридаги талаб ва шартларнинг 12, 15–18, 22, 23, 27 ва 30-бандлари талабларига жавоб бериши ва уларни бажариши шарт. 4. Эксплуатант “Ўзавиация” агентлиги томонидан тасдиқланган парвозларни амалга оширишга доир қўлланма, ҳаво кемасидан фойдаланишга доир қўлланма, авиацияда ҳаво кемасидан фойдаланишга доир қўлланма, ҳаво кемасига техник хизмат кўрсатиш дастури ва авиация хавфсизлигини таъминлаш дастурига эга бўлиши ва уларни бажариши шарт.
10.	Рухсат этиш хусусиятига эга хужжатни беришда келишиладиган органлар:	Мавжуд эмас
11.	Рухсат этиш хусусиятига эга хужжатнинг амал қилиш муддати:	3 йил
12.	Изоҳ:	1. Эксплуатант сертификати “Ўзавиация” агентлиги томонидан ҳаво кемасидан фойдаланиш билан боғлиқ фуқаро авиациясида фаолиятни амалга ошириш учун берилди.

	Эксплуатант сертификати жисмоний шахсга фақат унинг шахсий эҳтиёжлари учун берилади. 2. Ваколатли орган аризани кўриб чиқиш муддати давомида амалга ошириладиган ўрганишларни ўтказиш учун харажатлар (хизмат сафари ва йўлда бўлган вақт учун кундалик харажатлар, меҳмонхоналарда яшаш харажатлари, транспорт харажатлари, кириш визасини расмийлаштириш ва суғурта полисини сотиб олиш харажатлари) талабгор (ариза берувчи) томонидан амалга оширилади. 3. Халқаро фуқаро авиацияси ташкилотининг (ИКАО) стандартлари талабларига ва тавсия қилинган амалиётга мувофиқ “Ўзавиация” агентлиги талабгорга рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжатни берганлик учун йиғим тўланган санадан эътиборан бир иш кунидан кечиктирмай, эксплуатант сертификати асл нусхасини беради. 4. Эксплуатант сертификати “Ўзавиация” агентлиги директори ёки “Ўзавиация” агентлиги директорининг буйруғи билан ваколат берилган мансабдор шахс томонидан имзоланади ва “Ўзавиация” агентлигининг муҳри билан тасдиқланади. 5. Халқаро парвозларни амалга оширувчи фуқаро ҳаво кемаси учун эксплуатант сертификати матни инглиз тилида бўлиши лозим. 6. Ҳаво кемасининг ҳужжати ҳисобланган эксплуатант сертификати нусхаси “Ўзавиация” агентлигининг масъул мутахассиси имзоси билан тасдиқланади. 7. Эксплуатант сертификати мувофиқ расмийлаштирилган фойдаланиш хусусиятлари илова қилинади. Спецификациялар тавсифларнинг ҳар бир варағи “Ўзавиация” агентлиги директори ёки “Ўзавиация” агентлиги директорининг буйруғи билан ваколат берилган мансабдор шахс томонидан имзоланади ва “Ўзавиация” агентлигининг муҳри билан тасдиқланади. 8. Эксплуатант сертификати икки ёки ундан кўп юридик (жисмоний) шахсларга берилиши мумкин эмас ва бошқа шахсга берилмайди. 9. Эксплуатант фақат амалдаги эксплуатант сертификати мавжуд бўлган ҳолатда ва фойдаланиш хусусиятларидаги шартлар ҳамда чекланишларга мувофиқ ҳаво кемасидан фуқаро авиациясида фаолиятни амалга ошириш мақсадларида фойдаланиши мумкин. 10. “Ўзавиация” агентлиги белгиланган тартибда эксплуатант сертификатини бериш учун керакли ҳужжатларни ва Ўзбекистон Республикасининг бошқа давлат органларидаги маълумотларни ахборот ҳамкорлиги тизими воситасида, шу жумладан, электрон ҳужжат шаклида олади. 11. Эксплуатант фаолиятини назорат қилиш эксплуатант сертификатини бериш учун белгиланган эксплуатантнинг рухсат берувчи талаблар ва шартларга мувофиқлигини баҳолаш мақсадида инспекция текширувларини ўтказиш шаклида амалга оширилади. Инспекция текшируви “Ўзавиация” агентлиги томонидан амалга оширилади. Инспекция текширувининг натижалари қонунчиликда белгиланган тартибда расмийлаштирилади.
--	--

	12. Эксплуатант сертификатини бериш ёки унинг берилишини рад қилиш тўғрисида қарор қабул қилиш учун “Ўзавиация” агентлиги аризага илова қилинадиган ҳужжатлар баҳоланишини ва ариза берувчининг сертификатлаш текширувини амалга оширади. 13. Ҳужжатларнинг баҳоланишида уларнинг бутлиги ҳамда эксплуатантга белгиланган фаолиятга доир рухсат берувчи талаблар ва шартларга мувофиқлиги текширилади. 14. Сертификатлаш текшируви ариза берувчининг ҳаво кемаси жойлашган манзилда рухсат берувчи талаблар ва шартларга мувофиқлигини аниқлаш мақсадида амалга оширилади. 15. Сертификатлаш текшируви “Ўзавиация” агентлиги директорининг буйруғи билан тайинланган комиссия томонидан ўтказилади, ушбу буйруқда комиссия таркиби, дастури ва текширувни ўтказиш муддатлари кўрсатилади. 16. Ҳужжатлар ва сертификациявий текширув баҳоланиши натижаларига асосан “Ўзавиация” агентлиги ариза берувчига эксплуатант сертификатини беради (юборади) ёки уни эксплуатант сертификатини бериш рад этилганлиги ҳақида тегишли қарор қабул қилинган санадан эътиборан бир иш кунидан кечиктирмаган ҳолда ёзма шаклда хабардор қилади. 17. Эксплуатант сертификатининг амал қилишини тўхтатиш учун асос ҳисобланган бир марталик қўпол қоида бузилишига қуйидаги ҳолатлар тегишлидир: - ҳаво кемасидан, двигателлар ёки уларнинг агрегатларидан белгиланган ресурслар ва хизмат муддатларидан юқори фойдаланиш; - носоз ҳаво кемасида парвозларни амалга ошириш; - махсус тайёргарликка ва/ёки тегишли амалдаги авиация мутахассиси гувоҳномасига эга бўлмаган шахсларга парвозларни амалга ошириш ёки авиация техникасига хизмат кўрсатиш учун рухсат бериш; - учувчи экипаж таркиби аъзолари томонидан белгиланган парвоз иш вақти ва дам олиш вақти меъёрларининг бузилиши; - ҳаво кемасини ташкил этиш, таъминлаш, ундан фойдаланиш ва парвозларни амалга ошириш қоидаларининг авиация ҳодисасига олиб келган бузилиши; - учувчи экипаж таркиби аъзоларини тайёрлаш, таъминлаш ва малакасини оширишга доир белгиланган мажбурий талабларнинг бузилиши; - фуқаро авиациясида текширилиши лозим бўлган авиация ҳодисалари ва нохуш воқеаларни яшириш; - белгиланган тартиботлар бузилган ҳолда, ҳаво кемасининг тузилишига парвозлар хавфсизлигига таъсир этувчи ўзгартишларни киритиш; - авиация хавфсизлиги юзасидан парвоздан олдинги текширувдан ўтказилмаган йўловчиларни, қўлдаги юкларни, бағажни, юкларни, почтани, борт захираларини ташиш; - йўловчиларни, бағажни ёки юкларни ташиш бўйича фойдаланиш чекловлари бузилиши, ҳаво кемасининг юк ортиш ёки йўловчилар кабиналарининг меъёрдан юқори юкланиши.
--	---

	18. Эксплуатантлар инспекция текширувлари қуйида белгиланганидан кам бўлмаган муддатларда амалга оширилади: перрондаги инспекция – уч ойда бир марта; маршрутдаги (парвоздаги) инспекция – уч ойда бир марта; асосий объектлар инспекцияси – йилига бир марта. 19. Ваколатли орган аризани кўриб чиқиш муддати давомида амалга ошириладиган ўрганишларни ўтказиш учун харажатлар (хизмат сафари ва йўлда бўлган вақт учун кундалик харажатлар, меҳмонхоналарда яшаш харажатлари, транспорт харажатлари, кириш визасини расмийлаштириш ва суғурта полисини сотиб олиш харажатлари) ҳақиқий харажатлар суммаси бўйича талабгор (ариза берувчи) томонидан ёзма шартномага кўра қопланади.
--	---

Махсус электрон тизим орқали рухсат этиш
хусусиятига эга айрим ҳужжатларни бериш тартиб-
таомиллари тўғрисидаги ягона низомга
53-илова

**Фуқаро ҳаво кемаси рўйхатдан ўтказилганлиги
тўғрисидаги гувоҳнома
ПАСПОРТИ**

1.	Рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжатнинг номи:	Фуқаро ҳаво кемаси рўйхатдан ўтказилганлиги тўғрисидаги гувоҳнома
2.	Амалга оширилиши учун рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжатни олиш талаб этиладиган фаолият (ҳаракатлар):	Фуқаро ҳаво кемасини учишга яроқлилиқ сертификатни олиш чоғида тақдим этиш
3.	Ариза берувчилар тоифаси:	Юридик ёки жисмоний шахслар
4.	Рухсат этиш тартиб-таомиллари соҳасидаги ваколатли орган:	Ўзбекистон Республикаси Транспорт вазирлиги ҳузуридаги Фуқаро авиацияси агентлиги (“Ўзавиация” агентлиги)
5.	Рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжатни олиш учун тақдим қилинадиган ҳужжатлар:	1. Фуқаро ҳаво кемаси рўйхатдан ўтказилганлиги тўғрисидаги гувоҳномани олиш учун: а) ариза; аризада қуйидагилар акс эттирилади: 1) (талабгорнинг) юридик шахснинг тўлиқ номи ёки жисмоний шахснинг фамилияси, исми, отасининг исми; 2) ҳаво кемаси тўғрисидаги маълумотлар: ҳаво кемасининг тури; заводда берилган рақами; ишлаб чиқарилган санаси; ҳаво кемасини ишлаб чиқарувчи; максимал учиш вазни; ўрнатилган двигателларнинг ишлаб чиқарувчиси (ташкilot номи), тури ва сони;

		базаси жойлашган манзил; 3) мулкдор тўғрисидаги маълумот: юримдик шахслар учун: ташкитлотнинг ташкилий-хукукий шаклини кўрсатган холда тўлиқ номи; жойлашган жойи (почта манзили); телефон рақами / e-mail; жисмоний шахслар учун: фамилияси, исми, отасининг исми; фукаронинг шахсини тасдиқловчи хужжат маълумотлари; яшаш жойи манзили; телефон рақами / e-mail; б) ҳаво кемаси турининг сертификати; в) жисмоний ёки юримдик шахсининг фуқаро ҳаво кемасига бўлган мулккий хукуқини ёки бошқа ашёвий хукуқни тасдиқловчи хужжатларнинг нусхалари (шу жумладан, шартномалар); г) ҳаво кемаси хорижий давлат ҳаво кемалари реестридан чиқарилганлиги тўғрисида хужжат; д) ҳаво кемаси хорижий давлатдан Ўзбекистон Республикасига келганда, учишга яроқлилик экспорт сертификати. 2. Фуқаро ҳаво кемасини Ўзбекистон Республикаси Фуқаро ҳаво кемаларининг давлат реестридан чиқариш учун: а) ариза; аризада қуйидагилар акс эттирилади: 1) (талабгорнинг) юримдик шахсининг тўлиқ номи ёки жисмоний шахсининг фамилияси, исми, отасининг исми; аризани бериш сабаби: <table border="1"> <tr> <td>фуқаро ҳаво кемасини чегириб ташлаш</td> <td>☐</td> </tr> <tr> <td>фуқаро ҳаво кемасини фойдаланишдан чиқариш</td> <td>☐</td> </tr> <tr> <td>фуқаро ҳаво кемасини белгиланган тартибда хорижий давлатга, хорижий давлатнинг юримдик ёки жисмоний шахсига сотиш ёки топшириш</td> <td>☐</td> </tr> <tr> <td>фуқаро ҳаво кемасини давлат ёки экспериментал авиацияга ўтказиш</td> <td>☐</td> </tr> </table> 2) ҳаво кемаси тўғрисидаги маълумотлар: ҳаво кемасининг тури; миллий ва рўйхатга олиш белгилари; заводда берилган рақами; ҳаво кемасини ишлаб чиқарувчи; максимал учиш вазни; ўрнатилган двигателларнинг ишлаб чиқарувчи, тури ва сони; янги эгаси/мулкдорнинг номи агар ҳаво кемаси сотилса ёки топширилса; янги рўйхатга олувчи давлат, агар ҳаво кемаси сотилса ёки топширилса; 3) мулкдор тўғрисидаги маълумот: юримдик шахслар учун: ташкитлотнинг ташкилий-хукукий шаклини кўрсатган холда тўлиқ номи;	фуқаро ҳаво кемасини чегириб ташлаш	☐	фуқаро ҳаво кемасини фойдаланишдан чиқариш	☐	фуқаро ҳаво кемасини белгиланган тартибда хорижий давлатга, хорижий давлатнинг юримдик ёки жисмоний шахсига сотиш ёки топшириш	☐	фуқаро ҳаво кемасини давлат ёки экспериментал авиацияга ўтказиш	☐
фуқаро ҳаво кемасини чегириб ташлаш	☐									
фуқаро ҳаво кемасини фойдаланишдан чиқариш	☐									
фуқаро ҳаво кемасини белгиланган тартибда хорижий давлатга, хорижий давлатнинг юримдик ёки жисмоний шахсига сотиш ёки топшириш	☐									
фуқаро ҳаво кемасини давлат ёки экспериментал авиацияга ўтказиш	☐									

		жойлашган жойи (почта манзили); телефон рақаи / e-mail; жисмоний шахслар учун: фамилияси, исми, отасининг исми; фуқаронинг шахсини тасдиқловчи хужжат маълумотлари; яшаш жойи манзили; телефон рақаи / e-mail; б) илгари берилган хужжатларнинг асл нусхалари: фуқаро ҳаво кемаси рўйхатдан ўтказилганлиги тўғрисидаги гувоҳнома; фуқаро ҳаво кемасининг учишга яроқлилик сертификати; фуқаро ҳаво кемаларига шовқинлар бўйича сертификат; фуқаро ҳаво кемаларининг радио жиҳозлари учун сертификат; в) фуқаро ҳаво кемасининг 24-битли манзили (Фуқаро авиацияси халқаро ташкилоти (ИКАО) идентификация коди) фуқаро ҳаво кемасининг радиожиҳозлар тизимидан чиқарилганлигини тасдиқловчи хужжат; г) SELCAL тизими ASRI (Aviation Spectrum Resources) компаниясининг рўйхатидан чиқарилганлигини тасдиқловчи хужжат (агар ушбу тизим ҳаво кемасида мавжуд бўлса); д) авария радиомаяқлари КОСПАС-САРСАТ тизимининг рўйхатидан чиқарилганлигини тасдиқловчи хужжат.						
6.	Аризани кўриб чиқиш учун тўланадиган йиғим миқдори:	<table><tr><th>Ҳаво кемаси</th><th>Йиғим</th></tr><tr><td>Максимал учиш массаси 15 000 кг дан юқори бўлмаган ҳаво кемалари</td><td>Базавий ҳисоблаш миқдорининг 63,7 баравари</td></tr><tr><td>Максимал учиш массаси 15 000 кг ва ундан юқори бўлган ҳаво кемалари</td><td>Базавий ҳисоблаш миқдорининг 75,8 баравари</td></tr></table> Йиғимлар суммаси қуйидаги тартибда тақсимланади: 10 фоизи – Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигининг Давлат хизматларини ривожлантириш жамғармасига; 11,25 фоизи – Ягона интерактив давлат хизматлари портали орқали давлат хизматларини кўрсатганлик учун, шунингдек, 0,5 фоизи Ягона биллинг тизими орқали давлат хизматлари кўрсатганлик учун Ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш жамғармасининг электрон ҳукумат ва рақамли иқтисодиётнинг идораларо лойиҳаларини молиялаштириш бўйича махсус ҳисобварағига; қолган маблағларнинг 60 фоизи – ваколатли органнинг ҳисобварағига, 40 фоизи – Ўзбекистон Республикаси Транспорт вазирлиги ҳузуридаги Транспорт ва логистикани ривожлантириш жамғармасига йўналтирилади.	Ҳаво кемаси	Йиғим	Максимал учиш массаси 15 000 кг дан юқори бўлмаган ҳаво кемалари	Базавий ҳисоблаш миқдорининг 63,7 баравари	Максимал учиш массаси 15 000 кг ва ундан юқори бўлган ҳаво кемалари	Базавий ҳисоблаш миқдорининг 75,8 баравари
Ҳаво кемаси	Йиғим							
Максимал учиш массаси 15 000 кг дан юқори бўлмаган ҳаво кемалари	Базавий ҳисоблаш миқдорининг 63,7 баравари							
Максимал учиш массаси 15 000 кг ва ундан юқори бўлган ҳаво кемалари	Базавий ҳисоблаш миқдорининг 75,8 баравари							
7.	Рухсат этиш хусусиятига эга хужжат берилганлиги учун ундириладиган йиғим:	Базавий ҳисоблаш миқдорининг 7,8 баравари. Йиғим суммаси қуйидаги тартибда тақсимланади: 10 фоизи – Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигининг Давлат хизматларини ривожлантириш жамғармасига; 11,25 фоизи – Ягона интерактив давлат хизматлари портали орқали давлат хизматларини кўрсатганлик учун, шунингдек, 0,5 фоизи Ягона биллинг тизими орқали давлат хизматлари кўрсатганлик учун Ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш жамғармасининг электрон ҳукумат ва рақамли иқтисодиётнинг идораларо лойиҳаларини молиялаштириш бўйича махсус ҳисобварағига;						

		қолган маблағларнинг 60 фоизи – ваколатли органнинг ҳисобварағига, 40 фоизи – Ўзбекистон Республикаси Транспорт вазирлиги ҳузуридаги Транспорт ва логистикани ривожлантириш жамғармасига йўналтирилади.
8.	Аризани кўриб чиқиш муддати:	10 иш куни. Фуқаро ҳаво кемасини хорижий давлат ҳудудида текшириш амалга оширилган ҳолларда, муддат 30 иш кунигача узайтирилиши мумкин.
9.	Рухсат этишга оид талаб ва шартлар:	а) фуқаро ҳаво кемасининг турига тегишли бўлган фуқаро ҳаво кемасининг учишга яроқлилиги нормаларига мувофиқлигини таъминлаш;* б) белгиланган ресурслар ва хизмат муддати доирасида фуқаро ҳаво кемасидан фойдаланиш;* в) фуқаро ҳаво кемасида унинг парвозлар хавфсизлигига таҳдид солиши мумкин бўлган конструктив ўзгартиришлар йўқлигини таъминлаш;* г) Ўзбекистон Республикасининг авиация қоидаларига риоя қилиш.*
10.	Рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжатни беришда келишиладиган органлар:	Мавжуд эмас
11.	Рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжатнинг амал қилиш муддати:	Чекланмаган
12.	Изоҳ:	1. Ушбу Паспортнинг қоидалари давлат ва экспериментал ҳаво кемалари, дельтапланлар, парапланлар, парашютлар, бошқарилмайдиган учувчисиз аэростатлар, учувчисиз учиш қурилмалари ҳамда метеорологик мақсадларда ишлатиладиган учувчи шарларига нисбатан татбиқ этилмайди. 2. Гувоҳномани бериш ёки беришни рад этиш тўғрисидаги қарорни қабул қилиш учун “Ўзавиация” агентлигининг ваколатли шахси фуқаро ҳаво кемасида текширувни ўтказиб, фуқаро ҳаво кемасининг техник ҳолатини текшириш далолатномасини расмийлаштиради. 3. Ваколатли орган аризани кўриб чиқиш муддати давомида ўрганишларни ўтказиш учун харажатлар (хизмат сафари ва йўлда бўлган вақт учун кундалик харажатлар, меҳмонхоналарда яшаш харажатлари, транспорт харажатлари, кириш визасини расмийлаштириш ва суғурта полисини сотиб олиш харажатлари) талабгор (ариза берувчи) томонидан амалга оширилади. 4. Халқаро фуқаро авиацияси ташкилотининг (ИКАО) стандартлари талабларига ва тавсия қилинган амалиётга мувофиқ “Ўзавиация” агентлиги талабгорга рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжатни берганлик учун йиғим тўланган санадан эътиборан бир иш кунидан кечиктирмай гувоҳноманинг асл нусхасини беради. 5. Халқаро парвозларни амалга оширувчи фуқаро ҳаво кемаси учун гувоҳноманинг матни инглиз тилида бўлиши лозим. 6. Парвозларни амалга ошириш вақтида гувоҳнома ҳаво кемасида бўлиши лозим. Амалдаги гувоҳнома бўлмаган ҳолларда ҳаво кемасида парвозларни амалга ошириш тақиқланади. 7. Ўзбекистон Республикаси ҳудудидан ташқарида жойлашган фуқаро ҳаво кемасига гувоҳнома қуйидаги ҳолларда берилиши мумкин:

	а) Ўзбекистон Республикаси ҳудудидан ташқарида фуқаро ҳаво кемасини эксплуатация қилишда; б) ҳаво кемасини сотиб олишда (ижарага олиш). 8. Гувоҳномани бериш тартиб-таомиллари талабгорнинг ёзма мурожаати асосида “Ўзавиация” агентлиги директорининг буйруғи билан ваколат берилган мутахассис томонидан Ўзбекистон Республикаси ҳудудидан ташқарида амалга оширилади. 9. Ўзбекистон Республикаси ҳудудидан ташқарида гувоҳномани бериш тартиб-таомиллари бажарилган тақдирда, талабгор олдиндан тақдим қилмаган ушбу паспортнинг 5-бандига мувофиқ гувоҳномани бериш учун аризага илова қилинадиган (талабгор томонидан ҳаво кемасини қабул қилганидан кейин расмийлаштириладиган) ҳужжатлар текширув ўтказиладиган жойда талабгорнинг ваколатли мутахассислари томонидан тақдим этилиши мумкин. 10. Гувоҳнома фуқаро ҳаво кемаси Ўзбекистон Республикаси Фуқаро ҳаво кемаларининг давлат реестрига (кейинги ўринларда – давлат реестри) киритилганлигини ва Ўзбекистон Республикасининг миллий мансублигига эга эканлигини тасдиқловчи ҳужжат ҳисобланади. 11. “Ўзавиация” агентлиги давлат реестрини юритади. 12. Давлат реестри қоғоз ва электрон шаклда юритилади. Қоғоз шаклидаги ёзувлар билан электрон шаклдаги ёзувлар ўртасида номувофиқлик мавжуд бўлган тақдирда, қоғоз шаклидаги ёзувлар устуворликка эгадир. 13. Давлат реестрида мавжуд бўлган маълумотлар “Ўзавиация” агентлигининг расмий веб-сайтида жойлаштирилади ва танишиб чиқиш учун очиқ бўлади. 14. Фуқаро ҳаво кемаси тўғрисидаги маълумотлар давлат реестрига киритилганда, фуқаро ҳаво кемасига ушбу кемага қайд этиладиган давлат таниш ва рўйхат белгилари тайинланади. Давлат таниш белгиси латин алифбосининг “UK” иккита ҳарфидан, рўйхат белгиси беш араб рақамларидан ташкил топади. Фуқаро ҳаво кемасига тайинланган давлат таниш ва рўйхат белгилари, ҳаво кемасининг модификацияси ва/ёки эгаси ўзгаришидан қатъи назар, ҳаво кемасини эксплуатация қилиниши, бутун муддати давомида сақланиб қолади. 15. Давлат реестрига киритилган фуқаро ҳаво кемаси талабгорнинг мурожаати асосида давлат реестридан чиқарилади. 16. Тақдим этилган ҳужжатлар асосида “Ўзавиация” агентлиги фуқаро ҳаво кемасини давлат реестридан чиқаради ва талабгорга фуқаро ҳаво кемаси давлат рўйхатидан чиқарилганлиги тўғрисидаги гувоҳномани беради. Фуқаро ҳаво кемаси давлат реестридан чиқарилган тақдирда, фуқаро ҳаво кемаси рўйхатдан ўтказилганлиги тўғрисида гувоҳнома автоматик равишда бекор қилинади. 17. Талабгор фуқаро ҳаво кемаси давлат рўйхатидан чиқарилганлиги тўғрисида гувоҳномани олганидан кейин фуқаро ҳаво кемасига қайд этилган давлат таниш ва рўйхат белгиларини ҳаво кемасидан ўчириб ташлайди (йўқ қилади). 18. Фуқаро ҳаво кемаси мулкдорининг ёзма мурожаатига кўра Ҳаракатланувчи ускуналарга нисбатан халқаро қафолатлар тўғрисидаги конвенция (Кейптаун, 2001 йил 16 ноябрь) асосида фуқаро ҳаво кемасини давлат реестридан чиқариш тартиб-таомиллари амалга оширилиши мумкин.
--	---

	19. Хужжатлар қабул қилинган санадан бошлаб беш иш кунидан ошмаган муддатда фуқаро ҳаво кемасини давлат реестридан чиқариш ва ҳаво кемаси давлат рўйхатидан чиқарилганлиги тўғрисида гувоҳномани бериш тартиб-таомиллари амалга оширилади. 20. Фуқаро ҳаво кемаси рўйхатдан ўтказилганлиги тўғрисидаги гувоҳномада кўрсатилган ҳаво кемаси эгаси/мулкдорининг маълумотлари ўзгартирилган тақдирда, талабгор томонидан фуқаро ҳаво кемаси рўйхатдан ўтказилганлиги тўғрисидаги гувоҳномани қайта расмийлаштириш учун тасдиқловчи ҳужжатларни илова қилган ҳолда, ариза берилиши шарт. 21. Ваколатли орган аризани кўриб чиқиш муддати давомида амалга ошириладиган ўрганишларни ўтказиш учун харажатлар (хизмат сафари ва йўлда бўлган вақт учун кундалик харажатлар, меҳмонхоналарда яшаш харажатлари, транспорт харажатлари, кириш визасини расмийлаштириш ва суғурта полисини сотиб олиш харажатлари) ҳақиқий харажатлар суммаси бўйича талабгор (ариза берувчи) томонидан ёзма шартномага кўра қопланади. <i>*Қўпол равишда бузиш деб ҳисобланадиган талаб ва шартлар.</i>
--	---

Махсус электрон тизим орқали рухсат этиш
хусусиятига эга айрим ҳужжатларни бериш тартиб-
таомиллари тўғрисидаги ягона низомга
54-илова

Фуқаро ҳаво кемасининг учишга яроқлилик сертификати ПАСПОРТИ

1.	Рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжатнинг номи:	Фуқаро ҳаво кемасининг учишга яроқлилик сертификати
2.	Амалга оширилиши учун рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжатни олиш талаб этиладиган фаолият (ҳаракатлар):	Фуқаро авиацияси халқаро ташкилоти (ИКАО) стандартлари талабларига ва тавсия қилинган амалиётга мувофиқ фуқаро ҳаво кемасидан фойдаланиш
3.	Ариза берувчилар тоифаси:	Юридик ёки жисмоний шахслар
4.	Рухсат этиш тартиб-таомиллари соҳасидаги ваколатли орган:	Ўзбекистон Республикаси Транспорт вазирлиги ҳузуридаги Фуқаро авиацияси агентлиги ("Ўзавиация" агентлиги)
5.	Рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжатни олиш учун тақдим қилинадиган ҳужжатлар:	1. Учишга яроқлилик бўйича стандарт сертификатни олиш учун: а) ариза; аризада қуйидагилар акс эттирилади: 1) (талабгорнинг) юридик шахснинг тўлиқ номи ёки жисмоний шахснинг фамилияси, исми, отасининг исми; 2) ҳаво кемаси: Ўзбекистон Республикаси ҳудуди жойлашган; Ўзбекистон Республикаси ҳудудидан ташқарида жойлашган; 3) аризани бериш сабаби;

4) ҳаво кемаси тўғрисидаги маълумотлар:
 ҳаво кемасининг тури;
 давлат таниш ва рўйхат белгилари;
 заводда берилган рақами;
 ишлаб чиқарилган жойи ва санаси;
 двигателлар / ҳаво винтлари тури;
 ҳаво кемаси тоифаси ва/ёки қўлланилиши;
 таъмирлашларнинг сони, жойи ва охириги таъмирлаш санаси;
 ҳаво кемаси базировка (аренда) жойи;
 ҳаво кемаси вазнини охириги ўлчаш санаси ва жойи;
 бўш ҳаво кемаси вазни, кг Центровкаси (САХ), %;
 жиҳозланган ҳаво кемасининг бўш вазни (Basic Empty Weight), кг Центровкаси (САХ), %;
 максимал учиш вазни, кг;
 тайинланган ресурс ва хизмат қилиш муддати узайтиришларини ҳисобга олган ҳолда (соат/цикл/сана);
 таъмирлараро ресурси ва хизмат қилиш муддати узайтиришларини ҳисобга олган ҳолда (соат/цикли/сана);
 эксплуатация бошланган вақтдан эътиборан ҳаво кемасининг ишлаган вақти (соат/цикли);
 охириги таъмирдан кейин ҳаво кемасининг ишлаган вақти (соат/цикли);
 5) двигателлар тўғрисидаги маълумотлар:

Двигателнинг тартиб рақами	1	2	3	4
Завод рақами				
Ишлаб чиқарилган санаси				
Таъмирлашларнинг сони, охириги таъмирлаш санаси ва жойи				
Тайинланган ресурси ва хизмат қилиш муддати (узайтиришларни ҳисобга олган ҳолда)				
Таъмирлараро ресурси ва хизмат қилиш муддати (узайтиришларни ҳисобга олган ҳолда)				
Эксплуатация бошланган вақтдан эътиборан ишлаган вақти (соат/цикли)				
Охириги таъмирдан кейин ишлаган вақти (соат/цикли)				

6) ҳаво винтлари тўғрисидаги маълумотлар:				
Ҳаво винтларининг тартиб рақами	1	2	3	4
Завод рақами				
Ишлаб чиқарилган санаси				
Таъмирлашларнинг сони, охирги таъмирлаш санаси ва жойи				
Тайинланган ресурси ва хизмат қилиш муддати (узайтиришларни ҳисобга олган ҳолда)				
Таъмирлараро ресурси ва хизмат қилиш муддати (узайтиришларни ҳисобга олган ҳолда)				
Эксплуатация бошланган вақтдан эътиборан ишлаган вақти (соат/цикли)				
Охирги таъмирдан кейин ишлаган вақти (соат/цикли)				

учишга яроқлилиқ бўйича барча бажарилиши шарт бўлган бюллетенлар ва кўрсатмалар, ариза бериш кунига қадар бажарилган, ҳаво кемаси ишлаб чиқарувчининг талабларига мувофиқ жиҳозланган, регламентда кўрсатилган техник хизмат кўрсатиш ишлари бажарилган; ☐

ҳаво кемаси ишлайдиган ҳолатда ва фойдаланиш учун яроқлидир; ☐

7) талабгор тўғрисидаги маълумот:
юридик шахслар учун:
 ташкилотнинг ташкилий-ҳуқуқий шаклини кўрсатган ҳолда тўлиқ номи;
 жойлашган жойи (почта манзили);
 телефон рақами / e-mail;

жисмоний шахслар учун:
 фамилияси, исми, отасининг исми;
 фуқаронинг шахсини тасдиқловчи ҳужжат маълумотлари;
 яшаш жойи манзили;
 телефон рақами / e-mail;

б) ҳаво кемасида унинг учишга яроқлилигини аниқлаш учун назорат-синов парвозлари (назорат учишлари) бажарилганлиги тўғрисидаги ҳужжат (баённома, далолатнома ва бошқалар) нусхаси, ушбу парвоз амалга оширилган бўлса;

в) ариза берувчи томонидан тасдиқланган ҳаво кемасини ташқи бўйаш индивидуал/намунавий схемаси;

г) ҳаво кемасининг вазни ва центровкасини аниқлаш тўғрисидаги ҳужжат (баённома, ҳисобот, далолатнома ва бошқалар) нусхаси;

	д) ариза берувчи томонидан ўтказилган фуқаро ҳаво кемасининг учишга яроқлилигига доир текширув тўғрисидаги ҳужжат (баённома, ҳисобот, далолатнома ва бошқалар) нусхаси; е) ҳаво кемаси компонентларининг ресурсини ҳисобга олиш, двигателлари, учишга яроқлилик бўйича директивалар, сервис бюллетенлари ва техник хизмат кўрсатиш дастури ишлари бўйича ҳужжатлар (реестрлар, қайдномалар, ҳисобга олиш карточкалари ва бошқалар) нусхалари; ж) ушбу ҳаво кемасига тегишли бўлган “Ўзавиация” агентлиги томонидан тасдиқланган техник хизмат кўрсатиш дастури ва минимал жиҳозлар рўйхати; з) ҳаво кемаси формуляри (максимал учиш вазни 5000 кг дан кам бўлган ҳаво кемалари учун); и) ресурс ва/ёки хизмат муддатини узайтириш бўйича ишлар бажарилган ҳаво кемасига учишга яроқлилик бўйича стандарт сертификат берилган бўлса, қуйидаги ҳужжатлар нусхалари: аниқ бир намунавий ҳаво кемаси учун ресурс ва/ёки хизмат муддатини белгилаш тўғрисидаги ҳаво кемаси лойиҳачисининг (ишлаб чиқарувчисининг) қарорлари (хулосалари ва бошқалар); ресурс ва/ёки хизмат муддатини узайтириш мумкинлигини аниқлаш мақсадида ҳаво кемасининг техник ҳолатини тадқиқ этиш бўйича ҳаво кемаси лойиҳаловчисининг (ишлаб чиқарувчисининг) дастури; ҳаво кемасининг техник ҳолатини тадқиқ этиш бўйича дастур натижаларига кўра ҳаво кемасининг техник ҳолатини баҳолаш тўғрисидаги далолатнома; ҳаво кемасининг техник ҳолатини баҳолаш тўғрисидаги далолатномада кўрсатилган камчиликларни бартараф этиш тўғрисидаги далолатнома. 2. Учишга яроқлилик бўйича махсус сертификатни олиш учун а) ариза; аризада қуйидагилар акс эттирилади: 1) (талабгорнинг) юридик шахснинг тўлиқ номи ёки жисмоний шахснинг фамилияси, исми, отасининг исми; 2) Ҳаво кемаси: Ўзбекистон Республикаси ҳудудида жойлашган; Ўзбекистон Республикаси ҳудудидан ташқарида жойлашган; 3) аризани бериш сабаби; 4) ҳаво кемаси тўғрисидаги маълумотлар: ҳаво кемасининг тури; давлат таниш ва рўйхат белгилари; заводда берилган рақами; эксплуатацияси бошланган вақтдан эътиборан ҳаво кемасининг ишлаган вақти (соат/цикли); охирги таъмирдан кейин ҳаво кемасининг ишлаган вақти (соат/цикли); охирги оператив/даврий техник хизмат кўрсатиш (сана, техник хизмат кўрсатиш учун карта/нарядларининг рақами); парвознинг мақсади ва мўлжалланган йўналиши; махсус парвозни амалга ошириш учун экипаж таркиби; ҳаво кемасининг конструкцияси ва характеристикалари унинг конструкцияси турига номувофиқлиги ҳақида батафсил тавсиф;
--	---

парвозни амалга ошириш учун зарур бўлган эксплуатацион чекловлар ва махсус жиҳозлар рўйхати;

парвоз хавфсизлигини таъминлаш учун зарур бўлган тегишли текширувлар ёки синовларнинг натижалари;

парвоз учун авиация ёқилғисининг ҳисобланган миқдори ва ҳаво кемасининг аслида учиб чиқиш вазни;

ҳаво кемаси белгиланган мақсадлар ва чекловлар билан хавфсиз парвозни таъминлашга қодирлиги ҳақида маълумот;

б) ҳаво кемаси жойлашган жойда бартараф этилиши мумкин бўлмаган, ушбу турдаги ҳаво кемасининг эксплуатация ҳужжатларига кўра рухсат бериш ва чекловлар доирасидан четга чиққан зарар ва/ёки носозликлар ҳаво кемасининг конструкцияси ёки унинг компонентларида мавжуд бўлган ҳолларда парвозни амалга ошириш имконияти тўғрисида фуқаро ҳаво кемасининг ишлаб чиқарувчиси (лойиҳаловчи) билан келишув;

в) ариза берувчининг учувчи-техник комиссияси томонидан тайёрланган, хавфсиз парвозни амалга ошириш имконияти тўғрисидаги хулоса қайд этилган фуқаро ҳаво кемасининг техник ҳолатини баҳолаш далолатномаси.

3. Учишга яроқлилиқ бўйича экспорт сертификатини олиш учун

а) ариза;

аризада қуйидагилар акс эттирилади:

1) (талабгорнинг) юридик шахснинг тўлиқ номи ёки жисмоний шахснинг фамилияси, исми, отасининг исми;

2) аризани бериш сабаби;

3) ҳаво кемаси тўғрисидаги маълумотлар:

ҳаво кемасининг тури;

давлат таниш ва рўйхат белгилари;

заводда берилган рақами;

ишлаб чиқарилган жойи ва санаси;

двигателлар / ҳаво винтлари тури;

ҳаво кемаси тоифаси ва/ёки қўлланилиши;

таъмирлашларнинг сони, жойи ва охириги таъмирлаш санаси;

ҳаво кемаси базировка жойи;

ҳаво кемаси вазнининг охириги ўлчаш санаси ва жойи;

бўш ҳаво кемаси вазни, кг Центровкаси (САХ), %;

жиҳозланган ҳаво кемасининг бўш вазни (Basic Empty Weight), кг Центровкаси (САХ), %;

максимал учиш вазни, кг;

тайинланган ресурси ва хизмат қилиш муддати узайтиришларини ҳисобга олган ҳолда (соат/цикл/сана);

таъмирлараро ресурси ва хизмат қилиш муддати узайтиришларини ҳисобга олган ҳолда (соат/цикли/сана);

эксплуатация бошланган вақтдан эътиборан ҳаво кемасининг ишлаган вақти (соат/цикли);

охириги таъмирдан кейин ҳаво кемасининг ишлаган вақти (соат/цикли);

4) двигателлар тўғрисидаги маълумотлар:

Двигателнинг тартиб рақами	1	2	3	4
Завод рақами				
Ишлаб чиқарилган санаси				

	Таъмирлашларнинг сони, охириги таъмирлаш санаси ва жойи				
	Тайинланган ресурси ва хизмат қилиш муддати (узайтиришларни ҳисобга олган ҳолда)				
	Таъмирлараро ресурси ва хизмат қилиш муддати (узайтиришларни ҳисобга олган ҳолда)				
	Эксплуатация бошланган вақтдан эътиборан ишлаган вақти (соат/цикли)				
	Охириги таъмирдан кейин ишлаган вақти (соат/цикли)				
	5) ҳаво винтлари тўғрисида маълумотлар:				
	Ҳаво винтларининг тартиб рақами	1	2	3	4
	Завод рақами				
	Ишлаб чиқарилган санаси				
	Таъмирлашларнинг сони, охириги таъмирлаш санаси ва жойи				
	Тайинланган ресурси ва хизмат қилиш муддати (узайтиришларни ҳисобга олган ҳолда)				
	Таъмирлараро ресурси ва хизмат қилиш муддати (узайтиришларни ҳисобга олган ҳолда)				
	Эксплуатация бошланган вақтдан эътиборан ишлаган вақти (соат/цикли)				
	Охириги таъмирдан кейин ишлаган вақти (соат/цикли)				
	учишга яроқлилиқ бўйича барча бажарилиши шарт бўлган бюллетенлар ва кўрсатмалар, ариза бериш кунига қадар бажарилган, ҳаво кемаси комплектаб қўйилган, регламентда кўрсатилган техник хизмат кўрсатиш ишлари бажарилган; ☐ ҳаво кемаси ишлайдиган ҳолатда ва база жойигача учиш учун яроқлидир; ☐				

	б) талабгор тўғрисидаги маълумот: юридик шахслар учун: ташкilotнинг ташкилий-хуқуқий шаклини кўрсатган ҳолда тўлиқ номи; жойлашган жойи (почта манзили); телефон рақами / e-mail; жисмоний шахслар учун: фамилияси, исми, отасининг исми; фуқаронинг шахсини тасдиқловчи ҳужжат маълумотлари; яшаш жойи манзили; телефон рақами / e-mail; б) ваколатли шахслар томонидан имзоланган ҳаво кемасини қабул қилиш-топшириш далолатномасининг нусхаси; в) янги рўйхатга олиш давлатининг Авиация маъмуриятидан фуқаро ҳаво кемаси ушбу давлатда рўйхатга олинishi тўғрисидаги хабарноманинг нусхаси; г) ҳаво кемасида унинг учишга яроқлилигини аниқлаш учун назорат-синов парвозлари (назорат учишлари) бажарилганлиги тўғрисидаги ҳужжат (баённома, далолатнома ва ҳоказо) нусхаси, ушбу парвоз амалга оширилган бўлса; д) ҳаво кемасининг вазни ва центровкасини аниқлаш тўғрисидаги ҳужжат (баённома, ҳисобот, далолатнома ва ҳоказо) нусхаси; е) ариза берувчи томонидан ўтказилган фуқаро ҳаво кемасининг учишга яроқлилигига доир текширув тўғрисидаги ҳужжат (баённома, ҳисобот, далолатнома ва ҳоказо) нусхаси; ж) ҳаво кемаси компонентларининг ресурсини ҳисобга олиш, двигателлари, учишга яроқлилиқ бўйича директивалар, сервис бюллетенлари ва техник хизмат кўрсатиш дастури ишлари бўйича ҳужжатлар (реестрлар, қайдномалар, ҳисобга олиш карточкалари ва бошқалар) нусхалари; з) ҳаво кемаси формуляри (максимал учиш вазни 5 000 кг дан кам бўлган ҳаво кемалари учун); и) ресурс ваёки хизмат муддатини узайтириш бўйича ишлар бажарилган ҳаво кемасига учишга яроқлилиқ бўйича стандарт сертификат берилган бўлса, қуйидаги ҳужжатлар нусхалари: аниқ бир намунавий ҳаво кемаси учун ресурс ваёки хизмат муддатини белгилаш тўғрисидаги ҳаво кемаси лойиҳачисининг (ишлаб чиқарувчисининг) қарорлари (хулосалари ва бошқалар); ресурс ваёки хизмат муддатини узайтириш мумкинлигини аниқлаш мақсадида ҳаво кемасининг техник ҳолатини тадқиқ этиш бўйича ҳаво кемаси лойиҳаловчисининг (ишлаб чиқарувчисининг) дастури; ҳаво кемасининг техник ҳолатини тадқиқ этиш бўйича дастур натижаларига кўра ҳаво кемасининг техник ҳолатини баҳолаш тўғрисида далолатнома; ҳаво кемасининг техник ҳолатини баҳолаш тўғрисидаги далолатномада кўрсатилган камчиликларни бартараф этиш тўғрисида далолатнома; к) илгари берилган учишга яроқлилиқ сертификатининг асл нусхаси.
--	--

6.	Аризани кўриб чиқиш учун тўланадиган йиғим миқдори:	<table><tr><th>Ҳаво кемаси</th><th>Йиғим</th></tr><tr><td>Максимал учиш массаси 15 000 кг дан юқори бўлмаган ҳаво кемалари</td><td>Базавий ҳисоблаш миқдорининг 153,7 баравари</td></tr><tr><td>Максимал учиш массаси 15 000 кг ва ундан юқори бўлган ҳаво кемалари</td><td>Базавий ҳисоблаш миқдорининг 278,2 баравари</td></tr></table>	Ҳаво кемаси	Йиғим	Максимал учиш массаси 15 000 кг дан юқори бўлмаган ҳаво кемалари	Базавий ҳисоблаш миқдорининг 153,7 баравари	Максимал учиш массаси 15 000 кг ва ундан юқори бўлган ҳаво кемалари	Базавий ҳисоблаш миқдорининг 278,2 баравари
		Ҳаво кемаси	Йиғим					
		Максимал учиш массаси 15 000 кг дан юқори бўлмаган ҳаво кемалари	Базавий ҳисоблаш миқдорининг 153,7 баравари					
Максимал учиш массаси 15 000 кг ва ундан юқори бўлган ҳаво кемалари	Базавий ҳисоблаш миқдорининг 278,2 баравари							
Йиғимлар суммаси қуйидаги тартибда тақсимланади: 10 фоизи – Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигининг Давлат хизматларини ривожлантириш жамғармасига; 11,25 фоизи – Ягона интерактив давлат хизматлари портали орқали давлат хизматларини кўрсатганлик учун, шунингдек, 0,5 фоизи Ягона биллинг тизими орқали давлат хизматлари кўрсатганлик учун Ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш жамғармасининг электрон ҳукумат ва рақамли иқтисодиётнинг идоралараро лойиҳаларини молиялаштириш бўйича махсус ҳисобварағига; қолган маблағларнинг 60 фоизи – ваколатли органнинг ҳисобварағига, 40 фоизи – Ўзбекистон Республикаси Транспорт вазирлиги ҳузуридаги Транспорт ва логистикани ривожлантириш жамғармасига йўналтирилади.								
7.	Рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжат берилганлиги учун ундириладиган йиғим:	Базавий ҳисоблаш миқдорининг 7,8 баравари. Йиғим суммаси қуйидаги тартибда тақсимланади: 10 фоизи – Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигининг Давлат хизматларини ривожлантириш жамғармасига; 11,25 фоизи – Ягона интерактив давлат хизматлари портали орқали давлат хизматларини кўрсатганлик учун, шунингдек, 0,5 фоизи Ягона биллинг тизими орқали давлат хизматлари кўрсатганлик учун Ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш жамғармасининг электрон ҳукумат ва рақамли иқтисодиётнинг идоралараро лойиҳаларини молиялаштириш бўйича махсус ҳисобварағига; қолган маблағларнинг 60 фоизи – ваколатли органнинг ҳисобварағига, 40 фоизи – Ўзбекистон Республикаси Транспорт вазирлиги ҳузуридаги Транспорт ва логистикани ривожлантириш жамғармасига йўналтирилади.						
8.	Аризани кўриб чиқиш муддати:	10 иш куни. Фуқаро ҳаво кемасини хорижий давлат ҳудудида текшириш амалга оширилган ҳолларда, муддат 30 иш кунигача узайтирилиши мумкин.						
9.	Рухсат этишга оид талаб ва шартлар:	а) фуқаро ҳаво кемасининг учишга яроқлилиги сақланишини таъминлаш;* б) ҳаво кемаси қуйидагиларга эга бўлиши керак: ҳаво кемасида рўйхатга олиш ва давлат белгилари акс эттирилиши, Ўзбекистон Республикаси Давлат байроғининг тасвирини ифодаловчи белги туширилган ҳолда ташқи бўялиши;* ҳаво кемасининг асосий кириш йўлагига кўринадиган жойга ўрнатилган, ҳаво кемасининг тури, ҳаво кемасининг рўйхатга олиш ва давлат таниш белгилари кўрсатилган танитувчи табло;* в) белгиланган ресурслар ва хизмат муддати доирасида фуқаро ҳаво кемасидан фойдаланиш;* г) белгиланган муддатларда учишга яроқлилик директивалари, мажбурий бюллетенлар ва назорат тариқасида текширувларни бажариш;*						

		д) Ўзбекистон Республикасининг авиация қоидаларига риоя қилиш.*
10.	Рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжатни беришда қилишиладиган органлар:	Мавжуд эмас
11.	Рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжатнинг амал қилиш муддати:	1. Учишга яроқлилик бўйича стандарт сертификат бир календарь йилдан кўп бўлмаган муддатга берилади. 2. Учишга яроқлилик бўйича махсус сертификат ўн беш календарь кундан кўп бўлмаган муддатга берилади. 3. Учишга яроқлилик бўйича экспорт сертификати бир календарь ойдан кўп бўлмаган муддатга берилади.
12.	Изоҳ:	1. Учишга яроқлилик сертификати Ўзбекистон Республикаси фуқаро авиациясида эксплуатация қилишга рухсат бериш учун фуқаро ҳаво кемаси учишга яроқлилиги нормаларига мувофиқлигини тасдиқлайди. 2. Ўзбекистон Республикаси фуқаро авиациясида учишга яроқлилик сертификатининг уч тури қўлланилади: учишга яроқлилик бўйича стандарт сертификат; учишга яроқлилик бўйича махсус сертификат; учишга яроқлилик бўйича экспорт сертификати. 3. Учишга яроқлилик сертификатига сертификатнинг аниқ турини аниқлайдиган иккита ҳарфдан иборат рақам (СА – учишга яроқлилик бўйича стандарт сертификат, SC – учишга яроқлилик бўйича махсус сертификат, ЕС – учишга яроқлилик бўйича экспорт сертификати) ва тартиб рақами, тартиб боровчи оралиқ рақам берилади. 4. Қуйидаги ҳолларда учишга яроқлилик бўйича стандарт сертификат берилади: фуқаро ҳаво кемаси Ўзбекистон Республикаси Фуқаро ҳаво кемаларининг давлат реестрига киритилгандан (учишга яроқлилик бўйича стандарт сертификатини дастлабки бериш), радиожиҳозлар сертификати ва шовқинлар бўйича сертификат олгандан кейин; аввал берилган учишга яроқлилик бўйича стандарт сертификатнинг амал қилиш муддати тугаганда; фуқаро ҳаво кемасининг тоифаси ва/ёки қўлланилиши ўзгарганда. Учишга яроқлилик бўйича стандарт сертификат рақами эксплуатацияда бўлган бутун давр мобайнида аниқ бир фуқаро ҳаво кемасида сақланиб қолади. 5. Фуқаро ҳаво кемаси ва/ёки парвозларни амалга ошириш шароитлари учишга яроқлилик нормалари талабларига жавоб бермаса, қуйидаги ҳолларда учишга яроқлилик бўйича махсус сертификат берилади: таъмирлаш, модификациялаш ёки техник хизмат кўрсатиш лозим бўлган жойга, шунингдек, сақлаб туриш жойига ҳаво кемаси учиб бориши учун; ҳаво кемаси жойлашган жойда бартараф этилиши мумкин бўлмаган, ушбу турдаги ҳаво кемасининг эксплуатация ҳужжатларига кўра рухсат бериш ва чекловлар доирасидан четга чиққан зарар ва/ёки носозликлар ҳаво кемасининг конструкцияси ёки унинг компонентларида мавжуд бўлса; ҳавф солиши мумкин бўлган ҳудуддан ёки форс-мажор ҳолати юзага келганда фуқаро ҳаво кемасини эвакуация қилиш учун;

		“Ўзавиация” агентлиги қарорига кўра бошқа ҳар қандай ҳолатларда. Учишга яроқлилик бўйича махсус сертификат фақат маълум бир парвозни амалга ошириш учун ҳақиқий ҳисобланади ва фуқаро ҳаво кемаси сертификатда кўрсатилган эксплуатация чекловларини ҳисобга олган ҳолда, белгиланган йўналиш бўйлаб хавфсиз парвозни амалга оширишга қодирлигини тасдиқлайди. 6. Учишга яроқлилик бўйича экспорт сертификати, фуқаро ҳаво кемаси Ўзбекистон Республикаси Фуқаро ҳаво кемаларининг давлат реестридан чиқарилиб, уни хорижий давлатнинг авиация маъмурияти юрисдикциясига ўтказиш чоғида берилади. 7. Учишга яроқлилик стандарт сертификатини бериш учун фуқаро ҳаво кемасининг учишга яроқлилигига доир текширув ўтказилади. Текширув дастури “Ўзавиация” агентлиги томонидан белгиланади. Максимал учиш вазни 5 700 кг дан кам бўлган фуқаро ҳаво кемасида “Ўзавиация” агентлиги мутахассиси томонидан фуқаро ҳаво кемасининг учишга яроқлилигига доир текширув ўтказилмаслигига йўл қўйилади. 8. Ваколатли орган аризани кўриб чиқиш муддати давомида ўрганишларни ўтказиш учун харажатлар (хизмат сафари ва йўлда бўлган вақт учун кундалик харажатлар, меҳмонхоналарда яшаш харажатлари, транспорт харажатлари, кириш визасини расмийлаштириш ва суғурта полисини сотиб олиш харажатлари) талабгор (ариза берувчи) томонидан амалга оширилади. 9. Халқаро фуқаро авиацияси ташкилотининг (ИКАО) стандартлари талабларига ва тавсия қилинган амалиётга мувофиқ “Ўзавиация” агентлиги талабгорга рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжатни берганлик учун йиғим тўланган санадан эътиборан бир иш кунидан кечиктирмай учишга яроқлилик сертификатининг асл нусхасини беради. 10. Халқаро парвозларни амалга оширувчи фуқаро ҳаво кемаси учун учишга яроқлилик сертификати матни инглиз тилида бўлиши лозим. 11. Парвозларни амалга ошириш вақтида учишга яроқлилик сертификати ҳаво кемасида бўлиши лозим. Амалдаги учишга яроқлилик сертификати бўлмаган ҳолларда ҳаво кемасида парвозларни амалга ошириш тақиқланади. 12. Фуқаро ҳаво кемаси Ўзбекистон Республикаси Фуқаро ҳаво кемаларининг давлат реестридан чиқарилган тақдирда, учишга яроқлилик сертификати автоматик равишда бекор қилинади. 13. Ўзбекистон Республикаси ҳудудидан ташқарида жойлашган фуқаро ҳаво кемасига учишга яроқлилик сертификати қуйидаги ҳолларда берилиши мумкин: а) Ўзбекистон Республикаси ҳудудидан ташқарида фуқаро ҳаво кемасини эксплуатация қилиш; б) ҳаво кемасини сотиб олиш (ижарага олиш). 14. Учишга яроқлилик сертификатини бериш тартиб-таомиллари талабгорнинг ёзма мурожаати асосида “Ўзавиация” агентлиги директорининг буйруғи билан ваколат берилган мутахассис томонидан Ўзбекистон Республикаси ҳудудидан ташқарида амалга оширилади.
--	--	--

	15. Ўзбекистон Республикаси ҳудудидан ташқарида фуқаро ҳаво кемасининг учишга яроқлилик сертификатини бериш тартиб-таомиллари бажарилган тақдирда, талабгор олдиндан тақдим қилмаган ушбу паспортнинг 5-бандига мувофиқ учишга яроқлилик сертификатини бериш учун аризага илова қилинадиган (талабгор томонидан ҳаво кемани қабул қилганидан кейин расмийлаштириладиган) ҳужжатлар, текширув ўтказиладиган жойда талабгорнинг ваколатли мутахассислари томонидан тақдим этилиши мумкин. 16. Талабгор эксплуатация қиладиган фуқаро ҳаво кемаларига хорижий давлат Авиация маъмурияти томонидан берилган учишга яроқлилик сертификатини, бундай сертификатни бериш талаблари Халқаро фуқаро авиацияси ташкилотининг (ИКАО) стандартларига мувофиқ бўлиши шarti билан “Ўзавиация” агентлиги ҳақиқий деб тан олади. 17. Фуқаро ҳаво кемасини ишлаб чиқарувчи давлат ёки ҳаво кемасининг турига доир сертификатни берган ваколатли орган томонидан белгиланган учишга яроқлилик нормаларини “Ўзавиация” агентлиги тан олади. 18. Ваколатли орган аризани кўриб чиқиш муддати давомида ўрганишларни ўтказиш учун харажатлар (хизмат сафари ва йўлда бўлган вақт учун кундалик харажатлар, меҳмонхоналарда яшаш харажатлари, транспорт харажатлари, кириш визасини расмийлаштириш ва суғурта полисини сотиб олиш харажатлари) ҳақиқий харажатлар суммаси бўйича талабгор (ариза берувчи) томонидан ёзма шартномага кўра қопланади. <i>*Қўпол равишда бузиш деб ҳисобланадиган талаб ва шартлар.</i>
--	--

Махсус электрон тизим орқали рухсат этиш
хусусиятига эга айрим ҳужжатларни бериш тартиб-
таомиллари тўғрисидаги ягона низомга
55-илова

Фуқаро ҳаво кемаларига шовқинлар бўйича сертификат ПАСПОРТИ

1.	Рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжатнинг номи:	Фуқаро ҳаво кемаларига шовқинлар бўйича сертификат
2.	Амалга оширилиши учун рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжатни олиш талаб этиладиган фаолият (ҳаракатлар):	Фуқаро авиацияси халқаро ташкилоти (ИКАО) стандартлари талабларига ва тавсия қилинган амалиётга мувофиқ фуқаро ҳаво кемасидан фойдаланиш
3.	Ариза берувчилар тоифаси:	Юридик ёки жисмоний шахслар
4.	Рухсат этиш тартиб-таомиллари соҳасидаги ваколатли орган:	Ўзбекистон Республикаси Транспорт вазирлиги ҳузуридаги Фуқаро авиацияси агентлиги (“Ўзавиация” агентлиги)
5.	Рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжатни олиш учун тақдим қилинадиган ҳужжатлар:	а) ариза; аризада қуйидагилар акс эттирилади: 1) (талабгорнинг) юридик шахснинг тўлиқ номи ёки жисмоний шахснинг фамилияси, исми, отасининг исми;

2) ҳаво кемаси тўғрисидаги маълумотлар:
 ҳаво кемасини ишлаб чиқарувчи;
 ҳаво кемасининг тури;
 ҳаво кемасининг модели;
 ҳаво кемасининг тоифаси;
 миллий ва рўйхатга олиш белгилари;
 заводда берилган рақами;
 ишлаб чиқарилган жойи ва санаси;
 максимал учиш вазни;
 максимал қўниш вазни;
 шовқин бўйича сертификатлаш стандарти;
 3) двигателлар тўғрисидаги маълумотлар:

Двигателнинг тартиб рақами	1	2	3	4
Ишлаб чиқарувчи				
Тури				
Модели				
Завод рақами				
Ишлаб чиқарилган санаси				

4) ҳаво винтлари тўғрисидаги маълумотлар:

Ҳаво винтининг тартиб рақами	1	2	3	4
Ишлаб чиқарувчи				
Тури				
Модели				
Завод рақами				
Ишлаб чиқарилган санаси				

5) талабгор тўғрисидаги маълумотлар:

юридик шахслар учун:

ташкilotнинг ташкилий-ҳуқуқий шаклини кўрсатган ҳолда тўлиқ номи;

жойлашган жойи (почта манзили);

телефон рақами / e-mail;

жисмоний шахслар учун:

фамилияси, исми, отасининг исми;

фуқаронинг шахсини тасдиқловчи ҳужжат маълумотлари;

яшаш жойи манзили;

телефон рақами / e-mail;

б) фуқаро ҳаво кемаси рўйхатдан ўтказилганлиги тўғрисидаги гувоҳнома;

в) ҳаво кемасида парвоз қилиш чоғида ишлатиладиган қўлланма;

г) шовқин бўйича сертификация ўтказилганлигини тасдиқловчи ҳужжат;

д) ҳаво кемасидан фойдаланиш пайтида шовқин даражаси меъёрларига таъсир қиладиган модификациялар ва ўзгартиришлар ҳаво кемасида бажарилмаганлигини тасдиқловчи ҳужжат;

		е) қўшимча маълумотлар, агар ҳаво кемасида рухсат этилган шовқин даражаси меъёрларига эришиш учун зарур бўлган тегишли конструктив ўзгартиришлар бажарилган бўлса.						
6.	Аризани кўриб чиқиш учун тўланадиган йиғим миқдори:	<table><tr><th>Ҳаво кемаси</th><th>Йиғим</th></tr><tr><td>Максимал учиш массаси 15 000 кг дан юқори бўлмаган ҳаво кемалари</td><td>Базавий ҳисоблаш миқдорининг 41,1 баравари</td></tr><tr><td>Максимал учиш массаси 15 000 кг ва ундан юқори бўлган ҳаво кемалари</td><td>Базавий ҳисоблаш миқдорининг 54 баравари</td></tr></table> Йиғимлар суммаси қуйидаги тартибда тақсимланади: 10 фоизи – Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигининг Давлат хизматларини ривожлантириш жамғармасига; 11,25 фоизи – Ягона интерактив давлат хизматлари портали орқали давлат хизматларини кўрсатганлик учун, шунингдек, 0,5 фоизи Ягона биллинг тизими орқали давлат хизматлари кўрсатганлик учун Ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш жамғармасининг электрон ҳукумат ва рақамли иқтисодиётнинг идоралараро лойиҳаларини молиялаштириш бўйича махсус ҳисобварағига; қолган маблағларнинг 60 фоизи – ваколатли органнинг ҳисобварағига, 40 фоизи – Ўзбекистон Республикаси Транспорт вазирлиги ҳузуридаги Транспорт ва логистикани ривожлантириш жамғармасига йўналтирилади.	Ҳаво кемаси	Йиғим	Максимал учиш массаси 15 000 кг дан юқори бўлмаган ҳаво кемалари	Базавий ҳисоблаш миқдорининг 41,1 баравари	Максимал учиш массаси 15 000 кг ва ундан юқори бўлган ҳаво кемалари	Базавий ҳисоблаш миқдорининг 54 баравари
Ҳаво кемаси	Йиғим							
Максимал учиш массаси 15 000 кг дан юқори бўлмаган ҳаво кемалари	Базавий ҳисоблаш миқдорининг 41,1 баравари							
Максимал учиш массаси 15 000 кг ва ундан юқори бўлган ҳаво кемалари	Базавий ҳисоблаш миқдорининг 54 баравари							
7.	Рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжат берилганлиги учун ундириладиган йиғим:	Базавий ҳисоблаш миқдорининг 7,8 баравари. Йиғим суммаси қуйидаги тартибда тақсимланади: 10 фоизи – Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигининг Давлат хизматларини ривожлантириш жамғармасига; 11,25 фоизи – Ягона интерактив давлат хизматлари портали орқали давлат хизматларини кўрсатганлик учун, шунингдек, 0,5 фоизи Ягона биллинг тизими орқали давлат хизматлари кўрсатганлик учун Ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш жамғармасининг электрон ҳукумат ва рақамли иқтисодиётнинг идоралараро лойиҳаларини молиялаштириш бўйича махсус ҳисобварағига; қолган маблағларнинг 60 фоизи – ваколатли органнинг ҳисобварағига, 40 фоизи – Ўзбекистон Республикаси Транспорт вазирлиги ҳузуридаги Транспорт ва логистикани ривожлантириш жамғармасига йўналтирилади.						
8.	Аризани кўриб чиқиш муддати:	10 иш куни. Фуқаро ҳаво кемасини хорижий давлат ҳудудида текшириш амалга оширилган ҳолларда, муддат 30 иш кунигача узайтирилиши мумкин.						
9.	Рухсат этишга оид талаб ва шартлар:	а) фуқаро ҳаво кемасининг амалдаги шовқин стандартларига мослиги кўрсатилган, тасдиқланган намунавий конструкцияга мувофиқлигини таъминлаш;* б) фуқаро ҳаво кемасида унинг шовқин хусусиятларига салбий таъсир кўрсатиши мумкин бўлган конструктив ўзгартиришлар йўқлигини таъминлаш;* в) Ўзбекистон Республикасининг авиация қоидаларига риоя қилиш.*						
10.	Рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжатни беришда келишиладиган органлар:	Мавжуд эмас						

11.	Рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжатнинг амал қилиш муддати:	Чекланмаган
12.	Изоҳ:	1. Шовқинлар бўйича сертификат Ўзбекистон Республикаси Фуқаро ҳаво кемаларининг давлат реестрида рўйхатга олинган ва шовқин бўйича сертификатлаш ўтказилганлигини тасдиқловчи ҳужжатга эга бўлган фуқаро ҳаво кемаларига берилади. 2. Ваколатли орган аризани кўриб чиқиш муддати давомида амалга ошириладиган ўрганишлар учун харажатлар (хизмат сафари ва йўлда бўлган вақт учун кундалик харажатлар, меҳмонхоналарда яшаш харажатлари, транспорт харажатлари, кириш визасини расмийлаштириш ва суғурта полисини сотиб олиш харажатлари) талабгор (ариза берувчи) томонидан амалга оширилади. 3. Халқаро фуқаро авиацияси ташкилотининг (ИКАО) стандартлари талабларига ва тавсия қилинган амалиётга мувофиқ “Ўзавиация” агентлиги талабгорга рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжатни берганлик учун йиғим тўланган санадан эътиборан бир иш кунидан кечиктирмай шовқинлар бўйича сертификатнинг асл нусхасини беради. 4. Халқаро парвозларни амалга оширувчи фуқаро ҳаво кемаси учун шовқинлар бўйича сертификат матни инглиз тилида бўлиши лозим. 5. Парвозларни амалга ошириш вақтида шовқинлар бўйича сертификат ҳаво кемасида бўлиши лозим. Амалдаги шовқинлар бўйича сертификат бўлмаган ҳолларда ҳаво кемасида парвозларни амалга ошириш тақиқланади. 6. Фуқаро ҳаво кемаси Ўзбекистон Республикаси Фуқаро ҳаво кемаларининг давлат реестридан чиқарилган тақдирда, шовқинлар бўйича сертификат автоматик равишда бекор қилинади. 7. Ўзбекистон Республикаси ҳудудидан ташқарида жойлашган фуқаро ҳаво кемасига шовқинлар бўйича сертификат қуйидаги ҳолларда берилиши мумкин: Ўзбекистон Республикаси ҳудудидан ташқарида фуқаро ҳаво кемасини эксплуатация қилиш; ҳаво кемасини сотиб олиш (ижарага олиш). 8. Шовқинлар бўйича сертификатни бериш тартиб-таомиллари талабгорнинг ёзма мурожаати асосида “Ўзавиация” агентлиги директорининг буйруғи билан ваколат берилган мутахассис томонидан Ўзбекистон Республикаси ҳудудидан ташқарида амалга оширилади. 9. Ўзбекистон Республикаси ҳудудидан ташқарида шовқинлар бўйича сертификатни бериш тартиб-таомиллари бажарилган тақдирда, талабгор олдиндан тақдим қилмаган ушбу паспортнинг 5-бандига мувофиқ шовқинлар бўйича сертификатни бериш учун аризага илова қилинадиган (талабгор томонидан ҳаво кемани қабул қилганидан кейин расмийлаштириладиган) ҳужжатлар, текширув ўтказиладиган жойда талабгорнинг ваколатли мутахассислари томонидан тақдим этилиши мумкин. 10. Шовқинлар бўйича сертификатда кўрсатилган маълумотлар ўзгартирилган тақдирда, ҳаво кемасида модификациялар бажарилган ҳолларда, талабгор томонидан шовқинлар бўйича сертификатни қайта расмийлаштириш учун тасдиқловчи ҳужжатларни илова қилган ҳолда ариза берилиши шарт.

	11. Ваколатли орган аризани кўриб чиқиш муддати давомида амалга ошириладиган ўрганишлар учун харажатлар (хизмат сафари ва йўлда бўлган вақт учун кундалик харажатлар, меҳмонхоналарда яшаш харажатлари, транспорт харажатлари, кириш визасини расмийлаштириш ва суғурта полисини сотиб олиш харажатлари) ҳақиқий харажатлар суммаси бўйича талабгор (ариза берувчи) томонидан ёзма шартномага кўра қопланади. <i>*Кўпол равишида бузиш деб ҳисобланадиган талаб ва шартлар.</i>
--	---

Махсус электрон тизим орқали рухсат этиш хусусиятига эга айрим ҳужжатларни бериш тартиб-таомиллари тўғрисидаги ягона низомга
56-илова

Фуқаро ҳаво кемаларининг радио жиҳозлари учун сертификат ПАСПОРТИ

1.	Рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжатнинг номи:	Фуқаро ҳаво кемаларининг радиожиҳозлари учун сертификат																									
2.	Амалга оширилиши учун рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжатни олиш талаб этиладиган фаолият (ҳаракатлар):	Фуқаро авиацияси халқаро ташкилоти (ИКАО) стандартлари талабларига ва тавсия қилинган амалиётга мувофиқ фуқаро ҳаво кемасидан фойдаланиш																									
3.	Ариза берувчилар тоифаси:	Юридик ёки жисмоний шахслар																									
4.	Рухсат этиш тартиб-таомиллари соҳасидаги ваколатли орган:	Ўзбекистон Республикаси Транспорт вазирлиги ҳузуридаги Фуқаро авиацияси агентлиги (“Ўзавиация” агентлиги)																									
5.	Рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжатни олиш учун тақдим қилинадиган ҳужжатлар:	а) ариза; аризада қуйидагилар акс эттирилади: 1) (талабгорнинг) юридик шахснинг тўлиқ номи ёки жисмоний шахснинг фамилияси, исми, отасининг исми; 2) ҳаво кемаси тўғрисидаги маълумотлар: ҳаво кемасини ишлаб чиқарувчи; ҳаво кемасининг тури; миллий ва рўйхатга олиш белгилари; заводда берилган рақами; 3) радиосигналларни узатувчи радиожиҳозлар тўғрисидаги маълумотлар: <table><tr><th>Т/р</th><th>Тури</th><th>Тизимлар номи</th><th>Сони, дон</th><th>Частотаси (МГц)</th></tr><tr><td></td><td></td><td></td><td></td><td></td></tr><tr><td></td><td></td><td></td><td></td><td></td></tr><tr><td></td><td></td><td></td><td></td><td></td></tr><tr><td></td><td></td><td></td><td></td><td></td></tr></table> 4) ҳаво кемасига тегишли бўлган чақирув сигналлари, кодлар ва манзиллар тўғрисидаги маълумотлар:	Т/р	Тури	Тизимлар номи	Сони, дон	Частотаси (МГц)																				
Т/р	Тури	Тизимлар номи	Сони, дон	Частотаси (МГц)																							

		<table><tr><td>Телефон:</td><td></td></tr><tr><td>Телеграф:</td><td></td></tr><tr><td>SELCAL коди:</td><td></td></tr><tr><td>Ҳаво кемасининг 24-битли манзили:</td><td></td></tr></table> 5) талабгор тўғрисидаги маълумот: юридик шахслар учун: ташкilotнинг ташкилий-ҳуқуқий шаклини кўрсатган ҳолда тўлиқ номи; жойлашган жойи (почта манзили); телефон рақами / e-mail; жисмоний шахслар учун: фамилияси, исми, отасининг исми; фуқаронинг шахсини тасдиқловчи ҳужжат маълумотлари; яшаш жойи манзили; телефон рақами / e-mail; б) фуқаро ҳаво кемаси рўйхатдан ўтказилганлиги тўғрисидаги гувоҳнома; в) ҳаво кемани ишлаб чиқарувчисининг ўрнатилган ускуналари рўйхати ёки эквивалент ҳужжат; г) аризада кўрсатилган компонентлар учун техник хизмат кўрсатиш қўлланмалари (component maintenance manual); д) авария радиомаяқларини қайта дастурлашни тасдиқловчи ҳужжат; е) фуқаро ҳаво кемасининг 24-битли манзили (Фуқаро авиацияси халқаро ташкilotи (ИКАО) идентификация коди) фуқаро ҳаво кемасининг радиожихозлар тизимиға қиритилганлигини тасдиқловчи ҳужжат; ж) авария радиомаяқлари КОСПАС-САРСАТ тизимининг рўйхатиға қиритилганлигини тасдиқловчи ҳужжат; з) ASRI (Aviation Spectrum Resources) компаниясида рўйхатиға қиритилганлиги билан бирға ҳаво кемасиға SELCAL коди берганлигини тасдиқловчи ҳужжат, агар ушбу тизим ҳаво кемасида мавжуд бўлса.	Телефон:		Телеграф:		SELCAL коди:		Ҳаво кемасининг 24-битли манзили:	
Телефон:										
Телеграф:										
SELCAL коди:										
Ҳаво кемасининг 24-битли манзили:										
6.	Аризани кўриб чиқиш учун тўланадиган йиғим миқдори:	<table><tr><th>Ҳаво кемаси</th><th>Йиғим</th></tr><tr><td>Максимал учиш массаси 15 000 кг дан юқори бўлмаган ҳаво кемалари</td><td>Базавий ҳисоблаш миқдорининг 45,64 баравари</td></tr><tr><td>Максимал учиш массаси 15 000 кг ва ундан юқори бўлган ҳаво кемалари</td><td>Базавий ҳисоблаш миқдорининг 67,3 баравари</td></tr></table> Йиғимлар суммаси қуйидаги тартибда тақсимланади: 10 фоизи – Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигининг Давлат хизматларини ривожлантириш жамғармасиға; 11,25 фоизи – Ягона интерактив давлат хизматлари портали орқали давлат хизматларини кўрсатганлик учун, шунингдек, 0,5 фоизи Ягона биллинг тизими орқали давлат хизматлари кўрсатганлик учун Ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш жамғармасининг электрон ҳукумат ва рақамли иқтисодиётнинг идоралараро лойиҳаларини молиялаштириш бўйича махсус ҳисобварағиға; қолган маблағларнинг 60 фоизи – ваколатли органнинг ҳисобварағиға, 40 фоизи – Ўзбекистон Республикаси Транспорт вазирлиги ҳузуридаги Транспорт ва логистикани ривожлантириш жамғармасиға йўналтирилади.	Ҳаво кемаси	Йиғим	Максимал учиш массаси 15 000 кг дан юқори бўлмаган ҳаво кемалари	Базавий ҳисоблаш миқдорининг 45,64 баравари	Максимал учиш массаси 15 000 кг ва ундан юқори бўлган ҳаво кемалари	Базавий ҳисоблаш миқдорининг 67,3 баравари		
Ҳаво кемаси	Йиғим									
Максимал учиш массаси 15 000 кг дан юқори бўлмаган ҳаво кемалари	Базавий ҳисоблаш миқдорининг 45,64 баравари									
Максимал учиш массаси 15 000 кг ва ундан юқори бўлган ҳаво кемалари	Базавий ҳисоблаш миқдорининг 67,3 баравари									

7.	Рухсат этиш хусусиятига эга хужжат берилганлиги учун ундириладиган йиғим:	Базавий ҳисоблаш миқдорининг 7,8 бараवари. Йиғим суммаси қуйидаги тартибда тақсимланади: 10 фоизи – Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигининг Давлат хизматларини ривожлантириш жамғармасига; 11,25 фоизи – Ягона интерактив давлат хизматлари портали орқали давлат хизматларини кўрсатганлик учун, шунингдек, 0,5 фоизи Ягона биллинг тизими орқали давлат хизматлари кўрсатганлик учун Ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш жамғармасининг электрон ҳукумат ва рақамли иқтисодиётнинг идоралараро лойиҳаларини молиялаштириш бўйича махсус ҳисобварағига; қолган маблағларнинг 60 фоизи – ваколатли органнинг ҳисобварағига, 40 фоизи – Ўзбекистон Республикаси Транспорт вазирлиги ҳузуридаги Транспорт ва логистикани ривожлантириш жамғармасига йўналтирилади.
8.	Аризани кўриб чиқиш муддати:	10 иш куни. Фуқаро ҳаво кемасини хорижий давлат ҳудудида текшириш амалга оширилган ҳолларда, муддат 30 иш кунигача узайтирилиши мумкин.
9.	Рухсат этишга оид талаб ва шартлар:	а) фуқаро ҳаво кемасининг турига тегишли бўлган фуқаро ҳаво кемасининг ўқишга яроқлилиги нормаларига мувофиқлигини таъминлаш;* б) маълум бир ҳаво кемасига тегишли бўлган чақирув сигналларини, кодларни ва манзилларни қўллашни таъминлаш, бунда уларни бошқа ҳаво кемасида қўллаш ҳуқуқи берилмайди;* в) Ўзбекистон Республикасининг авиация қоидаларига риоя қилиш.*
10.	Рухсат этиш хусусиятига эга хужжатни беришда келишиладиган органлар:	Мавжуд эмас
11.	Рухсат этиш хусусиятига эга хужжатнинг амал қилиш муддати:	Чекланмаган
12.	Изоҳ:	1. Радиожиҳозлар сертификати Ўзбекистон Республикаси Фуқаро ҳаво кемаларининг давлат реестрида рўйхатга олинган фуқаро ҳаво кемаларига берилади. 2. Халқаро фуқаро авиацияси ташкилотининг (ИКАО) стандартлари талабларига ва тавсия қилинган амалиётга мувофиқ “Ўзавиация” агентлиги талабгорга рухсат этиш хусусиятига эга хужжатни берганлик учун йиғим тўланган санадан эътиборан бир иш кунидан кечиктирмай радиожиҳозлар сертификатининг асл нусхасини беради. 3. Халқаро парвозларни амалга оширувчи фуқаро ҳаво кемаси учун радиожиҳозлар сертификатининг матни инглиз тилида бўлиши лозим. 4. Парвозларни амалга ошириш вақтида радиожиҳозлар сертификати ҳаво кемасида бўлиши лозим. Амалдаги радиожиҳозлар сертификати бўлмаган ҳолларда, ҳаво кемасида парвозларни амалга ошириш тақиқланади. 5. Фуқаро ҳаво кемаси Ўзбекистон Республикаси Фуқаро ҳаво кемаларининг давлат реестридан чиқарилган тақдирда, радиожиҳозлар сертификати автоматик равишда бекор қилинади. 6. Ўзбекистон Республикаси ҳудудидан ташқарида жойлашган фуқаро ҳаво кемасига радиожиҳозлар сертификати қуйидаги ҳолларда берилиши мумкин:

	Ўзбекистон Республикаси ҳудудидан ташқарида фуқаро ҳаво кемасини эксплуатация қилиш; ҳаво кемасини сотиб олиш (ижарага олиш). 7. Радиожиҳозлар сертификатини бериш тартиб-таомиллари талабгорнинг ёзма мурожаати асосида “Ўзавиация” агентлиги директорининг буйруғи билан ваколат берилган мутахассис томонидан Ўзбекистон Республикаси ҳудудидан ташқарида амалга оширилади. 8. Ўзбекистон Республикаси ҳудудидан ташқарида фуқаро ҳаво кемасининг радиожиҳозлар сертификатини бериш тартиб-таомиллари бажарилган тақдирда, талабгор олдиндан тақдим қилмаган ушбу паспортнинг 5-бандига мувофиқ радиожиҳозлар сертификатини бериш учун аризага илова қилинадиган (талабгор томонидан ҳаво кемани қабул қилганидан кейин расмийлаштириладиган) ҳужжатлар, текширув ўтказиладиган жойда талабгорнинг ваколатли мутахассислари томонидан тақдим этилиши мумкин. 9. Радиожиҳозлар сертификатига кўрсатилган маълумотлар ўзгартирилган тақдирда, ҳаво кемасига бошқа чизма рақами билан радиожиҳозлар ўрнатилган ҳолларда, талабгор томонидан радиожиҳозлар сертификатини қайта расмийлаштириш учун тасдиқловчи ҳужжатларни илова қилган ҳолда, ариза берилиши шарт. 10. Ваколатли орган аризани кўриб чиқиш муддати давомида амалга ошириладиган ўрганишларни ўтказиш учун харажатлар (хизмат сафари ва йўлда бўлган вақт учун кундалик харажатлар, меҳмонхоналарда яшаш харажатлари, транспорт харажатлари, кириш визасини расмийлаштириш ва суғурта полисини сотиб олиш харажатлари) ҳақиқий харажатлар суммаси бўйича талабгор (ариза берувчи) томонидан ёзма шартномага кўра қопланади. <i>*Қўпол равишда бузиш деб ҳисобланадиган талаб ва шартлар.</i>
--	---

Махсус электрон тизим орқали рухсат этиш
хусусиятига эга айрим ҳужжатларни бериш тартиб-
таомиллари тўғрисидаги ягона низомга
57-илова

Фуқаро ҳаво кемаларига техник хизмат кўрсатиш ташкilotи сертификати ПАСПОРТИ

1.	Рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжатнинг номи:	Фуқаро ҳаво кемаларига техник хизмат кўрсатиш ташкilotи сертификати
2.	Амалга оширилиши учун рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжатни олиш талаб этиладиган фаолият (ҳаракатлар):	Ҳаво кемаларига техник хизмат кўрсатиш
3.	Ариза берувчилар тоифаси:	Юридик шахслар

4.	Рухсат этиш тартиб-таомиллари ваколатли орган:	Ўзбекистон Республикаси Транспорт вазирлиги хузуридаги Фуқаро авиацияси агентлиги (“Ўзавиация” агентлиги)																																							
5.	Рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжатни олиш учун тақдим қилинадиган ҳужжатлар:	а) ариза; аризада қуйидагилар кўрсатилади: 1) аризани бериш сабаби: сертификатни бериш ☐ фаолият соҳасини кенгайтириш ☐ фаолият соҳасини қисқартириш ☐ бошқа сабаблар (кўрсатилсин) _____ ☐ 2) талабгор тўғрисидаги маълумот: ташкilotнинг рўйхатга олинган номи; ташкilotнинг рўйхатга олинган жойи, рўйхат рақами; ташкilotнинг жойлашган жойи, манзили; ташкilotнинг тасдиқланган фаолият соҳаси бўйича ишларни бажариш манзили (давлат, шаҳар, аэропорт номи ва бошқалар); телефон рақами / e-mail; ташкilot раҳбарининг лавозими, фамилияси, исми, отасининг исми ва боғланиш учун маълумотлари; сифат тизимига нисбатан ваколатли шахснинг лавозими, фамилияси, исми, отасининг исми ва боғланиш учун маълумотлари. 3) маълум қилинаётган фаолият соҳаси ҳақида маълумот: <table border="1" data-bbox="711 1025 1481 2080"> <thead> <tr> <th data-bbox="711 1025 906 1133" rowspan="2">КЛАСС</th><th colspan="2" data-bbox="906 1025 1150 1059">БЕРИЛГАН РУХСАТ</th><th data-bbox="1150 1025 1310 1111" rowspan="2">ЧЕКЛОВЛАР</th><th data-bbox="1310 1025 1398 1111" rowspan="2">ДАВРИЙ ТЕХНИК ХИЗМАТ КЎРСАТИШ</th><th data-bbox="1398 1025 1481 1111" rowspan="2">ОПЕРАТИВ ТЕХНИК ХИЗМАТ КЎРСАТИШ</th></tr> <tr> <th data-bbox="906 1059 970 1133">Тоифа</th><th data-bbox="970 1059 1150 1133">Авиация техникаси ёки ишларнинг тури</th></tr> </thead> <tbody> <tr> <td data-bbox="711 1133 906 1980" rowspan="4">ҲАВО КЕМАЛАРИ:</td><td data-bbox="906 1133 970 1335">A1</td><td data-bbox="970 1133 1150 1335">Учиб чиқиш массаси 5 700 кг дан юқори бўлган самолётлар</td><td data-bbox="1150 1133 1310 1335">Ҳаво кемаси туркуми ёки тури ва/ёки бажариладиган техник хизмат кўрсатиш турлари кўрсатилади</td><td data-bbox="1310 1133 1398 1335"></td><td data-bbox="1398 1133 1481 1335"></td></tr> <tr> <td data-bbox="906 1335 970 1536">A2</td><td data-bbox="970 1335 1150 1536">Учиб чиқиш массаси 5 700 кг дан юқори бўлмаган самолётлар</td><td data-bbox="1150 1335 1310 1536">Ҳаво кемаси туркуми ёки тури ва/ёки бажариладиган техник хизмат кўрсатиш турлари кўрсатилади</td><td data-bbox="1310 1335 1398 1536"></td><td data-bbox="1398 1335 1481 1536"></td></tr> <tr> <td data-bbox="906 1536 970 1756">A3</td><td data-bbox="970 1536 1150 1756">Вертолётлар</td><td data-bbox="1150 1536 1310 1756">Ҳаво кемаси туркуми ёки тури ва/ёки бажариладиган техник хизмат кўрсатиш турлари кўрсатилади</td><td data-bbox="1310 1536 1398 1756"></td><td data-bbox="1398 1536 1481 1756"></td></tr> <tr> <td data-bbox="906 1756 970 1980">A4</td><td data-bbox="970 1756 1150 1980">A1, A2 ва A3 тоифаларига тааллуқли бўлмаган ҳаво кемалари</td><td data-bbox="1150 1756 1310 1980">Ҳаво кемаси туркуми ёки тури ва/ёки бажариладиган техник хизмат кўрсатиш турлари кўрсатилади</td><td data-bbox="1310 1756 1398 1980"></td><td data-bbox="1398 1756 1481 1980"></td></tr> <tr> <td data-bbox="711 1980 906 2080">АВИАЦИЯ ДВИГАТЕЛЛАРИ:</td><td data-bbox="906 1980 970 2080">B1</td><td data-bbox="970 1980 1150 2080">Газ турбинали двигателлар</td><td colspan="3" data-bbox="1150 1980 1481 2080">Двигателларнинг туркуми ёки тури ва/ёки бажариладиган техник хизмат кўрсатиш турлари кўрсатилади</td></tr> </tbody> </table>					КЛАСС	БЕРИЛГАН РУХСАТ		ЧЕКЛОВЛАР	ДАВРИЙ ТЕХНИК ХИЗМАТ КЎРСАТИШ	ОПЕРАТИВ ТЕХНИК ХИЗМАТ КЎРСАТИШ	Тоифа	Авиация техникаси ёки ишларнинг тури	ҲАВО КЕМАЛАРИ:	A1	Учиб чиқиш массаси 5 700 кг дан юқори бўлган самолётлар	Ҳаво кемаси туркуми ёки тури ва/ёки бажариладиган техник хизмат кўрсатиш турлари кўрсатилади			A2	Учиб чиқиш массаси 5 700 кг дан юқори бўлмаган самолётлар	Ҳаво кемаси туркуми ёки тури ва/ёки бажариладиган техник хизмат кўрсатиш турлари кўрсатилади			A3	Вертолётлар	Ҳаво кемаси туркуми ёки тури ва/ёки бажариладиган техник хизмат кўрсатиш турлари кўрсатилади			A4	A1, A2 ва A3 тоифаларига тааллуқли бўлмаган ҳаво кемалари	Ҳаво кемаси туркуми ёки тури ва/ёки бажариладиган техник хизмат кўрсатиш турлари кўрсатилади			АВИАЦИЯ ДВИГАТЕЛЛАРИ:	B1	Газ турбинали двигателлар	Двигателларнинг туркуми ёки тури ва/ёки бажариладиган техник хизмат кўрсатиш турлари кўрсатилади		
КЛАСС	БЕРИЛГАН РУХСАТ		ЧЕКЛОВЛАР	ДАВРИЙ ТЕХНИК ХИЗМАТ КЎРСАТИШ	ОПЕРАТИВ ТЕХНИК ХИЗМАТ КЎРСАТИШ																																				
	Тоифа	Авиация техникаси ёки ишларнинг тури																																							
ҲАВО КЕМАЛАРИ:	A1	Учиб чиқиш массаси 5 700 кг дан юқори бўлган самолётлар	Ҳаво кемаси туркуми ёки тури ва/ёки бажариладиган техник хизмат кўрсатиш турлари кўрсатилади																																						
	A2	Учиб чиқиш массаси 5 700 кг дан юқори бўлмаган самолётлар	Ҳаво кемаси туркуми ёки тури ва/ёки бажариладиган техник хизмат кўрсатиш турлари кўрсатилади																																						
	A3	Вертолётлар	Ҳаво кемаси туркуми ёки тури ва/ёки бажариладиган техник хизмат кўрсатиш турлари кўрсатилади																																						
	A4	A1, A2 ва A3 тоифаларига тааллуқли бўлмаган ҳаво кемалари	Ҳаво кемаси туркуми ёки тури ва/ёки бажариладиган техник хизмат кўрсатиш турлари кўрсатилади																																						
АВИАЦИЯ ДВИГАТЕЛЛАРИ:	B1	Газ турбинали двигателлар	Двигателларнинг туркуми ёки тури ва/ёки бажариладиган техник хизмат кўрсатиш турлари кўрсатилади																																						

	B2	Поршенли двигателлар	Двигателларнинг туркуми ёки тури ва/ёки бажариладиган техник хизмат кўрсатиш турлари кўрсатилади	
	B3	Ёрдамчи куч қурилмалари	Қурилмаларнинг туркуми ёки тури ва/ёки бажариладиган техник хизмат кўрсатиш турлари кўрсатилади	
КЛАСС	БЕРИЛГАН РУХСАТ		ЧЕКЛОВЛАР	АТА / ГОСТ 18675 бўйича код
	Тоифа	Авиация техникаси ёки ишларнинг тури		
ДЕМОНТАЖ ҚИЛИНГАН КОМПОНЕНТЛАР, ЙИҒИЛГАН ҲОЛДАГИ АСОСИЙ АВИАЦИЯ ДВИГАТЕЛИ ВА ЁРДАМЧИ КУЧ ҚУРИЛМАЛАРИ БУНДАН МУСТАСНО	C1	Кема кабинасини кондиционерлаш ва босимини бошқариш тизимлари	Ҳаво кемаси ва/ёки компонентлар ёхуд аниқ компонентлар ва/ёки ташкилотнинг фаолият бўйича қўлланмасида ишлаб чиқариш имкониятлари рўйхати билан ўзаро ҳаволалари ва/ёки бажариладиган техник хизмат турлари кўрсатилади	21
	C2	Автопилот		22
	C3	Алоқа ва навигация жихозлари		23, 34
	C4	Эшиклар ва люклар		52
	C5	Электр токи билан таъминлаш тизимлари		24
	C6	Маиший ва махсус жихозлари		25, 38, 45
	C7	Двигатель ва ёрдамчи куч қурилмалари тизимлари		49, 71–83
	C8	Ҳаво кемасини бошқариш тизимлари		27, 55, 57
	C9	Ёнилғи – планер тизими		28
	C10	Вертолётнинг асосий винтлари		62, 64, 66, 67
	C11	Вертолётнинг трансмиссияси		63, 65
	C12	Гидротизимлар		29
	C13	Асбоб-жихозлар		31
	C14	Шасси		32
	C15	Кислород жихозлари		35
	C16	Ҳаво винтлари		61
	C17	Пневмотизимлар		36, 37
	C18	Музлашга қарши ва ёнғинга қарши тизимлар		26, 30
	C19	Деразалар		56
	C20	Планернинг конструкцияси		53, 54, 57
МАХСУС ИШЛАР ТУРИ	D1	Путур етказмасдан назорат қилиш	Аниқ ишлар ёки иш ва хизматлар тури кўрсатилади	
	D2	Пайванд ва бошқалар	Аниқ ишлар ёки иш ва хизматлар тури кўрсатилади	

б) талабгор томонидан амалга оширилган, ташкилотнинг маълум қилинаётган фаолият соҳасига мувофиқлигини текшириш тўғрисидаги ҳужжат (баённома, ҳисобот, далолатнома ва бошқалар) нусхаси;

в) келишилган ташкилотнинг фаолияти бўйича қўлланма;

г) келишилган сифати бўйича қўлланма;

д) келишилган парвоз хавфсизлигини бошқариш қўлланмаси;

		е) раҳбар ходимларнинг шахсий маълумотлари, шунингдек, уларнинг маълумоти ва иш тажрибаси тўғрисидаги маълумотлар; ж) рухсат берувчи ходимларнинг рўйхати; з) бошқа давлатларнинг авиация маъмуриятларини тасдиқлаш (сертификатлар) тўғрисидаги мавжуд ҳужжатлар рўйхати, мавжуд бўлса.	
6.	Аризани кўриб чиқиш учун тўланадиган йиғим миқдори:	Техник хизмат кўрсатиш ташкилоти ходимлари сони	Йиғим
		10 дан 49 гача	БХМнинг 196,6 баравари
		50 дан 99 гача	БХМнинг 294,9 баравари
		100 дан 499 гача	БХМнинг 442,35 баравари
		500 дан 999 гача	БХМнинг 663,5 баравари
		999 дан ортиқ	БХМнинг 995,25 баравари
		Йиғимлар суммаси қуйидаги тартибда тақсимланади: 10 фоизи – Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигининг Давлат хизматларини ривожлантириш жамғармасига; 11,25 фоизи – Ягона интерактив давлат хизматлари портали орқали давлат хизматларини кўрсатганлик учун, шунингдек, 0,5 фоизи Ягона биллинг тизими орқали давлат хизматлари кўрсатганлик учун Ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш жамғармасининг электрон ҳукумат ва рақамли иқтисодиётнинг идоралараро лойиҳаларини молиялаштириш бўйича махсус ҳисобварағига; қолган маблағларнинг 60 фоизи – ваколатли органнинг ҳисобварағига, 40 фоизи – Ўзбекистон Республикаси Транспорт вазирлиги ҳузуридаги Транспорт ва логистикани ривожлантириш жамғармасига йўналтирилади.	
7.	Рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжат берилганлиги учун ундириладиган йиғим:	Техник хизмат кўрсатиш ташкилоти ходимлари сони	Йиғим
		10 дан 49 гача	БХМнинг 109,5 баравари
		50 дан 99 гача	БХМнинг 164,2 баравари
		100 дан 499 гача	БХМнинг 246,3 баравари
		500 дан 999 гача	БХМнинг 369,4 баравари
		999 дан ортиқ	БХМнинг 548,1 баравари
		Тоифали рухсат классификацияси учун йиғим	1-Жадвалга мувофиқ
1-жадвал			
Тоифали рухсат классификацияси	Ҳаво кемаси ва иш тури	Тоифали рухсат классификацияси учун йиғим	
A1	Учиб чиқиш вазни 5 700 кг дан ортиқ бўлган самолётлар	612,2 БХМ	
A2	Учиб чиқиш вазни 5 700 кг дан ошмайдиган самолётлар	153 БХМ	
A3	Вертолётлар	306,1 БХМ	

		A4	A1, A2 ва A3 тоифаларига тааллуқли бўлмаган ҳаво кемалари	30,6 БҲМ
		B1	Газотурбинали двигателлар	306,1 БҲМ
		B2	Поршенли двигателлар	153 БҲМ
		B3	Ёрдамчи куч қурилмалари	30,6 БҲМ
		C/D	Демонтаж қилинган компонентлар, йиғилган ҳолдаги асосий авиация двигатели ва ёрдамчи куч қурилмалари бундан мустасно	30,6 БҲМ
Изоҳ. Бир нечта A ва/ёки B тоифали рухсатларга эга бўлган ташиқлотлар учун фақат энг юқори тўлов олинади. Бир нечта C ва/ёки D тоифали рухсатларга эга бўлган ташиқлотлар учун ҳар бир тоифали рухсати учун тўлов олинади. Йиғимлар суммаси қуйидаги тартибда тақсимланади: 10 фоизи – Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигининг Давлат хизматларини ривожлантириш жамғармасига; 11,25 фоизи – Ягона интерактив давлат хизматлари портали орқали давлат хизматларини кўрсатганлик учун, шунингдек, 0,5 фоизи Ягона биллинг тизими орқали давлат хизматлари кўрсатганлик учун Ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш жамғармасининг электрон ҳукумат ва рақамли иқтисодиётнинг идоралараро лойиҳаларини молиялаштириш бўйича махсус ҳисобварағига; қолган маблағларнинг 60 фоизи – ваколатли органнинг ҳисобварағига, 40 фоизи – Ўзбекистон Республикаси Транспорт вазирлиги ҳузуридаги Транспорт ва логистикани ривожлантириш жамғармасига йўналтирилади.				
8.	Аризани кўриб чиқиш муддати:	45 иш куни		
9.	Рухсат этишга оид талаб ва шартлар:	Умумий талаблар 1. Ташиқлот қуйидаги талабларга жавоб бериши лозим: а) ишлаб чиқариш масалаларининг самарали ҳал қилинишини таъминловчи ташкилий тузилмасига ва ўзининг фаолиятини бошқариш тизимига эга бўлиш;* б) белгиланган фаолият соҳасига мувофиқ ишлар ташкил этилиши ва бажарилишига қўйиладиган талабларни белгилайдиган амалдаги ҳамда белгиланган тартибда ҳисобга олинган эксплуатация ҳужжатларига эга бўлиш;* в) техник хизмат кўрсатиш (регламент) дастури, унишга яроқлилик директивалари, “Ўзавиация” агентлигининг буйруқ ва кўрсатмалари, ҳаво кемасини лойиҳалаштирувчининг (ишлаб чиқувчининг) бюллетенлари бўйича ҳаво кемасига ва униш компонентларига техник хизмат кўрсатиш ишлари бажарилишини таъминлаш;* г) фуқаро авиацияси фаолиятини тартибга солувчи қонунчилик ҳужжатлари ва уларнинг талабларини ҳамда ташиқлотнинг ички ҳужжатларини (шу жумладан, ўрнатилган тартибда тасдиқланган ҳамда киритилган ўзгартириш ва қўшимчаларни ҳисобга олган ҳолда) ўз вақтида ўрганиш ва ижро этиш мақсадида ходимлар эътиборига етказиш тартиб-таомилларига эга бўлиш;* д) ишларни бажариш ва ходимлар учун керакли шароитларни яратиш учун бинолар, иншоотлар, зарур энергия турлари, ишлаб чиқариш хоналари, омборхона, офис ва маиший биноларга эга бўлиш;*		

	е) ҳаво кемасини лойиҳаловчининг (ишлаб чиқувчининг) хужжатларига мувофиқ зарур бўлган ускуналар ва асбобларга, шунингдек, уларни яроқли ҳолда сақлаш тизимига эга бўлиш;* ж) ҳаво кемасини лойиҳалаштирувчининг (ишлаб чиқувчининг) хужжатларига мувофиқ ишларни бажариш учун зарур бўлган компонентлар, эҳтиёт қисмлар ва сарфлаш материалларининг керакли захирасига эга бўлиш;* з) ташкилот штатида режалаштирилган ишларнинг бажарилишини таъминлашга етарлича малакага эга бўлган ходимларнинг мавжуд бўлиши;* и) ходимларнинг малака даражасини сақлаш (ошириш), уларни тайёрлаш ва қайта тайёрлаш тизимига эга бўлиш;* к) авиация техникасида техник хизмат кўрсатиш, модификациялаш, таъмирлаш ишлари ва бошқа ишлар тўла ҳажмда ва техник хизмат кўрсатиш (регламент) дастури, учигга яроқлилиқ директивалари, “Ўзавиация” агентлигининг буйруқ ва кўрсатмалари, ҳаво кемасини лойиҳаловчи (ишлаб чиқувчи)нинг бюллетенларига мувофиқ бажарилганлиги тўғрисидаги маълумотларнинг рўйхатга олинishi ва сақланишини таъминлаш;* л) барча техник хизмат кўрсатиш бўйича ишларнинг тегишли даражада бажарилишини кафолатлайдиган сифатни таъминлаш тизимига эга бўлиш;* м) ташкилотнинг фаолияти бўйича қўлланмага ва сифат бўйича қўлланмага эга бўлиш;* н) парвозлар хавфсизлигини бошқариш тизимига эга бўлиш.* Ишлаб чиқариш объектлари 2. Ташкилот қуйидаги шартлар бажарилишини таъминлаши керак: а) барча режалаштириладиган ишларни бажариш учун, хусусан, об-ҳавонинг ноқулай шароитларидан ҳимоя қилишни таъминлайдиган ишлаб чиқариш объектларининг мавжудлиги. Қуйидаги ишларни амалга ошириш вақтида бир-биридан ажратилган, ифлосланиш ва атроф-муҳит таъсиридан ҳимоя қилишни таъминлайдиган цех ва ангарларнинг мавжудлиги: ҳаво кемаларига даврий техник хизмат кўрсатиш — даврий техник хизмат кўрсатишнинг режалаштирилган иш ҳажмига кўра, ҳаво кемаларнинг сони ва ўлчами бўйича етарли бўлган ангарлар; компонентларга техник хизмат кўрсатиш — компонентларга техник хизмат кўрсатишнинг режалаштириладиган иш ҳажмини таъминлаш учун етарлича кенг бўлган цех (лаборатория, участка)лар; б) ушбу банднинг “а” кичик бандида кўрсатилган барча режалаштирилган ишларни бошқаришни таъминлаш, шунингдек, техник хизмат кўрсатиш стандартларида белгиланган вазифаларни муваффақиятли бажаришга шароит яратиш мақсадида рухсат берувчи ходимларни жойлаштириш учун хизмат (офис) хоналарининг мавжудлиги; в) ишлаб чиқариш муҳити, шу жумладан, ускуналар билан ишлаш учун ангарлар, цехлар (лабораториялар, участкалар) шароитлари эҳтимолий махсус талабларни ҳисобга олган ҳолда, у ерда бажариладиган ишларга мос
--	--

	бўлиши. Алоҳида шароитларда махсус ишлар турларини бажариш ҳолларидан ташқари меҳнат шароитлари ходимларнинг самарадорлигига салбий таъсир кўрсатмаслиги керак, шу билан бирга: ҳарорат режими ходимлар ортиқча ноқулайликсиз, уларга юкланган ишларни бажариш учун мос равишда таъминланиши керак; чанг ва бошқа шунга ўхшаш ҳаво ифлосланиши омиллари минималлаштирилган бўлиши керак, ҳаво кемаси ва ёки компонент юзасида кўринадиган чанг қопламаси пайдо бўлишига, иш жойининг бундай ифлосланиш даражасига йўл қўйилмайди. Чанг ёки юза қисмида кўринадиган чанг қопламаси шаклида бошқа ифлосланишлар пайдо бўлса, қулай иш шароитлари тиклангунига қадар барча ифлосланишга сезгир тизимларнинг жойларини зич равишда ёпиш керак; ёруғлик барча турдаги текширувлар, кўриклар ва бошқа техник ишлар самарали бажарилишини таъминлаш керак; шовқин ходимларга ишларни бажаришда ҳалақит бермаслиги керак. Шовқин манбаини ростилашнинг имкони бўлмаган ҳолларда, кўрсатилган ходимлар ортиқча шовқиннинг ишларни бажаришга салбий таъсирини истисно қилувчи зарур шахсий шовқиндан ҳимоя қилиш воситалари билан таъминланиши керак; техник хизмат кўрсатишда аниқ бир иш учун юқорида тавсифланганлардан фарқ қиладиган ишлаб чиқариш муҳити махсус шароитлари яратилиши талаб қилинадиган бўлса, бундай шароитлар яратилиши керак бўлади. Бундай махсус шароитлар техник хизмат кўрсатиш ҳужжатларида кўрсатилади; тезкор техник хизмат кўрсатиш ишларини бажариш шароитлари ишлар ортиқча зўриқиш ва чарчаш ҳолатларисиз бажарилишини таъминлаши лозим. Шу сабабли, иш шароитлари ҳарорат, намлик, туман, муз, қор, шамол, ёруғлик, чанг ёки ҳавонинг бошқа тарзда ифлосланиши сабабли ноқулай даражагача ёмонлашган ҳолларда, аниқ иш ёки техник хизмат кўрсатиш тури қулай иш шароитлари тиклангунига қадар тўхтатиб турилиши керак; г) компонентлар, ускуналар, асбоблар ва материалларни жойлаштириш учун хавфсизлик воситалари билан жиҳозланган омборхоналарнинг мавжудлиги. Сақлаш шароитлари талабларга жавоб берадиган ҳамда бермайдиган компонентлар ва материалларни ҳамда барча компонентлар, материаллар, ускуналар ва асбобларни алоҳида сақлаш имкониятини таъминлаши керак. Сақлаш шароитлари авиация техникаси ишлаб чиқарувчиларининг кўрсатмаларига жавоб бериши, ушбу хоналарга кириш эса чегараланган бўлиб, фақат ваколатли ходимларга кириш рухсати берилиши керак. Ходимлар 3. Ташкилотда масъул раҳбарга ишлар буюртмачисининг талабларига мувофиқ техник хизмат кўрсатиш бўйича барча ишларни ўз вақтида бажариш ва молиялаштириш учун жавобгарлик юкланади. Ташкилот масъул раҳбарнинг мажбуриятлари қуйидагилардан иборат:
--	--

	а) ушбу Талабларнинг 55-бандига мувофиқ техник хизмат кўрсатиш учун барча зарур ресурслар мавжудлигини таъминлаш. Бу ташкилот томонидан тасдиқлашнинг ҳақиқийлигини сақлаб қолиш учун зарур бўлган омилдир; б) ушбу Талабларнинг 54-бандига мувофиқ парвозлар хавфсизлиги ва авиация техникасига техник хизмат кўрсатиш сифати соҳасидаги сиёсатни ишлаб чиқиш ва жорий қилиш. 4. Ташкилотнинг ушбу талабларга доимо мувофиқ бўлиши бўйича жавобгарлик юкланган раҳбар ходимлари тайинланган бўлиши зарур. Раҳбар ходимлар бевосита ташкилотнинг масъул раҳбарига бўйсунди, шу билан бирга: а) бир киши ёки ваколатли шахслар гуруҳи (раҳбар ходимлар) ўзида ушбу ташкилотдаги техник хизмат кўрсатишни бошқариш тузилмасини намоён қилади ва ушбу талабларда назарда тутилган барча вазифаларнинг бажарилиши юзасидан жавобгар бўлади; б) раҳбар ходимлар ҳаво кемаларига ёки компонентларга техник хизмат кўрсатиш учун зарур бўлган тегишли билим, иш тажрибаси ва кўникмаларга эга бўлиши шарт. 5. Мазкур Талабларнинг 3-бандига кўра масъул раҳбар сифат тизимига, жумладан мазкур Талабларнинг 62-бандига асосан қайтадиган алоқа тизимига жавобгар шахсни тайинлаши зарур. Ушбу тайинлаган шахс ташкилотнинг масъул раҳбарига сифат ва талабларга мувофиқлик масалалари тўғрисида ахборот берилишини таъминлаш мақсадида масъул раҳбар олдида тўғридан-тўғри кириш ҳуқуқига эга бўлиши лозим. 6. Ташкилот қуйидагиларга эга бўлиши шарт: а) тасдиқланиш соҳасига мувофиқ ишларни режалаштириш, бажариш, ишлаб чиқаришни бошқариш, ташкилотда сифатни назорат қилиш учун етарли бўлган ўз ходимларига эгаллигини тасдиқловчи иш билан таъминланганлик режаси; б) штатдаги ҳақиқий ходимларнинг сони аниқ иш сменасига ёки иш даврига режалаштирилгандан кам бўлган ҳолларда, бажаришга қабул қилинган ишларни тезкорлик билан қайта режалаштириш тартиб-таомиллари; в) ташкилот ва эксплуатант ўртасидаги техник хизмат кўрсатиш шартномасида назарда тутилган ишчи технологик карталарни, техник хизмат кўрсатиш дастурларини, минимал ускуналар рўйхатини ва бошқа ҳужжатларни ишлаб чиқиш учун муҳандислик бўлими. 7. Ташкилот “Ўзавиация” агентлиги билан келишилган тартиб-таомилларга мувофиқ техник хизмат кўрсатишни бажаришда, бошқаришда ёки сифатни назорат қилишда иштирок этувчи ходимларнинг билим ва малака даражасини белгилаши ва назорат қилиши керак. Ташкилот техник хизмат кўрсатиш билан шуғулланувчи барча ходимларнинг ўзига юкланган вазифалар ва масъулиятларга мувофиқ дастлабки ва кейинги таълим олишини таъминлайди. Ташкилот томонидан жорий этиладиган ўқув дастурида инсон имкониятлари соҳасида билим ва кўникмаларга эга бўлиш, шу жумладан, ҳаво кемасини эксплуатация қилиш ва техник хизмат кўрсатиш ишлари билан шуғулланадиган бошқа ходимлар билан ўзаро ҳамкорлик қилиш мақсадида машғулотлар кўзда тутилиши керак.
--	--

	8. Ташкилот ҳаво кемаларини ва/ёки компонентларни путур етказмасдан назорат қилиш каби учишга яроқлиликни таъминлаш билан боғлиқ махсус турдаги ишларни бажарувчи ёки назорат қилувчи ходимлар ҳаво кемаларини ва/ёки компонентларини ишлаб чиқарувчиларнинг норматив талабларига жавоб берадиган малакага эга бўлишини таъминлаши зарур. 9. Сифат тизимига жавобгар шахс ишларни бажариш учун рухсат берилган ходимларга ташкилот номидан рухсатномалар берилиши учун ҳам жавобгар бўлиши керак. Бундай шахс сифат бўйича қўлланмада кўрсатилган тартиб-таомилларга мувофиқ юқорида кўрсатилган рухсатномаларни бериш ёки қайтариб олишни амалий жиҳатдан расмийлаштириш бўйича ваколатларни бошқа шахсга топшириш ҳуқуқига эга. 10. Ташкилот барча муҳандис-техник ходимларнинг рўйхатини юритиши лозим. Ходимлар рўйхатида куйидагилар кўрсатилиши зарур: а) “Ўзавиация” агентлиги ва ташкилот томонидан техник хизмат кўрсатиш бўйича мутахассисларга берилган гувоҳномалар тўғрисидаги маълумотлар; б) ходимларнинг барча ўтган тайёргарликлари тўғрисидаги маълумотлар; в) берилган рухсатномаларнинг соҳалари; г) чегараланган ёки бир марталик рухсатномаларга эга бўлган ходимлар бўйича маълумотлар. 11. Ташкилот рўйхатидаги маълумотларни шахс муҳандис-техник ходимлар таркибидан ишдан бўшаган кундан ёки рухсатнома бекор қилинган кундан эътиборан камида икки йил давомида сақлаши шарт. Бундан ташқари, муҳандис-техник ходимлар таркибидан ишдан бўшаётган ходимнинг сўрови бўйича ташкилот унга юқорида кўрсатилган рўйхатдан кўчирма бериши шарт. 12. Муҳандис-техник ходимлар таркибидаги шахснинг сўровига кўра унга юқорида кўрсатилган рўйхатдан шахсий маълумотларни олишга рухсат берилиши шарт. 13. Техник хизмат кўрсатишдан кейин ҳаво кемасини парвозга қўйиш ҳуқуқини берувчи рухсатнома ташкилот томонидан рухсат берувчи ходимларга қоғоз ёки электрон кўринишда берилади. 14. Рухсат берувчи ходимлар ушбу бўлимнинг 13-бандига мувофиқ берилган рухсатнома мавжудлигини тасдиқловчи ҳужжатни 24 соат ичида ваколатли шахсга тақдим этиши шарт. Ускуналар, асбоблар ва материаллар 15. Ташкилот фаолиятнинг тасдиқланган соҳасига мувофиқ авиация техникасига техник хизмат кўрсатиш ишларини бажариш учун зарур бўлган ускуналар, асбоблар ва материалларга эга бўлиши лозим. Авиация техникасини ишлаб чиқарувчи кўрсатмаси бўйича аниқ ускуналар ёки асбоблардан фойдаланиш белгиланган бўлса, ташкилот айнан шу ускуналар ёки асбоблардан фойдаланиши лозим, ташкилотнинг фаолияти бўйича қўлланмада ускуналар ёки асбобларнинг бошқа турларидан фойдаланиш бўйича тартиб-таомиллар баён этилган ҳоллар бундан мустасно.
--	---

	Ускуналар ва асбоблар доимий равишда ташкилотнинг тасарруфида бўлиши лозим, ускуналар ва асбоблар камдан-кам ҳолларда керак бўлиб, улар доимий тасарруфда мавжуд бўлиши зарур бўлмаган ҳоллар бундан мустасно. Бундай ҳолатлар ташкилотнинг фаолияти бўйича қўлланмада батафсил баён этилган бўлиши зарур. Даврий техник хизмат кўрсатиш учун тасдиқланган ташкилот ҳаво кемасини текшириш ва қўздан кечириш ишларининг пухта бажарилиши учун зарур бўлган барча платформалар (ёки бунга эквивалент бўлган ускуналар) ва бошқа зарур воситалар билан жиҳозланган бўлиши лозим. 16. Ташкилот барча ускуналар ва асбобларнинг, айниқса, назорат қилиш воситаларининг ҳисоби юритилишини ҳамда ишлаш лаёқати ва аниқликни таъминлаш даврида метрологик назоратдан ўтказилишини таъминлаши зарур. Ташкилот бундай метрологик назоратни ва бу ҳолларда фойдаланиладиган стандартлар бўйича ҳисобга олиш ҳужжатларининг юритилишини таъминлаши лозим. Компонентлар 17. Барча компонентлар, стандарт маҳсулотлар ва материаллар қуйидагича таснифланиши ва ажратилиши керак: а) қониқарли ҳолатда бўлган, фойдаланиш учун рухсат берилган (масалан, FAA 8130-3 ёки EASA Form 1 ёки эквивалент ҳужжат) ва ушбу бўлимнинг 18-бандига мувофиқ маркировка қўйилган компонентлар; б) ишга яроқсиз, мазкур бўлимнинг талабларига мувофиқ техник хизмат кўрсатиш ишлари бажарилиши зарур бўлган компонентлар; в) ушбу Талабларнинг 25-бандига мувофиқ таснифланадиган, тиклаб бўлмайдиган компонентлар; г) ишлаб чиқарувчи томонидан асосий қисмларнинг тасвирланган каталогда ва/ёки техник хизмат кўрсатиш ҳужжатларида кўрсатилган, ҳаво кемасида, двигателда, ҳаво винтида ёки ҳаво кемасининг бошқа компонентида фойдаланиладиган стандартли маҳсулотлар; д) техник хизмат кўрсатиш жараёнида сарфлаш материаллари ва хомашё сифатида фойдаланиладиган материаллар. Барча материаллар материалнинг аниқ маркаси учун расмийлаштирилган, талабларга (ўзига хос хусусиятларга) мувофиқлигини тасдиқловчи маълумотлардан ва материалнинг ишлаб чиқарувчиси ҳамда етказиб берувчиси кўрсатилган келиб чиқиш манбаидан иборат кузатув ҳужжатларига эга бўлиши лозим. 18. Техник хизмат кўрсатиш ва эксплуатация қилиш қўлланмасида алмаштирилиши мумкинлиги кўзда тутилган компонентларда маҳсулот коди, чизма ва завод раками маркировкаси туширилган бўлиши керак. Агар компонентнинг ўлчами кичик бўлса ва маркировкани тўлиқ ҳажмда бажариш мумкин бўлмаса, зарур маълумотлар кузатув ҳужжатларига киритилиши керак. 19. Эксплуатация ҳужжатларида назарда тутилган компонентларнинг паспортларига (ёрлигига) нисбатан ташкилот уларни расмийлаштириш ва юритиш тартиб-таомилларига эга бўлиши керак.
--	--

	20. Компонентни ҳаво кемасига ўрнатишдан олдин ташкилот турли модификациялар ва/ёки учишга яроқлилик директивалари қўлланилишини ҳисобга олган ҳолда аниқ компонент ўрнатилишининг тўғрилигини, кузатув ҳужжатларнинг мавжудлигини ва улар ташкилотда белгиланган талабларга мувофиқлигини текшириши зарур. 21. Ҳаво кемасига кузатув ҳужжатлари (масалан, EASA Form 1, формуляр, паспорт, ёрлик, талон, бирка) расмийлаштирилган, аниқ турдаги ҳаво кемасининг тасдиқланган конструкторлик-технологик ҳужжатларига мувофиқ бўлган, зарур регламент ишлари ўтказилган (кириш назорати, техник хизмат кўрсатиш, таъмирлаш) фақат кондцион (тасдиқланган) компонентларни ўрнатиш мумкин. 22. Ҳаво кемасидан ечилган компонентлар учун кузатув ҳужжатлари расмийлаштирилиши, улаш жойлари тешиклари ва улагичлар бегона предметлар тушишидан ва ифлосланишдан ҳимояланган бўлиши керак. 23. Ташкилот ҳаво кемаси ва/ёки компонент турига берилган сертификат эгаларига “Ўзавиация” агентлигига техник хизмат кўрсатиш жараёнида аниқланган, ноқондцион (тасдиқланмаган) бутловчи қисмлар, стандарт маҳсулотлар ёки компонентлар ва уларнинг кузатув ҳужжатлари тўғрисида ҳаққоний ва тўла маълумот тақдим этиши зарур. Компонентларнинг ва кузатув ҳужжатларининг юқорида қайд этилган талабларга номувофиқлиги тўғрисида шубҳа пайдо бўлганда ёки номувофиқлиги тасдиқланганда, уларни ҳаво кемасига ўрнатишга йўл қўйилмайди. Бундай ҳолларда компонентларни ноқондцион (тасдиқланмаган) ва ҳаво кемасида фойдаланиш учун яроқсиз деб таснифлаш керак. Бундай маҳсулотлар аниқланган номувофиқликнинг аниқ хусусиятини тавсифлаган ҳолда зудлик билан изоляция қилиниши лозим. 24. Ташкилотнинг фаолияти бўйича қўлланмада тегишли тартиб-таомиллар ва технологиялар кўрсатилган бўлса, ташкилот техник хизмат кўрсатиш ишларини бажариш чоғида ўзи томонидан амалга ошириладиган ишлаб чиқариш жараёнларида фойдаланиш учун таркибий қисмларнинг чекланган номенклатурасини ишлаб чиқариш ҳуқуқига эга. Стандарт маҳсулотлар ва компонентлар (маҳкамлаш элементлари ва бошқалар) қабул қилинган миллий ёки тармоқ стандартларига ва конструкторлик-технологик ҳужжатларга мувофиқ ишлаб чиқарилгандагина, улардан маълум бир турдаги ҳаво кемасида техник хизмат кўрсатиш жараёнида фойдаланишга рухсат этилади. Ўта масъулиятли деталлар тоифасига кирадиган компонентлардан ҳаво кемасида фойдаланишга уларни ҳаво кемаси ишлаб чиқарувчиси томонидан ишлаб чиқариш маъқулланган ҳолда рухсат этилади. 25. Белгиланган ресурсларини ёки хизмат муддатини ишлаб бўлган ёхуд таъмирлаб бўлмайдиган бузилиш ҳолатига келган (шикастланган) компонентлар қайта тикланмайдиган деб таснифланади ҳамда эксплуатацияга, шу жумладан, компонентларнинг айланма тизимига қайтарилмайди, компонентнинг ресурси (хизмат муддати) узайтирилган ёки уни таъмирлаш учун ҳужжатлар ишлаб чиқилиб, тасдиқланган ҳоллар бундан мустасно.
--	--

	Куйидаги компонентлар турлари одатда қайта тиклаб бўлмайдиган деб таснифланади: 1) таъмирлаб бўлмайдиган нуқсонли компонентлар; 2) ишлаб чиқарилганига доир ҳужжатларга номувофик бўлган ва бундай ҳужжатларга мувофиқ келтириш имкони бўлмаган компонентлар; 3) номақбул модификацияга ёки қайта ишлашга юборилган, тўғрилаб бўлмайдиган компонентлар; 4) чекланган яроқлилиқ муддати етиб келган ёки ошиб кетган ёхуд кузатув ҳужжатларида мавжуд бўлмаган ёки тўлиқ бўлмаган маълумотларга эга бўлган маҳсулотлар; 5) экстремал шароитларда бўлганлиги, қизиқ кетиш ёки зарарли шароитлар туфайли учишга яроқлилиги ҳолатини қайтариш имконияти бўлмаган компонентлар; 6) қўлланиладиган учишга яроқлилиқ директиваларига мувофиқлаштириш имкони бўлмаган компонентлар; 7) техник хизмат кўрсатиш ва/ёки ишлаб чиқаришни кузатиш ва эксплуатация маълумотларини тиклаб бўлмайдиган компонентлар. 26. Ташкилот яроқсиз компонентлар хизмат кўрсатишга ва белгиланган мақсадларига кўра эксплуатацияга қайтишини истисно этувчи шароитларда жойлаштирилиши чораларини кўриши лозим. Техник хизмат кўрсатиш ҳужжатлари 27. Ташкилот ўз тасарруфида техник хизмат кўрсатиш, шу жумладан, модификациялаш ва таъмирлаш ишларини бажаришда қўлланиладиган техник хизмат кўрсатиш ҳужжатларига эга бўлиши ва улардан фойдаланиши зарур. 28. Техник хизмат кўрсатиш бўйича қўлланиладиган ҳужжатлар куйидагилар ҳисобланади: а) ҳаво кемаси ёки компонентга нисбатан назоратни амалга оширувчи “Ўзавиация” агентлиги томонидан чиқарилган ва қўлланиладиган ҳар қандай талаблар, технологиялар ва эксплуатация директивалари ёки бошқа маълумотлар; б) ҳаво кемаси ёки компонент бўйича назоратни амалга оширувчи “Ўзавиация” агентлиги томонидан чиқарилган ва қўлланиладиган ҳар қандай учишга яроқлилиқ директивалари; в) ҳаво кемаси турига берилган сертификат (шу жумладан унинг қўшимчалари) эгалари томонидан ҳамда авиация техникасини сертификатлаш талабларига мувофиқ бундай кўрсатмаларни чиқарадиган ташкилотлар томонидан чиқарилган учишга яроқлилиқни талаб даражасида сақлаш бўйича қўлланиладиган кўрсатмалар, хорижий ҳаво кемалари ёки компонентлар учун эса – ҳаво кемалари ёки компонентга нисбатан назоратни амалга оширувчи хорижий давлатнинг ваколатли органи томонидан учишга яроқлилиқ бўйича ишлаб чиқилган мажбурий маълумотлар; г) мазкур Талабларнинг 30-бандига мувофиқ чиқарилган ҳар қандай қўлланиладиган ҳужжатлар ва маълумотлар. 29. Ташкилот ишлаб чиқариш ходимлари томонидан фойдаланиладиган техник хизмат кўрсатиш ҳужжатларида тўлиқ бўлмаган ёки нотўғри тартиб-таомиллар ёки технологиялар, маълумотлар ёки кўрсатмалар аниқланган тақдирда, бундай маълумотларнинг рўйхатга олинишини ва техник хизмат кўрсатиш ҳужжатлари муаллифига хабар берилишини таъминловчи тартиб-таомилларни белгилаши шарт.
--	--

	30. Ташкилот техник хизмат кўрсатиш бўйича кўрсатмаларга ташкилотнинг сифат бўйича қўлланмасида белгиланган тартибдагина ўзгартириш киритиш ҳуқуқига эга. Ушбу ўзгартиришларга нисбатан ташкилот улар техник хизмат кўрсатишнинг эквивалент ёки янада юқорироқ стандартлари таъминлашини ифодалаб бериши ҳамда ҳаво кемаси турига берилган сертификат эгасини бундай ўзгартиришлар тўғрисида хабардор қилиши зарур. 31. Ташкилот ўз фаолиятида қўллаш учун ишчи технологик карталарини ишлаб чиқиш бўйича умумий тизимни яратиши шарт. Бундан ташқари, ташкилот мазкур Талабларнинг 27 ва 28-бандлари билан назарда тутилган техник хизмат кўрсатиш ҳужжатларидан ушбу ишчи технологик карталарига тўла ва аниқ маълумотларни киритиши лозим ёки техник хизмат кўрсатиш ҳужжатларида кўрсатилган техник хизмат кўрсатиш ишларини бажариш бўйича муайян кўрсатмаларга доир аниқ ҳаволаларни ишчи технологик карталарида бериши зарур. Ишчи технологик карталарини компьютердан фойдаланган ҳолда шакллантиришга ва маълумотлар базасини рухсатсиз ўзгартиришлардан тўғри ҳимоялаш шароитларини яратиш ва захира маълумотлар базасига эга бўлиш шarti билан электрон базада сақлашга йўл қўйилади. Бунда захира маълумотлар базаси асосий маълумотлар базасига ҳар қандай ўзгартириш киритилган вақтдан бошлаб 24 соатдан кўп бўлмаган муддатда янгиланиши лозим. Техник хизмат кўрсатиш бўйича мураккаб ишлар бажарилишининг ҳисобини юритиш учун уларнинг технологиялари ишларни аниқ ва тушунарли босқичларга тақсимлаган ҳолда ишчи технологик карталарга киритилиши керак. Ташкилот ўзининг ишчи технологик карталари тизимидан фойдаланишни талаб қилган ҳаво кемаси эксплуатантига техник хизмат кўрсатиш хизматларини тақдим этаёганда, эксплуатантнинг бундай карталар тизимидан фойдаланишга йўл қўйилади. Бу ҳолда ташкилот ҳаво кемаси эксплуатантининг ишчи технологик карталари тўғри бажарилишини таъминлайдиган тартиб-таомилларни қабул қилиши шарт. 32. Ташкилот ўз ходимларига техник хизмат кўрсатиш ҳужжатларидан тўсиқсиз фойдаланиш имкониятини таъминлаши зарур. 33. Ташкилот техник хизмат кўрсатиш ҳужжатлари ҳолатини назорат қилиш учун ушбу ҳужжатлар ўз вақтида янгиланишини таъминлайдиган тартиб-таомилларни белгилаши зарур. Ҳужжатлар ҳолатининг бу каби назоратини эксплуатант ва/ёки буюртмачининг ўзи амалга ошириб, ўзи техник хизмат кўрсатиш ҳужжатларини тақдим этаётган бўлса, ташкилот эксплуатант ва/ёки буюртмачининг техник хизмат кўрсатиш ҳужжатларига барча зарур ўзгартиришлар киритилганлигини тасдиқловчи хатни ёхуд ҳаво кемасининг эксплуатанти ва/ёки буюртмачи тақдим этган ва фойдаланилиши лозим бўлган техник хизмат кўрсатиш ҳужжатлари мавқеи белгиланган шартномани ёхуд техник хизмат кўрсатиш ҳужжатларининг ўзгартиришларни ҳисобга олиш варағини тақдим этиши зарур.
--	--

Ишлаб чиқаришни режалаштириш

34. Ташкилот бажариладиган ишларнинг ҳажми ва мураккаблигига жавоб берадиган ҳамда барча ресурсларни, шу жумладан ходимлар, ускуналар, асбоблар, материаллар, техник хизмат кўрсатиш ҳужжатлари, техник хизмат кўрсатиш ишларини хавфсиз бажариш учун зарур бўлган ишлаб чиқариш хоналарини режалаштиришда фойдаланиладиган ишлаб чиқаришни режалаштириш тизимига эга бўлиши шарт.

35. Техник хизмат кўрсатиш ишларини режалаштириш ва сменали ишларни ташкил этиш инсоннинг психофизиологик чекловларидан келиб чиққан ҳолда амалга оширилиши зарур.

36. Смена алмашиши ёки бажарувчилар таркибининг ўзгариши сабабли техник хизмат кўрсатиш ишларини давом эттириш ёки тугатиш бошқа шахсларга топширилиши зарурати туғилганда, тегишли маълумотлар ишни топширувчи томонидан янги келаётган ходимларга тегишлича топширилиши лозим.

Техник хизмат кўрсатиш тўғрисидаги гувоҳнома

37. Техник хизмат кўрсатиш тўғрисидаги гувоҳнома мазкур Талабларнинг “Техник хизмат кўрсатиш ҳужжатлари” бўлимида кўрсатилган техник хизмат кўрсатиш ҳужжатларининг мавжудлигини ва улардан фойдаланилганлигини ҳисобга олган ҳолда, ташкилот томонидан техник хизмат кўрсатиш бўйича барча ишлар шартномага мувофиқ тўлиқ ва сифатли бажарилгани текширилгандан сўнг, шунингдек, парвозлар хавфсизлигига жиддий таъсир кўрсатувчи номувофиқликларнинг йўқлиги тасдиқлангандан кейин ташкилот номидан ишларни бажаришга тегишли рухсатнома берилган рухсат берувчи ва муҳандис-техник ходимлар томонидан расмийлаштирилади.

38. Техник хизмат кўрсатиш тўғрисидаги гувоҳнома ҳар қандай техник хизмат кўрсатиш ишлари якунига етгандан кейин парвозлар тиклангунига қадар расмийлаштирилиши зарур.

39. Бажарилган техник хизмат кўрсатиш ишлари жараёнида янги аниқланган бузилишлар, шикастланишлар ёки якунига етказилмаган ишлар ҳаво кемаси эксплуатанти эътиборига етказилиши зарур, бунда бузилишлар, шикастланишларни бартараф этиш ёки шартнома бўйича якунига етказилмаган операцияларни охирига етказиш учун ҳаво кемаси эксплуатанти розилигини олиш кўзда тутилади. Ҳаво кемаси эксплуатанти мазкур бандда кўрсатилган ишлар бажарилишига розилик бермаган ҳолларда, мазкур Талабларнинг 41-банди қоидалари татбиқ этилади.

40. Техник хизмат кўрсатиш тўғрисидаги гувоҳнома ҳаво кемаси бортидан демонтаж қилинган ҳар қандай компонентда техник хизмат кўрсатиш ишлари якунига етказилганидан кейин расмийлаштирилиши зарур. Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги мамлакатларида ишлаб чиқарилган компонентнинг формулярида (паспорти, ёрлиғи) қўйилган белги ёки хорижий компонентлар учун – ёрлиқ (EASA Form 1 ёки унинг эквиваленти) компонентда техник хизмат кўрсатиш бажарилганлиги тўғрисидаги гувоҳнома ҳисобланади.

	41. Мазкур Талабларнинг 39-бандидан, истисно тариқасида, ташкилот томонидан шартномада назарда тутилган барча техник хизмат кўрсатиш ишлари тўла-тўқис якунига етказилишининг имкони бўлмаган ҳолларда, ташкилот берилган ҳаво кемаси учун тасдиқланган чекловлар доирасида техник хизмат кўрсатиш тўғрисидаги гувоҳномани беришга ҳақли. Ташкилот бундай гувоҳномани имзолашдан олдин ҳаво кемасига техник хизмат кўрсатиш тўғрисидаги гувоҳномада умумий равишда ушбу ҳолатни акс эттириши лозим. 42. Мазкур Талабларнинг “Компонентлар” бўлими ва 38-бандидан, истисно тариқасида, тегишлича расмийлаштирилган техник хизмат кўрсатиш тўғрисидаги гувоҳнома берилган компонент йўқлиги туфайли асосий базировкаси ёки техник хизмат кўрсатиш линияси/ташқи линия станцияси ҳисобланмаган жойда ҳаво кемаси мажбуран туриб қолганда, тегишлича расмийлаштирилган техник хизмат кўрсатиш тўғрисидаги гувоҳнома берилмаган компонентни кўпи билан 30 соат учиш вақтига тенг бўлган муддатга ёхуд асосий базировкаси ёки техник хизмат кўрсатиш линияси/ташқи линия станциясига биринчи бор қайтишигача бўлган вақтга, қайси бири эртaroқ бўлишига қараб, ҳаво кемасига вақтинча ўрнатишга рухсат берилади. Бундай истисно ҳаво кемаси эксплуатантининг кўрсатилган компонент қўйилишига розилиги ҳамда ушбу компонент унинг эксплуатациясига рухсат берувчи ҳужжатларга эга бўлиши шарти билан қўлланилади. Ушбу шартларга риоя қилинмаган ҳолларда, техник хизмат кўрсатиш ишларига нисбатан қўлланилаётган барча талабларга ва эксплуатация қоидаларига риоя қилиниши лозим. Бундай компонентлар юқорида кўрсатиб ўтилган вақт чекловлари бўйича муддатлар тугаганидан кейин ҳаво кемаси бортдан демонтаж қилиниши лозим, мазкур Талабларнинг 38-банди ва “Компонентлар” бўлимига мувофиқ техник хизмат кўрсатиш тўғрисидаги гувоҳнома расмийлаштирилган ҳоллар бундан мустасно. Техник хизмат кўрсатиш ишлари тўғрисида ҳисобга олиш маълумотлари 43. Ташкилот бажарилган ишлар бўйича барча маълумотларни ҳисобга олиши зарур. 44. Ташкилот техник хизмат кўрсатиш тўғрисидаги гувоҳномага нисбатан барча талабларга риоя қилинганлигини тасдиқлаш учун зарур бўлган ҳисобга олиш маълумотларини, шу жумладан, субпудратчи (бошқа ташкилот)лар томонидан расмийлаштирилаётган авиация техникасини эксплуатация қилишга рухсат бериш тўғрисидаги ҳужжатларни сақлашга мажбур. 45. Ташкилот мазкур Талабларнинг 47-бандида кўрсатилган муддатларда қуйида қайд этилган маълумотлар сақланишини таъминлаши шарт: 1) ҳаво кемасини ва хизмат муддати чекланган барча компонентларни эксплуатация қилишнинг умумий вақти (соатлар, календарь вақти ва циклларга нисбатан); 2) учишга яроқлиликни сақлаш ҳақидаги барча мажбурий маълумотлар мувофиқлиги тўғрисида жорий маълумотлар; 3) модификациялар ва таъмирлашлар бўйича тегишли батафсил маълумотлар;
--	--

	4) мажбурий таъмирлараро хизмат муддатига мувофиқ ҳаво кемасини ёки унинг компонентларини охириги таъмирдан кейин эксплуатация қилиш вақти (соатлар, календарь вақти ва циклларга нисбатан); 5) ҳаво кемасига техник хизмат кўрсатиш дастурига риоя қилинганлиги ҳақида жорий маълумотлар; 6) техник хизмат кўрсатиш тўғрисидаги гувоҳномани имзолашда барча талаблар бажарилганлигини тасдиқлайдиган техник хизмат кўрсатишга доир батафсил маълумотлар. 46. Ташкилот ҳаво кемасининг эксплуатантга ташкилот томонидан расмийлаштирилган ҳар бир техник хизмат кўрсатиш тўғрисидаги гувоҳноманинг нусхасини, шунингдек, таъмирлаш ёки модификация қилиш ишларини бажаришда фойдаланилган таъмирлашга ёки модификацияга доир ҳар қандай ҳужжатларнинг нусхасини тақдим этиши зарур. 47. Ташкилот техник хизмат кўрсатиш ишлари тўғрисидаги ҳисобга олиш маълумотларини ва техник хизмат кўрсатиш ишлари билан боғлиқ ҳужжатларни ушбу ишлар бажарилган аниқ ҳаво кемаси ёки ҳаво кемаси компоненти ташкилотдан чиқарилган санадан бошлаб икки йил давомида қуйидагича сақлаши шарт: а) мазкур бандда назарда тутилган маълумотлар шикаст етказилишидан ва йўқ қилинишдан ҳимояланган бўлиши лозим; б) маълумотларни архивлаштириш ва захира сифатида сақлаш учун фойдаланиладиган барча компьютер жиҳозлари маълумотларнинг ишчи нусхалари киритилган жиҳозлардан алоҳида ҳамда ушбу жиҳозлар ва архив маълумотлари яхши ҳолатда сақланишини таъминловчи шароитларда жойлаштирилиши лозим; в) ташкилот ўз фаолиятини тугатган тақдирда, охириги икки йил давомида бажарилган техник хизмат кўрсатиш ишлари тўғрисидаги барча сақланган ҳисобга олиш маълумотлари охириги буюртмачига ёки тегишли ҳаво кемасининг ёки компонентнинг эгасига топширилиши ёки “Ўзавиация” агентлигининг кўрсатмаларига биноан сақланиши таъминланиши лозим. Учишга яроқлилиқ меъёрлари бузилиши бўйича ҳисобот юритиш 48. Ташкилот “Ўзавиация” агентлигига, ҳаво кемасини рўйхатдан ўтказган давлатга ва ҳаво кемаси ёки компонентнинг намунавий конструкцияси ёки намунавий конструкцияси модификацияси учун жавобгар бўлган ташкилотга, заруратга кўра эксплуатант давлатига мазкур ташкилот томонидан аниқланган ҳаво кемасининг ёки компонентнинг парвозлар хавфсизлигига жиддий таъсир кўрсатадиган ёки бундай таъсир кўрсатилишига олиб келиши мумкин бўлган учишга яроқлилиқ меъёрларининг ҳар қандай бузилишлари ҳолатлари тўғрисида ҳисобот юбориши шарт. 49. Ташкилот ҳеч бўлмаганда қуйидаги сабаблар ва ҳолатлар билан боғлиқ ҳолда содир бўлган ёки аниқланган ҳар қандай бузилиш, носозлик ёки нуқсон ҳақида хабар бериши керак: а) тегишли ёнғин сигнализацияси тизими тўғри ишлаган ёки ишламаганлигини кўрсатган ҳолда парвоз вақтидаги ёнғинлар;
--	--

	б) тегишли ёнғин сигнализацияси тизими билан жиҳозланмаган ҳаво кемасининг парвози вақтидаги ёнғинлар; в) парвоз вақтида ёнғин ҳақидаги сигнализация нотўғри ишлаб кетгани; г) двигателдан чиқувчи газ оқими, двигателнинг ўзи, унга яқин жойлашган конструкциялар, ускуналар ёки компонентларнинг таъсири оқибатида парвоз вақтида юзага келган шикастланишлар; д) парвоз вақтида экипаж кабинаси ёки йўловчилар салонида ҳаво кемаси компонентларининг бири оқибатида тутун, буғлар, заҳарли ёки заҳарли бўлмаган буғланишлар тўпланиши ёки циркуляцияси пайдо бўлиши; е) парвоз вақтида двигатель ўз-ўзидан ўчиб қолиши; ж) ҳаво кемасининг двигателига ёки конструкциясига ташқи шикаст етказилиши оқибатида парвоз вақтида двигателнинг ўчиб қолиши; з) бегона объектлар тушиши ёки муз билан қопланиши туфайли парвоз вақтида двигателнинг ўчиб қолиши; и) парвоз вақтида биттадан ортик двигателнинг ўчиб қолиши; к) флюгер тизими орқали ҳаво винтининг шамол йўналиши бўйлаб айланиши ёки ушбу тизим парвоз вақтида айланишлар сони ошиб кетишини назорат қила олмаслиги; л) парвоз вақтида ёқилғи тизимида ёки ёқилғи дренаж тизимида ёқилғи узатишда юзага келган камчиликлар ёки хавфли тарзда ёқилғининг оқиб чиқиши; м) парвоз вақтида шасси чиқарилиши ёки йиғиштирилиши, шассининг тавақаси очилиши ёки ёпилиши; н) ҳаво кемаси ерда ҳаракатланиши вақтида тормоз тизимининг компонентларидан келиб чиққан тормоз бошқаруви кучининг йўқолиши; о) ҳаво кемаси планерида йирик таъмирлаш ишларини ўтказиш зарурати; п) ишлаб чиқувчи/ишлаб чиқарувчи томонидан рухсат этилган максимал даражадан ошадиган ёриқлар, доимий деформация ёки ҳаво кемасининг планер конструкциясидаги коррозия; р) парвоз вақтида ҳаво кемасининг тизимлари ёки компонентларидан келиб чиққан авария ҳолатлари (двигатель ўчиб қолиши бундан мустасно); с) маълум ёки шубҳа қилинаётган механик шикастланишлар ёки бузилишлар оқибатида юзага келган парвозни ҳар қандай ҳолда тўхтатиб қўйиш, йўналишда ҳаво кемасини режадан ташқари алмаштириш ёки парвоз режасини ўзгартириш ҳолатлари; т) носозлик, бузилиш ёки нуқсон туфайли муддатидан олдин ечиб олинган двигателларнинг сони, бунда уларнинг серияси, модели ва улар ўрнатилган ҳаво кемаси тури кўрсатилади; у) ҳаво винти парвоз вақтида шамолнинг йўналиши бўйлаб ўрнатилиши, бунда ҳаво винтининг, у ўрнатилган двигатель ва ҳаво кемасининг тури кўрсатилади; Юқорида қайд этилганлардан ташқари, ташкилот ҳаво кемасида ўрин олган ёки ҳар қандай вақтда аниқланган бузилиш, носозлик ёки нуқсон ҳаво кемасининг хавфсиз эксплуатациясига таҳдид солиши ёки таҳдид солиши мумкинлиги тўғрисидаги фикрда бўлса, ҳар бир ташкилот бундай бузилиш, носозлик ёки нуқсон ҳақида хабар бериши керак.
--	--

	50. Ташкилот учишга яроқлилик меъёрларининг бузилишлари тўғрисида ички ҳисобот тизимини яратиши ва ташкилотнинг фаолияти бўйича қўлланмада баён этиши зарур. Ушбу тизим бундай ҳисобот маълумотларини йиғиш ва баҳолашни, шу жумладан, мазкур Талабларнинг 49-бандига биноан ҳисобот берилиши лозим бўлган ҳолатларни баҳолаш натижалари бўйича саралаш тартиб-таомилларини таъминлаши лозим. Кўрсатилган тартиб-таомиллар салбий тенденцияларни, камчиликларни бартараф этиш учун амалга оширилган тузатиш ишларини белгилаши, шунингдек, кўриб чиқиладиган ҳолатлар бўйича барча мавжуд маълумотларни таҳлил қилиш тартиби ҳамда заруратга кўра ушбу маълумотларни тарқатиш услубларини ўз ичига олиши керак. 51. Ташкилот аниқлаган барча қоидабузилишлар, уларни аниқлаш шароитлари ва таҳлил қилиш натижалари тўғрисида барча керакли маълумотларни ўз ичига олган ҳисоботлар ташкилот томонидан юборилиши керак. 52. Ташкилот ҳаво кемасининг учишга яроқлилиги талаб даражасида бўлишини унинг тижорат эксплуатанти билан тузилган шартнома асосида таъминлаётган бўлса, бу ҳолда ташкилот белгиланган эксплуатантга қарашли ҳаво кемасининг ёки компонентнинг учишга яроқлилик меъёрларига таъсир кўрсатувчи ҳар қандай ҳолат тўғрисида ҳаво кемасининг эксплуатантга ҳам ҳисобот юбориши зарур. 53. Ташкилот имкон қадар қисқа муддатда, аммо ҳисобот берилиши мажбурий бўлган ҳолатлар аниқланган вақтдан эътиборан 72 соатдан кечиктирмаган ҳолда ҳисобот тайёрлаши ва юбориши шарт. Авиация техникасига техник хизмат кўрсатиш хавфсизлиги ва сифати соҳасидаги сиёсат, сифат тизими ва қўлланиладиган техник хизмат кўрсатиш технологиялари 54. Ташкилот авиация техникасига техник хизмат кўрсатиш хавфсизлиги ва сифати соҳасида ўзининг сиёсатини ўрнатиши ҳамда мазкур Талабларнинг “Ташкилотнинг фаолияти бўйича қўлланма” бўлимига мувофиқ ташкилотнинг фаолияти бўйича қўлланмага тегишли қоидалар киритиши зарур. 55. Ташкилот техник хизмат кўрсатиш ишлари амалга оширилган ҳаво кемаси ва компонентлар белгиланган талабларга жавоб беришини таъминлаш воситаси сифатида ҳужжатлар билан расмийлаштириладиган сифат тизимини ишлаб чиқиши ва таъминлаб бориши лозим. Сифат тизими ташкилот раҳбари томонидан тасдиқланган ва тизимнинг асосий ҳужжати ҳисобланган сифат бўйича қўлланма, шунингдек, қуйидагиларни назарда тутувчи стандартлар, кўрсатмалар ва бошқа ҳужжатлар билан тартибга солиниши керак: - ташкилотнинг сифат соҳасидаги сиёсати; - ташкилотнинг ташкилий ва ишлаб чиқариш тузилмаси; - сифат тизими тузилмаси ва бошқарувининг ташкил этилиши; - сифат тизими элементлари (функциялари) таркиби ва уларга қўйиладиган талаблар, шу жумладан, уларни амалга ошириш тартиб-таомиллари;
--	--

	ташкилот мансабдор шахсларининг сифат тизимига доир вазифалари ва жавобгарлиги; таркибий бўлинмалар ўртасида функцияларнинг тақсимланиши; турли хил ҳаво кемаларига ва маҳсулотларга техник хизмат кўрсатиш хусусиятлари. 56. Сифат тизими талаблари тушунарли шаклда баён этилиши ва бажарувчиларга етказилиши лозим. 57. Сифат тизими ҳужжатлари самарали қўлланилиши ва уларда белгиланган тартиб ва талаблар амалга оширилиши лозим. 58. Ташкилотда жорий этилган сифат тизими ушбу талабларга ва сифат стандартлари талабларига жавоб бериши керак. 59. Ташкилотнинг сифат бўйича қўлланмасида ҳаво кемасининг хусусиятлари ва технологик жараёнларнинг эксплуатация ҳужжатлари талабларидан четга чиқишларни (нормувофикликлар) кўриб чиқиш тартиб-таомиллари кўзда тутилган бўлиши керак. Ҳаво кемасининг хусусиятлари ва параметрлари ҳамда маҳсулотлар намунавий конструкцияга нормувофиклиги бўйича қабул қилинган қарорлар уларнинг ишлаб чикувчиси (ишлаб чиқарувчиси) билан келишилган бўлиши керак. Маҳсулотлар хусусиятларининг рухсат этилган нормувофикликларини кўриб чиқиш материаллари (техник ечимлар варақалари, рухсат бериш карталари ва бошқалар) ҳаво кемасига (компонентга) техник хизмат кўрсатиш тўғрисидаги ҳужжатлар билан бирга сақланиши лозим. 60. Ишларнинг метрологик таъминоти Ўлчашлар бирлигини таъминлаш тизими стандартларига риоя этган ҳолда амалга оширилиши ва қуйдагиларни ўз ичига олиши керак: метрология лабораториялари мутахассисларини тайёрлаш ва аттестациядан ўтказиш; ўлчаш воситаларини текшириш; ўлчаш воситаларини метрологик аттестациядан ўтказиш ва паспортлаштириш; ўлчаш воситаларининг реестрини юритиш; ташкилот томонидан ишлаб чиқилган технологик ва конструкторлик ҳужжатларнинг метрологик экспертизасини ўтказиш. 61. Ташкилотнинг сифат бўйича қўлланмасида ушбу талабларга мувофиқ техник хизмат кўрсатиш ишларининг тўғри бажарилишини таъминловчи тартиб-таомиллар ва технологиялар назарда тутилган бўлиши керак. Ушбу тартиб-таомилларда инсон омилининг жиҳатлари ва инсоннинг психофизиологик хусусиятлари ҳисобга олинган бўлиши ҳамда мазкур Талабларнинг “Техник хизмат кўрсатиш тўғрисидаги гувоҳнома” бўлимига мувофиқ ҳаво кемаси ёки компонент эксплуатациясига рухсат берилишини таъминлаш учун ишларни бажаришга доир аниқ буюртма ёки шартнома мавжуд бўлиши назарда тутилиши керак. Мазкур бўлимнинг талабларига мувофиқ ташкилот томонидан белгиланган ёки белгиланиши лозим бўлган техник хизмат кўрсатиш тартиб-таомилларида ва технологияларида техник хизмат кўрсатиш ишларини
--	--

бажаришга доир барча жиҳатлар, шу жумладан, ихтисослаштирилган хизматларни жалб этиш ва уларнинг бажарилишини назорат қилиш ҳолатлари қамраб олинган бўлиши, шунингдек, ташкилот томонидан ишлаш учун қабул қилинган тартиб назарда тутилган бўлиши лозим.

Ҳаво кемасига оператив ва даврий техник хизмат кўрсатиш ишларига нисбатан ташкилот кўп сонли хатоликларни камайтирувчи ва ўта масъулиятли функционал тизимлардаги ишларда хато ҳаракатларнинг олдини олувчи тартиб-таомилларни белгилаши зарур.

Белгиланган тартиб-таомилларда аниқ турдаги (шаклдаги) техник хизмат кўрсатиш ишларини бажариш чоғида бир хил экземплярдаги ҳаво кемасининг биттадан ортиқ функционал тизимида ўрнатилган бир нечта бир хил турдаги компонентлар қисмларга ажратилиши ва йиғилишини талаб қиладиган ишларни ҳамда текширишларни бажариш битта шахсга рухсат берилмаслиги қафолатланиши лозим. Аммо, ташкилотда кўрсатилган ишларни бажарадиган шахс битта бўлса, у ҳолда барча бир хил турдаги ишлар якунига етказилгандан кейин кўрсатилган ишлар ушбу шахс томонидан қўшимча равишда назорат қилинишига доир операция ташкилотнинг ишчи технологик карталарига киритилиши шарт.

“Ўзавиация” агентлиги ёки ҳаво кемасини ишлаб чиқарувчи томонидан тасдиқланган ҳужжатлардан фойдаланган ҳолда, шикастланишлар баҳоланишини ҳамда модификация қилиш ва таъмирлаш ишлари бажарилишини таъминловчи техник хизмат кўрсатиш тартиб-таомиллари ва технологиялари белгиланган бўлиши шарт.

62. Ташкилот қуйидаги элементларни ўз ичига олган сифат тизимини яратиши лозим:

а) ҳаво кемасига ва/ёки компонентларга нисбатан ўрнатилган талабларга мувофиқлигини ва учиб-яроқлилик ҳолатида бўлган ҳаво кемасига техник хизмат кўрсатиш ишлари тўғри бажарилишини таъминлаш учун тартиб-таомиллар ва технологияларнинг тўғрилигини назорат қилиш мақсадида мустақил аудиторлик текширувлари. Энг кичик ташкилотларда сифат тизимининг аудиторлик текширувларини ўтказиш қисми ушбу Паспорт асосида берилган сертификатга эга бошқа ташкилот билан ёки тегишли техник билимларга ҳамда аудиторлик текширувларини ўтказиш бўйича ҳужжатлар билан тасдиқланган қониқарли тажрибага эга бўлган жисмоний шахс билан тузилган шартнома асосида тузилиши мумкин;

б) мазкур Талабларнинг 4-бандига биноан тайинланган шахсга ёки шахслар гуруҳига, шунингдек, мазкур банднинг “а” кичик бандига мувофиқ ўтказилган мустақил аудиторлик текширувларининг натижалари бўйича тузилган ҳисоботлар асосида тузатиш чораларининг ўз вақтида кўрилишини таъминловчи ташкилот масъул раҳбарига тақдим этиладиган сифат соҳасидаги ҳисобот маълумотлари бўйича ўзаро мулоқот тизими.

63. Сифат бўйича қўлланмада ташкилотнинг бугунги ҳолатини акс эттирувчи ўзгартиришлар ўз вақтида киритилиши керак. Сифат бўйича қўлланма ва унга киритиладиган ўзгартиришлар “Ўзавиация” агентлиги билан келишилиши шарт.

	64. Ташкилотнинг ҳажми, фаолият доираси, бажариладиган ишлар ҳажми ва турига қараб, ташкилотнинг хоҳишига кўра сифат бўйича қўлланма ташкилотнинг фаолияти бўйича қўлланманинг ҳаво кемаларига техник хизмат кўрсатиш бўйича таркибий қисми бўлиши мумкин. Ташкилотнинг фаолияти бўйича қўлланма 65. Ташкилот “Ўзавиация” агентлигига қуйидаги маълумотлардан иборат бўлган ташкилотнинг фаолияти бўйича қўлланмани (кейинги ўринларда – фаолият бўйича қўлланма) тақдим этиши зарур: а) ташкилот фаолияти ушбу Паспорт асосида берилган сертификат шартларига мувофиқлиги тўғрисида ташкилот раҳбари томонидан имзоланган декларация, шунингдек, ушбу мувофиқликни талаб даражасида мунтазам равишда таъминлаш бўйича мажбуриятлар; б) ушбу Талабларнинг “Авиация техникасига техник хизмат кўрсатиш хавфсизлиги ва сифати соҳасидаги сиёсат, сифат тизими ва қўлланиладиган техник хизмат кўрсатиш технологиялари” бўлимига мувофиқ ташкилотда ўрнатилган ташкилотнинг парвоз хавфсизлиги ва сифат соҳасидаги сиёсати, сифат тизими ва қўлланиладиган техник хизмат кўрсатиш технологиялари; в) ушбу Талабларнинг 4-бандига биноан тайинланган шахсларнинг исми, фамилияси, отасининг исми ва лавозимлари рўйхати, ҳуқуқ ва мажбуриятлари, уларнинг бўйсунуви кўрсатилган ташкилот бошқарув тузилмаси, шу жумладан, улар ташкилот номидан тўғридан-тўғри “Ўзавиация” агентлигига мурожаат қилиш ҳуқуқига эга бўлган масалалар; г) сўралаётган тасдиқлаш соҳасига мувофиқ ташкилот фаолият соҳасининг тавсифи; д) ташкилотнинг аризасида кўрсатилган ҳар бир манзилда жойлашган ишлаб чиқариш объектларининг умумий тавсифи; е) техник хизмат кўрсатиш ходимларининг малака даражасини белгилаш учун ишлатиладиган тартиб-таомилларнинг тавсифи; ж) техник хизмат кўрсатиш тўғрисидаги гувоҳномани имзолаш ваколатига эга бўлган ходимлар ва уларнинг ваколатлари тўғрисида маълумотлар; з) техник хизмат кўрсатиш тўғрисидаги ҳисобга олиш маълумотларни рўйхатдан ўтказиш ва сақлаш усулларининг тавсифи. Ҳисобга олиш маълумотларида техник хизмат кўрсатиш тўғрисидаги гувоҳномани имзолашга доир барча талаблар бажарилганлиги кўрсатилган бўлиши керак; и) техник хизмат кўрсатиш тўғрисидаги гувоҳномани тайёрлаш тартибининг таърифи ҳамда бундай гувоҳномани имзолаш учун талаб этиладиган шартлар ва ҳолатларнинг таърифи; к) ташкилот техник хизмат кўрсатиш хизматларини тақдим этаётган ҳаво кемаси эксплуатанти ва/ёки ташкилот (шундайлар мавжуд бўлса) билан ўзаро муносабатларни амалга ошириш тартиби; л) ҳаво кемасининг учишга яроқлилигини сақлашга салбий таъсир кўрсатган ёки салбий таъсир кўрсатиши мумкин бўлган бузилишлар, носозликлар, нуқсонлар
--	---

	ва бошқа ҳодисалар тўғрисидаги маълумотларни ҳаво кемаси ишлаб чиқарувчисига ва “Ўзавиация” агентлигига тақдим этиш тартиб-таомилларининг таърифи; м) ҳаво кемаси ишлаб чиқарувчиси томонидан юбориладиган учишга яроқлиликка оид маълумотларни олиш, ўзининг ҳужжатларига ўзгартиришларни киритиш ва тарқатиш тартиб-таомилларининг таърифи; н) техник хизмат кўрсатиш линияси/ташқи линия станцияси билан ўзаро муносабатларни амалга ошириш тартиби (мавжуд бўлса); о) заруратга кўра эксплуатантнинг техник хизмат кўрсатиш талаблари ва тартиб-таомилларига мувофиқликни таъминлаш учун фойдаланиладиган қўшимча тартиб-таомилларнинг таърифи. 66. Фаолият бўйича қўлланмада тасдиқланиши лозим бўлган фаолият соҳаси белгиланиши керак (ушбу Паспортнинг 12-бандида “Ташкилотларнинг фаолият турлари бўйича бериладиган класслар ва рухсатлар тизими” жадвали келтирилган). 67. Фаолият бўйича қўлланмага ташкилотнинг жорий ҳолатини акс эттирувчи ўзгартиришлар ўз вақтида киритилиши керак. Фаолият бўйича қўлланма ва унга киритиладиган барча ўзгартиришлар “Ўзавиация” агентлиги билан келишилиши зарур. Фаолият бўйича қўлланмага киритилган барча ўзгартириш ва қўшимчалар нусхалари қўлланма тақдим этилган барча ташкилотларга ёки шахсларга дарҳол юборилади. 68. Мазкур Талабларнинг 67-бандига риоя қилинишини истисно қилмаган ҳолда, фаолият бўйича қўлланмага киритилаётган иккиламчи ўзгартиришлар ташкилот томонидан қўлланмани юритиш бўйича ўрнатилган тартибларни бажариш жараёнида тасдиқланиши мумкин. 69. Юқоридаги талабларга қўшимча равишда фаолият бўйича қўлланмага қуйидаги қоидаларни киритиш керак: а) ташкил этиш ва бошқариш: ташкилотнинг тартиб-таомиллари ва ходимларнинг улар билан боғлиқ ваколатлари, шунингдек, уларга доимий равишда риоя этиб борилиши фаолият бўйича қўлланмада белгиланганлигини тасдиқлайдиган ва раҳбар томонидан имзоланган ариза; 65-банднинг “в” кичик бандига мувофиқ тайинланган шахслар ваколатларининг тақсимоти ва ўзаро боғлиқлиги кўрсатилган ташкилот схемаси; ташкилотнинг тасдиқланган фаолият турлари, рухсат берувчи рухсатномалари, жойлашган жойи ва ходимларига нисбатан киритилаётган ўзгаришлар тўғрисида “Ўзавиация” агентлигини хабардор қилиш тартиб-таомиллари; тасдиқланган фаолият турлари билан боғлиқ хизматларни тақдим этувчи бошқа ташкилотлар билан муносабатлар ёки шартномалар тўғрисидаги маълумотлар; фаолият бўйича қўлланмага ўзгартириш киритиш тартиби; б) техник хизмат кўрсатиш тартиб-таомиллари: етказиб берувчиларни баҳолаш; ташқи етказиб берувчилар томонидан етказилган ҳаво кемалари компонентлари ва материалларнинг кириш назорати;
--	--

	техник хизмат кўрсатишда фойдаланиш учун ҳаво кемаларининг компонентларини ва материалларни омборга жойлаш, маркировкалаш, ҳужжатлаштириш ва омборхонадан бериш; асбоблар ва ускуналарни қабул қилиш; асбоблар ва ускуналарни калибровкалаш; ходимлар томонидан асбоб ва ускуналардан фойдаланиш, шу жумладан, рухсат этилган бошқа турдаги асбоб ва ускуналардан фойдаланиш; техник хизмат кўрсатиш ишларини бажариш учун ишлаб чиқариш базасининг тозалик стандартлари; техник хизмат кўрсатиш ишларини бажариш бўйича кўрсатмалар ҳамда уларнинг ҳаво кемалари ва компонентларини етказиб берувчиларнинг эксплуатация маълумотлари билан ўзаро боғлиқлиги, шу жумладан, ўз вақтида ўзгартиришларни киритиш ҳамда штатдаги ходимлар фойдаланиши учун имконият яратиш масалалари; таъмирлашнинг тартиб-қоидалари ва технологиялари; ҳаво кемаси эксплуатантининг техник хизмат кўрсатиш дастурига мувофиқликни таъминлаш тартиб-таомиллари; учишга яроқлилик директиваларини амалга ошириш тартиби; мажбурий бўлмаган модификацияларни бажариш тартиби; техник хизмат кўрсатиш бўйича фойдаланиладиган ҳужжатлар ва уларни юритиш; ҳисобга олинадиган техник маълумотларни назорат қилиш; техник хизмат кўрсатишда аниқланган нуқсонлар билан ишлаш; техник хизмат кўрсатиш тўғрисидаги гувоҳномани расмийлаштириш; эксплуатант учун маълумотларни ҳисобга олиш (ташкilotнинг ўзи эксплуатант бўлмаса); ушбу Талабларнинг “Учишга яроқлилик меъёрлари бузилиши бўйича ҳисобот юритиш” бўлимига биноан нуқсонлар ва бошқа ҳодисалар ҳақида ҳисоботлар; ҳаво кемаларининг нуқсонлари бўлган компонентларини омборга қайтариш тартиби; таъмирлаш ва бошқа ишларни амалга ошириш учун ташқи пудратчиларга юборилган нуқсонли компонентларнинг айланмасини назорат қилиш; техник хизмат кўрсатиш тўғрисидаги ҳисобга олиш маълумотларини юритиш бўйича автоматлаштирилган тизимни бошқариш; субпудратчилар билан ишлаш тартиби; техник хизмат кўрсатиш бўйича махсус тартиб-таомиллар, масалан: двигателни синаш (текшириш); ҳаво кемасининг герметиклигини текшириш (босим остида синаб кўрилади); ҳаво кемаларини шатакка олиш; ҳаво кемаларини ерда бошқариш; в) оператив ва даврий техник хизмат кўрсатиш тартиб-таомиллари: ҳаво кемалари компонентлари, асбоблар, ускуналар ва бошқалар айланмасини назорат қилиш;
--	---

	ҳаво кемаларига ёқилғи қуйиш, тайёрлаш, муз қоплашига қарши ҳимоя қилиш ва бошқа ишлар билан боғлиқ бўлган оператив техник хизмат кўрсатиш тартиб-таомиллари; техник хизмат кўрсатиш вақтида нуқсонлар ва такрорланувчи нуқсонлар билан ишлаш; биргаликда фойдаланиладиган таркибий қисмлардан ва ижарага олинган таркибий қисмларидан (pooling) фойдаланиш тартиби; техник хизмат кўрсатиш вақтида аниқланган ҳаво кемаларининг нуқсонли компонентларини омборга қайтариш тартиби; г) сифат тизими тартиб-таомиллари: ташкilotда фойдаланиладиган тартиб-таомиллар (quality audit) сифатини назорат қилиш; ҳаво кемасига техник хизмат кўрсатиш сифатни назорат қилиш; камчиликларни бартараф этиш сифатини назорат қилиш; техник хизмат кўрсатиш тўғрисидаги гувоҳномани имзолайдиган ходимларни (рухсат берувчи ходимлар – certifying staff) тайёрлаш ва ишга қўйиш тартиб-таомиллари; рухсат берувчи ходимлар реестрини юритиш; сифат тизими ходимларини (quality audit personnel) тайёрлаш ва ишга қўйиш тартиб-таомиллари; авиамеханикларни тайёрлаш ва ишга қўйиш тартиб-таомиллари; қабул қилинган тартиб-таомилларга риоя қилишдан озод қилиш тартиби (exemption process); ташкilotда қабул қилинган тартиб-таомиллардан четга чиқиш учун рухсат бериш тартиби; путур етказмасдан назорат қилиш (NDT), пайвандлаш каби ва бошқалар махсус ишлар турларига рухсат бериш тартиби; ушбу ташкilotда жойлашган ва берилган тасдиқлаш сертификатида назарда тутилган фаолиятга алоқадор ишларда банд бўлган етказиб берувчилар бригадаларининг фаолиятини назорат қилиш; субпудратчилар билан ишлаш сифатини текшириш (ёки уларнинг аккредитациясини учинчи шахслар томонидан тан олиш, масалан, путур етказмасдан назорат қилиш соҳасида ишлайдиган ва “Ўзавиация” агентлигидан бошқа давлат томонидан тартибга солиш органи томонидан тасдиқланган ташкilotларнинг хизматларидан фойдаланиш); д) берилган тасдиқлаш сертификати ваколатлари ва шартларига мувофиқ ташкilot томонидан амалга ошириладиган фаолиятда фойдаланиладиган стандарт ҳужжатларнинг мисоллари, масалан: техник ҳужжатларни юритиш шакллари; нуқсонларни ва уларни бартараф этиш ишларини ҳисобга олиш шакллари. Ташкilotнинг ҳуқуқлари 70. Ташкilot қуйидаги ишларни бажариш ҳуқуқига эга: а) тасдиқлаш сертификати берилган ҳар қандай ҳаво кемасига ва/ёки компонентга сертификатда ва фаолият бўйича қўлланмада кўрсатилган жойлашиш манзилида техник хизмат кўрсатиш ишларини бажариш;
--	--

	б) тасдиқлаш сертификати берилган ҳар қандай ҳаво кемасига ва/ёки компонентга биринчи ташкилотнинг сифат тизими доирасида ишлайдиган бошқа ташкилотда техник хизмат кўрсатиш ишлари бажарилишини ташкил этиш. Мазкур ҳолат бу каби техник хизмат кўрсатиш ишларини ҳамда мазкур Талабларнинг 66-бандига мувофиқ тасдиқланган фаолият соҳаси билан чекланган ишларни бажариш учун ушбу Паспортга биноан тасдиқлаш сертификатига эга бўлмаган ташкилотлар томонидан бажариладиган ишларга тегишлидир. Фаолиятининг бу соҳасига ҳаво кемасига даврий техник хизмат кўрсатиш ёки двигатель ёхуд унинг модулини режали назорат кўригидан ўтказиш ёки таъмирлаш ишларининг тўла ҳажмини киритишга йўл қўйилмайди; в) тасдиқлаш сертификати берилган ҳар қандай ҳаво кемасига ва/ёки компонентга ҳар қандай жойларда техник хизмат кўрсатиш, бунда қуйидаги шартлар белгиланади: аниқланган бузилишлар ва шикастланишларни бартараф этиш ёхуд техник хизмат кўрсатишни оператив бажариш учун бирдан пайдо бўлган заруратни таъминлаш мақсадида бу каби ишларни амалга ошириш зарурати бўлганда; бу каби ишларни фаолият бўйича қўлланманинг қоидаларига риоя қилган ҳолда бажариш; г) тасдиқлаш сертификати берилган ҳар қандай ҳаво кемаси ва/ёки компонентга фақат мураккаб бўлмаган техник хизмат кўрсатиш турларини бажариш имкониятига эга бўлган, оператив техник хизмат кўрсатиш пункти деб белгиланган жойларда техник хизмат кўрсатиш, бунда фаолият бўйича қўлланмада бундай жойлар рўйхати мавжуд бўлиши ва кўрсатилган ишларни ушбу жойларда бажариш учун рухсат берилган бўлиши шарт; д) техник хизмат кўрсатиш ишлари якунига етказилгандан сўнг мазкур Талабларнинг “Техник хизмат кўрсатиш тўғрисидаги гувоҳнома” бўлимига биноан техник хизмат кўрсатиш тўғрисидаги гувоҳномани расмийлаштириш. Ташкилотнинг ишлар тури бўйича чекловлари 71. Ташкилот техник хизмат кўрсатиш ишларини бажариш учун ишлаб чиқариш бинолари, ускуналар, асбоблар, материаллар, техник хизмат кўрсатиш бўйича ҳужжатлар ва рухсат берувчи ходимлар мавжуд бўлгандагина тасдиқлаш сертификати берилган ҳаво кемасига ва/ёки компонентга техник хизмат кўрсатиш ишларини бажариши мумкин. Тасдиқланган ташкилотда ўзгаришлар 72. “Ўзавиация” агентлиги ташкилотнинг рухсат беришга оид талаб ва шартларга доимий равишда мувофиқлигини ўрнатиши ва зарурат бўлганда тасдиқлаш сертификатига ўзгартиришлар киритиши учун ташкилот барча режалаштирилаётган қуйидаги ўзгартиришлар тўғрисида, улар киритилмасидан олдин хабар бериши зарур: а) ташкилотнинг номи; б) ташкилот жойлашган манзил; в) масъул раҳбар; г) мазкур Талабларнинг 4-бандига мувофиқ тайинланган ҳар қандай шахс (раҳбар ходимларнинг шахсий маълумотлари, шунингдек, қайси таълим муассасасини тамомлаганлиги ҳамда иш стажи тўғрисидаги маълумотларни тақдим этган ҳолда);
--	---

		д) тасдиқлашга таъсир кўрсатиши мумкин бўлган ишлаб чиқариш бинолари, ускуналар, асбоблар, материаллар, иш тартиби, технологиялар ва рухсат берувчи ходимлар.
10.	Рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжатни беришда қилиниладиган органлар:	Мавжуд эмас
11.	Рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжатнинг амал қилиш муддати:	3 йил
12.	Изоҳ:	Умумий қоидалар 1. Ҳаво кемаларига техник хизмат кўрсатиш ишларини тасдиқланган фаолият соҳаси рўйхати илова қилинган ташкилот сертификати мавжудлиги шarti билан ҳаво кемаларига техник хизмат кўрсатиш бўйича тасдиқланган ташкилот (кейинги ўринларда – ташкилот) амалга оширади. Сертификатга эга бўлмаган ташкилот ҳаво кемаларига техник хизмат кўрсатиш ишларини бажариш ҳуқуқига эга эмас. 2. Ташкилотнинг қуйидаги фаолият соҳаси “Ўзавиация” агентлиги томонидан тасдиқланиши лозим: а) ҳаво кемаларига техник хизмат кўрсатиш дастурига (регламентига) мувофиқ ҳаво кемаси, авиадвигателлар ва уларнинг компонентларига техник хизмат кўрсатиш ишларининг барча турлари; б) махсус ишлар (путур етказмасдан назорат қилиш, ҳаво кемаси модификацияларини бажариш, ҳаво кемасининг массаси ва марказланишини аниқлаш, двигателлар диагностикаси ва бошқалар). 3. Фаолият соҳасини тасдиқлаш учун ташкилотни сертификатлаш ва сертификатни бериш “Ўзавиация” агентлиги томонидан мазкур Паспорт асосида амалга оширилади. 4. Ваколатли орган аризани кўриб чиқиш муддати давомида амалга ошириладиган ўрганишларни ўтказиши учун харажатлар (хизмат сафари ва йўлда бўлган вақт учун кундалик харажатлар, меҳмонхоналарда яшаш харажатлари, транспорт харажатлари, кириш визасини расмийлаштириш ва суғурта полисини сотиб олиш харажатлари) талабгор (ариза берувчи) томонидан амалга оширилади. 5. Тасдиқланган фаолият соҳаси тўлиқ ҳаво кемасига ёки унинг компонентларига техник хизмат кўрсатиш ёки ушбу ишларни биргаликда турли кўринишда бажариш ишларини ўз ичига олиши мумкин. 6. Ташкилот қуйидагича фаолият юритиши мумкин: а) ҳаво кемаларига техник хизмат кўрсатиш асосий фаолият тури бўлган мустақил ташкилот сифатида; б) ҳаво кемаси эксплуатанти, авиакомпания, аэропорт, авиатаъмирлаш ёки авиасозлик заводининг ҳаво кемаларига техник хизмат кўрсатиш ишларини бажаришга ихтисослаштирилган, ҳаво кемаларига асосий фаолият тури билан боғлиқ бўлмаган техник хизмат кўрсатиш ишларини бажарадиган бўлинмаси сифатида. 7. Тасдиқланган ташкилот ҳаво кемаси эксплуатантига қарашли ташкилотнинг бир қисми ҳисобланмаса, у ҳолда ҳаво кемаси эксплуатанти ва ташкилот ўртасида ёзма шаклда расмийлаштирилган, ҳаво кемасининг учишга яроқлилигини сақлаш бўйича томонларнинг вазифалари ва мажбуриятлари белгиланган шартнома тузилиши керак.

	Мазкур шартноманинг техник жиҳатлари “�завиация” агентлиги билан келишилиши лозим. 8. Ташкилот ҳаво кемаларига техник хизмат кўрсатиш ишларини бажариш вақтида техник хизмат кўрсатиш дастурида (регламентида) назарда тутилган баъзи турдаги ишларни бошқа ташкилотларга шартнома асосида топшириши мумкин. Бу шартноманинг техник томонлари “�завиация” агентлиги билан келишиб олиниши лозим. 9. Халқаро фуқаро авиацияси ташкилотининг (ИКАО) стандартлари талабларига ва тавсия қилинган амалиётга мувофиқ “�завиация” агентлиги талабгорга рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжатни берганлик учун йигим тўланган санадан эътиборан бир иш кунидан кечиктирмай сертификатнинг асл нусхасини беради. Сертификат инглиз ва рус тилларига таржима қилинган бўлиши мумкин. Сертификат “�завиация” агентлиги директори ёки “�завиация” агентлиги директорининг буйруғи билан ваколат берилган мансабдор шахс томонидан имзоланади ва “�завиация” агентлигининг муҳри билан тасдиқланади. 10. Ташкилот ҳаво кемаларига техник хизмат кўрсатиш бўйича битта ёки бир нечта линия/ташқи линия станциясига эга бўлса, бу ҳолда ташкилотнинг тасдиқланган фаолият соҳаси рўйхатлари ҳаво кемаларига техник хизмат кўрсатиш бўйича асосий станцияга ва ҳаво кемаларига техник хизмат кўрсатиш бўйича ҳар бир линия ёки ташқи линия станциясига берилади. Ташкилотнинг тасдиқланган фаолият соҳалари рўйхати “�завиация” агентлиги директори ёки “�завиация” агентлиги директорининг буйруғи билан ваколат берилган мансабдор шахс томонидан имзоланади ва “�завиация” агентлигининг муҳри билан тасдиқланади. 11. Ваколатли орган аризани кўриб чиқиш муддати давомида амалга ошириладиган ўрганишлар учун харажатлар (хизмат сафари ва йўлда бўлган вақт учун кундалик харажатлар, меҳмонхоналарда яшаш харажатлари, транспорт харажатлари, кириш визасини расмийлаштириш ва суғурта полисини сотиб олиш харажатлари) ҳақиқий харажатлар суммаси бўйича талабгор (ариза берувчи) томонидан ёзма шартномага кўра қопланади. Ариза берувчини сертификатлаш 12. Ариза берувчини сертификатлаш жараёни куйидаги босқичлардан иборат: а) ариза берувчи томонидан расмий ариза тақдим этиш; б) аризани дастлабки баҳолаш; в) асословчи ҳужжатларни экспертиза қилиш; г) ариза берувчининг рухсат этишга оид талаб ва шартларга мувофиқлигини текшириш бўйича инспекторлик текширувини ўтказиш ҳамда текширув натижалари бўйича аниқланган номувофиқликлар кўрсатилган ҳисобот расмийлаштириш; д) ариза берувчидан асословчи ҳужжатларнинг экспертизаси натижасида аниқланган камчиликлар бартараф этилганлиги тўғрисидаги ҳужжатларни ва 1-тоифали номувофиқликлар бартараф қилингани тўғрисидаги ҳисоботни олиш; е) текширув натижалари бўйича сертификат бериш ёки бермаслик тўғрисидаги қарор кўрсатилаётган ҳулоса тайёрлаш;
--	---

	ж) сертификатни ва ташкилот тасдиқланган фаолият соҳалари рўйхатини расмийлаштириш. Аризани дастлабки баҳолаш ва асословчи ҳужжатларни экспертиза қилиш 13. Аризани дастлабки баҳолаш аризани кўриб чиқиш учун йиғим тўланганидан сўнг амалга оширилади. Аризани дастлабки баҳолашда қуйидагилар текширилади: а) ариза берувчи ҳақидаги маълумотларнинг етарлилиги ва аризанинг уни расмийлаштириш бўйича белгиланган талабларга мувофиқлиги; б) асословчи ҳужжатларнинг тўлиқлиги. 14. Ариза ва асословчи ҳужжатлар келиб тушгандан сўнг, “Ўзавиация” агентлиги асословчи ҳужжатларни экспертизадан ўтказиши. Инспекторлик текширувини ўтказиш 15. Асословчи ҳужжатлар экспертизадан ўтказилгандан сўнг ариза берувчи билан келишилган ҳолда инспекторлик текширувини ўтказиш санаси ва муддати аниқланади. 16. “Ўзавиация” агентлиги директори томонидан инспекторлик текширувини ўтказиш бўйича комиссияни тузиш тўғрисида буйруқ чиқарилиб, унда комиссия таркиби ҳамда инспекторлик текширувларини ўтказиш дастури ва муддати белгиланади. 17. Комиссия таркибига бошқа ташкилотларнинг раҳбарлари билан келишилган ҳолда уларнинг мутахассислари (экспертлари) киритилиши мумкин. 18. Инспекторлик текширувларининг дастури аниқ бир ариза берувчининг хусусиятлари ҳисобга олинган ҳолда, инспекторлик текширувларининг намунавий дастури асосида ишлаб чиқилади. Инспекторлик текширувларининг намунавий дастури “Ўзавиация” агентлиги томонидан белгиланади. 19. Инспекторлик текширувларининг бевосита ўтказилиши, комиссия аъзолари ўртасида вазифаларнинг тақсимланиши ва текширув натижаларининг расмийлаштирилиши учун жавобгарлик комиссия раиси зиммасига юкланади. 20. “Ўзавиация” агентлигининг буйруғи ва инспекторлик текширувларининг дастури инспекторлик текширувлари бошланишидан беш кундан ошмаган муддатда ариза берувчига юборилади ва комиссия аъзоларининг эътиборига етказилади. 21. Инспекторлик текширувларининг мақсади ариза берувчи ўрнатилган талабларга мувофиқлигини ҳамда ташкилотнинг ҳақиқий ҳолати ва аризада кўрсатилган ишларнинг барча турлари бўйича ариза берувчининг фаолияти тақдим этилган ҳужжатларда тўғри акс эттирилганлигини тасдиқлашдан иборат. 22. Ташкилотда инспекторлик текширувлари қуйидаги йўналишлар бўйича ўтказилади: а) ишлаб чиқаришни ташкил этиш ва бошқариш; б) ахборот билан таъминланганлик; в) ходимлар билан таъминланганлик; г) ишлаб чиқариш базаси; д) техник хизмат кўрсатиш жараёнларининг ташкил этилиши;
--	---

- е) техник хизмат кўрсатишнинг сифат тизими;
- ж) техник хизмат кўрсатиш жараёнларининг моддий-техник таъминоти;
- з) техник хизмат кўрсатиш жараёнларининг молиявий таъминоти.

Инспекторлик текширувларининг натижаларини расмийлаштириш

23. Инспекторлик текширувларининг натижалари ҳар бир текширув йўналиши бўйича ҳисобот кўринишида расмийлаштирилади. Номувофикликлар мавжуд бўлган тақдирда, ҳисобот ариза берувчи ёки унинг вакили томонидан имзоланиши шарт. Ҳисобот шакли ва уни расмийлаштириш тартиби “Ўзавиация” агентлиги томонидан белгиланади.

24. Инспекторлик текширувлари жараёнида аниқланган номувофикликлар 1-тоифали ва 2-тоифали номувофикликларга бўлинади.

1-тоифали номувофикликлар – ҳаво кемасининг учишга яроқлилиқ даражасини сақлаб туришни таъминлашга тўсқинлик қиладиган ҳар қандай номувофикликлар. 1-тоифали номувофикликлар сертификатнинг берилишига тўсқинлик қилади ва Рухсат этишга оид талаб ва шартларда “*” билан белгиланган.

2-тоифали номувофикликлар – ҳаво кемасининг учишга яроқлилиқ даражасини сақлаб туриш билан бевосита боғлиқ бўлмаган, аммо белгиланган талаблар ёки тартиблардан четга чиқишларни намоён этувчи ҳар қандай номувофикликлар 2-тоифали номувофикликлар бўлиб, сертификатнинг берилишига тўсқинлик қилмайди.

Инспекторлик текширувларининг натижалари бўйича қарор қабул қилиш

25. Хулоса – инспекторлик текширувларининг натижалари бўйича якуний ҳужжат ҳисобланиб, унда текширувларнинг натижалари, “Ўзавиация” агентлиги комиссиясининг хулосалари, бажарилиши мажбурий бўлган тавсиялар ва 1-тоифали номувофикликларни бартараф этиш муддатлари акс эттирилади. Хулосанинг нусхаси ариза берувчига юборилади.

26. Ариза берувчи хулосаларни ва тавсияларни инобатга олган ҳолда, “Ўзавиация” агентлигига қуйидагиларни тақдим этиши керак:

а) 1-тоифали номувофикликларнинг бартараф этилганлиги тўғрисида ҳисобот (зарурат бўлганда, “Ўзавиация” агентлигининг қарори бўйича, номувофикликларнинг ҳақиқатан бартараф этилганлиги текшируви ўтказилади);

б) 2-тоифали номувофикликларни бартараф этиш бўйича чора-тадбирлар режаси. Бу режада инспекторлик текширувларида аниқланган номувофикликлар, уларнинг бартараф этилиши бўйича тадбирлар, бажариш муддати ва тадбирларнинг бажарилиши бўйича масъул шахслар кўрсатилади.

27. 2-тоифали номувофикликларни бартараф этиш бўйича чора-тадбирлар режаси “Ўзавиация” агентлиги билан келишилган бўлиши керак. “Ўзавиация” агентлиги томонидан кўрсатилган камчиликларни ҳисобга олган ҳолда, ариза берувчи томонидан чора-тадбирлар ва муддатлар тўғриланган бўлиши керак.

28. 25-банднинг “а” кичик бандига мувофиқ аниқланган номувофиқликлар бартараф этилмаган ёки хулосада белгиланган муддатда бартараф этилмаган бўлса, “Ўзавиация” агентлиги сертификатни беришни рад этиш тўғрисида қарор қабул қилади.

Сертификат бериш

29. Сертификатнинг асл нусхаси хулосада қайд этилган “Ўзавиация” агентлигининг қарори бўйича расмийлаштирилади.

30. Ариза берувчи янги сертификат ёки тасдиқланган фаолият соҳалари рўйхатини олгандан кейин илгари берилган сертификат ёки тасдиқланган фаолият соҳалари рўйхати “Ўзавиация” агентлигига қайтарилиши керак.

Сертификатни қайта расмийлаштириш

31. Сертификат Махсус электрон тизим орқали рухсат этиш хусусиятига эга айрим ҳужжатларни бериш тартиб-таомиллари тўғрисидаги ягона низомнинг 4-бобида кўрсатилган ҳолларда ва ўрнатилган тартибда ҳамда Ташкилотнинг тасдиқланган фаолият соҳасини қисқартириш ҳолларида қайта расмийлаштирилади.

Тасдиқланган фаолият соҳасини кенгайтириш

32. Ташкилотнинг тасдиқланган фаолият соҳасини кенгайтириш қуйидаги ҳолларда амалга оширилади:

а) ташкилот томонидан янги турдаги ҳаво кемалари, компонентлар ва технологик жараёнларни ўзлаштириш;

б) линияли/ташқи линияли станцияни ташкил этиш.

33. Ташкилотнинг тасдиқланган фаолият соҳаси сертификатни бериш учун ўрнатилган тартибда кенгайтирилади.

34. Ташкилотнинг тасдиқланган фаолият соҳасини кенгайтириш бўйича аризани кўриб чиқиш учун мазкур Паспортнинг 6 ва 7-бандларида назарда тутилган йиғим ундирилади.

35. Фаолият соҳаси янги тасдиқланган фаолият соҳалари рўйхатини бериш орқали кенгайтирилади.

36. Янги тасдиқланган фаолият соҳалари рўйхатининг амал қилиш муддати сертификатнинг амал қилиш муддати доирасида белгиланади.

Сертификатнинг амал қилишини тўхтатиб туриш, тугатиш ва сертификатни бекор қилиш

37. Сертификатнинг амал қилишини тўхтатиб туриш, тугатиш ва сертификатни бекор қилиш Махсус электрон тизим орқали рухсат этиш хусусиятига эга айрим ҳужжатларни бериш тартиб-таомиллари тўғрисидаги ягона низомнинг 5-бобида кўрсатилган ҳолларда ва ўрнатилган тартибда амалга оширилади.

38. Сертификатнинг амал қилиши қуйидаги ҳолларда ҳам тўхтатиб турилади:

Ўзбекистон Республикаси фуқаро авиациясида амал қилган ва ташкилотни тасдиқлашда рўя этилган талабларни бузиш (уларга рўя қилмаслик) ҳоллари аниқланганда;

“Ўзавиация” агентлигининг парвозлар хавфсизлигига таҳдид солувчи ёки умуман ташкилотнинг фаолиятига таъсир кўрсатувчи номувофиқликларни бартараф этиш бўйича кўрсатмалари бажарилмаганда.

Хорижий ташкилотларни сертификатлаш

39. Хорижий ташкилотларни сертификатлаш жараёни мазкур ташкилот Ўзбекистон Республикаси эксплуатантларининг ҳаво кемаларига ва/ёки уларнинг компонентларига режа асосида техник хизмат кўрсатиш ишларини узоқ муддатли шартномалар асосида бажаришни кўзда тутган ҳолда ва техник хизмат кўрсатган ҳаво кемасига (компонентига) эксплуатация қилишга рухсат берувчи гувоҳномани бериш ҳукукига эга бўлган ҳолларда амалга оширилади.

40. Хорижий ташкилотни сертификатлаш тартиби Ўзбекистон Республикаси ташкилотини сертификатлаш тартибидан фарқ қилмайди.

41. Хорижий ташкилотлар куйидаги шартларга риоя этилгандагина сертификатланади:

а) ҳаво кемаларига техник хизмат кўрсатувчи ташкилотни тасдиқлаш тўғрисидаги ҳужжат Халқаро фуқаро авиацияси ташкилотига (ИКАО) аъзо бўлган хорижий давлатнинг ваколатли органи томонидан берилган бўлиши лозим;

б) ҳаво кемаларига техник хизмат кўрсатувчи ташкилотни тасдиқлаш тўғрисидаги ҳужжатни берган ваколатли орган томонидан ташкилотга кўйилган талаблар Халқаро фуқаро авиацияси ташкилоти (ИКАО) томонидан белгиланган минимал стандартларга жавоб бериши ёки улардан юқори бўлиши лозим.

42. Хорижий ташкилот масъул раҳбар (бош бошқарувчи) бошчилигидаги ташкилотга нисбатан умумий равишда сертификатланади. Ташкилотнинг масъул раҳбари сертификатни берган ваколатли орган ва “Ўзавиация” агентлиги олдида сертификатнинг шартлари ҳамда чекловларига мувофиқликни таъминлаш учун тўлиқ жавобгарликни зиммасига олиши лозим.

43. “Ўзавиация” агентлиги томонидан тасдиқланган ташкилотлар билан шартнома асосида ишларни бажарадиган хорижий ташкилотларга сертификат берилиши талаб қилинмайди. Бунда “Ўзавиация” агентлиги томонидан тасдиқланган ташкилотнинг фаолияти бўйича қўлланмасида куйидаги талабларга асосланган тегишли тартиб-таомиллар мавжуд бўлиш шarti қўйилади:

а) ташкилот шартнома бўйича топширилаётган ишларга нисбатан сертификатга эга бўлиши керак;

б) ташкилот ёрдамчи пудратчининг мувофиқлигини баҳолашни (аудит) амалга ошириши керак;

в) ташкилот шартнома бўйича топширилган ишлар бажарилгандан кейин сифатни назорат қилиш ва эксплуатация қилишга рухсат бериш, шу жумладан, ҳаво кемасининг учишга яроқлилигини тегишли даражада сақлаб туришга доир тегишли талабларга риоя қилиш бўйича жавобгарликни ўз зиммасида сақлаб қолиши лозим;

г) ташкилотнинг фаолияти бўйича қўлланмада шартнома асосида топширилган фаолият турларига нисбатан бошқариш ва назорат қилиш зарур бўлган тартиб-таомилларнинг таърифи, шунингдек, ушбу фаолият турларини бошқариш топширилган ходимлар учун кўрсатмалар бўлиши керак.

	Ташкилотнинг фаолиятини назорат қилиш 44. Ташкилотнинг фаолияти “Ўзавиация” агентлиги томонидан инспекторлик текширувлари орқали қуйидаги мақсадларда назорат қилинади: а) ташкилотни тасдиқлашда риоя этилган талабларга ташкилот шу кунда мувофиқлигини баҳолаш; б) ташкилотнинг фаолияти жараёнида юзага келадиган, ташкилотнинг амалдаги ҳужжатларига киритилиши талаб этиладиган ўзгаришларни аниқлаш, бу ўзгаришларнинг ташкилот фаолиятига кўрсатадиган таъсирини баҳолаш; в) тасдиқланган фаолият соҳаси рўйхатига кирадиган аниқ ишларнинг бажарилишини назорат қилиш. 45. Текширувлар қуйидаги турларга бўлинади: а) режа асосида инспекция текширувлари; б) режадан ташқари инспекция текширувлари. 46. Режа асосида инспекция текширувлари фуқаро авиацияси ташкилотларининг фаолиятини назорат қилиш жадвалига мувофиқ, лекин ўн икки ойда камида бир маротаба ўтказилади. 47. Режадан ташқари инспекция текширувлари сертификат беришда белгиланган шартлар ва чекловлар талабларига мувофиқлики баҳолаш учун ўтказилади. 48. Ташкилотда режадан ташқари инспекторлик текширувларини ўтказиш учун қуйидагилар асос бўлади: а) ҳаво кемаларига техник хизмат кўрсатиш ишларини бажариш сифатининг даражаси пасайганлиги ва ҳаво кемаларининг парвозлар хавфсизлигига таъсир кўрсатувчи жиддий қоидабузарликлар тўғрисидаги маълумотлар; б) ташкилотнинг фаолияти жараёнида вужудга келган белгиланган талабларга номувофиқлиги. 49. Инспекторлик текширувларини ўтказиш тартиби ушбу Паспорт талабларига жавоб бериши керак. Текширувлар бўйича ҳужжатлар “Ўзавиация” агентлигида 1 йил давомида сақланади. 50. Ташкилот “Ўзавиация” агентлигининг комиссияси учун барча иш шaroитларини яратиб бериши шарт. Комиссиянинг иш тартиби “Ўзавиация” агентлиги томонидан белгиланади. 51. Инспекторлик текширувлари натижалари бўйича ҳисобот расмийлаштирилади. Ҳисоботда текшириш жараёнида аниқланган номувофиқликлар, уларни бартараф этиш бўйича тавсиялар ва текширилаётган ташкилот фаолиятининг текширилган йўналишлари бўйича белгиланган талабларга мувофиқлиги ёки номувофиқлиги тўғрисидаги маълумотлар акс эттирилади. Номувофиқликлар аниқланганда, ҳисобот текширилаётган ташкилотнинг вакили томонидан имзоланиши лозим. 52. Сертификат эгаси аниқланган номувофиқликлар тўғрисида ҳисоботни олгач, номувофиқликларни бартараф этиш бўйича тадбирлар режасини ишлаб чиқиши ва келишилган муддатда номувофиқликларнинг муваффақиятли бартараф этилганлиги тўғрисида “Ўзавиация” агентлигига ҳисобот тақдим этиши лозим.
--	--

**Ташкилотларнинг фаолият турлари бўйича
бериладиган класслар ва рухсатлар
ТИЗИМИ**

1. Ишларнинг турлари бўйича стандартлаштирилган рухсатлар ва авиация техникаси класслари рўйхати “Ташкилотларнинг фаолият турлари бўйича бериладиган класслар ва рухсатлар тизими” жадвалида берилган.

Ташкилот тегишли чекловлар билан тасдиқланган рухсатни олиши керак (бир классда битта рухсат ёки барча классларда барча рухсат шаклида ўзгариши мумкин).

2. Ташкилот ушбу рухсатлар тизимининг 11-банди талабларини ҳисобга олган ҳолда, “Ташкилотларнинг фаолият турлари бўйича бериладиган класслар ва рухсатлар тизими” жадвалига мувофиқ тегишли класслар ва ишларни бажаришга бериладиган рухсатларни ташкилотнинг фаолияти бўйича қўлланмасининг тасдиқланган фаолият соҳасида кўрсатиши шарт.

3. “Ўзавиация” агентлиги томонидан тасдиқланган ишларнинг турлари бўйича класслар ва рухсатлар доирасида ташкилотнинг фаолияти бўйича қўлланмасида кўрсатилган фаолият соҳаси, тасдиқлашнинг аниқ чегаралари белгиланади. Шунинг учун ҳам ишларнинг турлари бўйича тасдиқланган класслар ва бериладиган рухсатлар ҳамда ташкилот фаолият соҳаси бир-бири билан уйғунлашган бўлиши лозим.

4. “А” тоифали рухсат классси ташкилот ҳаво кемаси бортидан компонентларни демонтаж қилмаган ҳолда, ҳаво кемаларига ва компонентларга (шу жумладан, двигатель ва/ёки ёрдамчи куч қурилмаларига) техник хизмат кўрсатиш ишларини бажариш ҳуқуқига эгалигини билдиради. Истисно тариқасида, “Ўзавиация” агентлиги билан келишилган фаолият бўйича қўлланмада назорат тартиб-таомиллари кўрсатилганда, техник хизмат кўрсатиш имконини яратиш мақсадида демонтаж қилиш ҳаво кемасининг эксплуатация ҳужжатларида тўғридан-тўғри рухсат этилганда, техник хизмат кўрсатиш вақтида компонентларни вақтинча демонтаж қилиш мумкин. Чекловлар бўлими техник хизмат кўрсатиш бўйича бундай ишларнинг таърифини ўз ичига олади.

5. “В” тоифали рухсат классси ташкилот демонтаж қилинган двигатель ва/ёки ёрдамчи куч қурилмаларига фақат двигатель ва/ёки ёрдамчи куч қурилмаларидан компонентлар демонтаж қилинмаган ҳолда, техник хизмат кўрсатиш ишларини бажариш ҳуқуқига эгалигини билдиради. Техник хизмат кўрсатиш имконини яратиш мақсадида демонтаж қилиш двигатель ва/ёки ёрдамчи куч қурилмаларининг эксплуатация ҳужжатларида тўғридан-тўғри рухсат этилганда, техник хизмат кўрсатиш вақтида компонентларни вақтинча демонтаж қилиш ҳоллари бундан мустасно. Чекловлар бўлими техник хизмат кўрсатиш бўйича бундай ишларнинг таърифини ўз ичига олади ва бу тасдиқлашнинг амал қилиш доирасини белгилайди. “В” тоифали рухсат классига эга бўлган ташкилот назорат қилиш бўйича тегишли тартиб-таомиллар фаолият бўйича қўлланмада кўрсатилган бўлса, оператив ва даврий техник хизмат кўрсатиш вақтида ҳаво кемасига

ўрнатилган двигатель ва/ёки ёрдамчи куч қурилмаларига техник хизмат кўрсатиш ишларини бажариш ҳуқуқига эга. Фаолият бўйича қўлланмадаги тасдиқланган фаолият соҳасида “Ўзавиация” агентлиги томонидан рухсат берилган фаолият турлари акс эттирилган бўлиши лозим.

6. “С” тоифали рухсат классификацияси ташкилот ҳаво кемасига ёки двигатель ва/ёки ёрдамчи куч қурилмаларига ўрнатиш учун мўлжалланган, ҳаво кемаси бортдан демонтаж қилинган компонентларга (двигатель ва/ёки ёрдамчи куч қурилмалари бундан мустасно) техник хизмат кўрсатиш ишларини бажариш ҳуқуқига эгаллигини билдиради. Чекловлар бўлими техник хизмат кўрсатиш бўйича бундай ишларнинг тавсифини ўз ичига олади. Тасдиқлашнинг амал қилиш доирасини белгилайди.

Шу билан бирга, “С” тоифали рухсат классификациясига эга бўлган ташкилот фаолияти бўйича қўлланмасида назоратга оид тегишли тартиб-таомиллар кўрсатилган бўлса, ҳаво кемасига оператив ва даврий техник хизмат кўрсатиш жараёнида ёхуд двигатель ва/ёки ёрдамчи куч қурилмаларига техник хизмат кўрсатиш базасида ҳаво кемаларига ўрнатилган компонентларга техник хизмат кўрсатиш ишларини бажариш ҳуқуқига эга. Фаолият бўйича қўлланмадаги тасдиқланган фаолият соҳасида “Ўзавиация” агентлиги томонидан рухсат берилган фаолият турлари акс эттирилган бўлиши лозим.

7. “D” тоифали рухсат классификацияси таърифлаш эҳтиёжи йўқ ва ушбу класс аниқ бир ҳаво кемаси, двигатель ёки компонент билан боғлиқ эмас. Махсус ишлар турига композит материалларнинг юзасига ишлов бериш, қум (дробь) билан ишлов бериш (мустаҳкамлаш), қопламалар, бўйаш, путур етказмасдан назорат (NDT) қилиш, пайвандлаш ва бошқалар қиради.

8. “А” тоифали рухсат классификациялари “оператив техник хизмат кўрсатиш” ёки “даврий техник хизмат кўрсатиш” турларига бўлинади. Ташкилот томонидан даврий техник хизмат кўрсатиш, оператив техник хизмат кўрсатиш ёки иккала тоифа бўйича ҳам тасдиқланган бўлиши мумкин. Ташкилот манзилида жойлашган оператив техник хизмат кўрсатиш хизмати оператив техник хизмат кўрсатиш тоифаси бўйича тасдиқланиши лозим.

9. “Чекловлар” бўлими муайян бир ташкилотнинг тасдиқланган фаолият соҳаси рўйхатини шакллантиришда фойдаланилади. “Ташкилотларнинг фаолият турлари бўйича бериладиган класслар ва рухсатлар тизими” жадвали мумкин бўлган чекловлар турларини белгилайди, бунда техник хизмат кўрсатиш ишларининг турлари ҳар бир рухсат классификацияси охирида ёзилади, шунинг учун ҳаво кемаси ёки двигателнинг тури ёки ишлаб чиқарувчисига эмас, балки ҳар бир ташкилотга муҳимроқ бўлган техник хизмат кўрсатиш ишларига кўпроқ урғу бериш мумкин.

10. “А” ва “В” тоифали рухсат классификациялари учун чекловлар бўлимининг “Ташкилотларнинг фаолият турлари бўйича бериладиган класслар ва рухсатлар тизими” жадвали туркумлар (серия), турлар ва гуруҳлар бўйича ҳаволаларни ўз ичига олади. “Туркум” сўзи бир хил турдаги ҳаво кемаларнинг ва/ёки двигателларнинг тўпламини англатади, жумладан, Airbus 300, Airbus 320 ёки Boeing 737 ёхуд

RB211. Бундай туркум ёки турларнинг ҳар қандай сони кўрсатилиши мумкин. “Тур” сўзи аниқ бир тур ёки моделини билдиради, мисол учун Airbus 310-240 ёки RB 211-524B4. “Туруҳ” эса, жумладан, “Cessna” поршенли бир двигателли самолётлар ёки “Lycoming” турбинасиз поршенли двигателлар ва бошқаларни англатади.

11. Ишлаб чиқариш имкониятларининг тез-тез ўзгартириш киритиб бориладиган кенгайтирилган рўйхатига “Ўзавиация” агентлиги билан келишилган ва фаолият бўйича қўлланмада акс эттирилган тартиб-таомилларга мувофиқ ўзгартиришлар киритилиши лозим.

Ушбу тартиб-таомилларда ишлаб чиқариш имкониятлари рўйхатини (capability list) юритиш, ўзгартиришларни киритишни назорат қилиш ва бунинг учун зарур бўлган ҳаракатларни амалга ошириш бўйича жавобгар шахс белгиланиши керак. Мазкур ҳаракатлар рўйхатга киритиладиган маҳсулотлар ва ишлар тури мазкур Паспортда белгиланган талаб ва шартларга мувофиқлигини таъминлайди.

12. Барча техник хизмат кўрсатиш ишларини режалаштириш ва бажариш учун фақат битта ходимни ёллайдиган ташкилот ишлар тури бўйича чегараланган рухсатлар сонига эга бўлиши мумкин. Рухсат берилувчи чегирмалар қуйидагилардан иборат:

КЛАСС	ТОИФА	БЕРИЛГАН РУХСАТ
Ҳаво кемаси	A2 самолётлар	Учиш массаси 5 700 кг дан юқори бўлмаган поршенли самолётларга оператив ва даврий техник хизмат кўрсатиш
Ҳаво кемаси	A2 рухсати – самолётлар	Газ турбинали двигателлар ўрнатилган, учиш массаси 5 700 кг дан юқори бўлмаган самолётларга оператив техник хизмат кўрсатиш
Ҳаво кемаси	A3 рухсати – вертолётлар	Учиш массаси 3 175 кг дан юқори бўлмаган, бир двигателли вертолётларга оператив ва даврий техник хизмат кўрсатиш
Ҳаво кемаси	A4 A1, A2 ва A3 тоифаларига тааллуқли бўлмаган ҳаво кемалари	Чекланмаган
Ҳаво кемаси	B2 поршенли двигателлар	Қуввати 450 от кучидан паст
Компонентлар (йиғилган ҳолдаги асосий авиация двигатели ва ёрдамчи куч қурилмаси бундан мустасно)	C1 ... C20 компонентлар	Ишлаб чиқариш қувватларининг рўйхати бўйича
Махсус ишлар	D1 – путур етказмасдан назорат қилиш	Путур етказмасдан назорат қилиш турлари кўрсатилади

Муайян ташилотнинг ишлаб чиқариш имкониятларига қараб, бундай ташилотга “Ўзавиация” агентлиги томонидан тасдиқланган фаолият соҳасига нисбатан қўшимча чекловлар қўйилиши мумкин.

**Ташилотларнинг фаолият турлари бўйича
бериладиган класслар ва рухсатлар тизими жадвали**

КЛАСС	БЕРИЛГАН РУХСАТ		ЧЕКЛОВЛАР	ДАВРИЙ ТЕХНИК ХИЗМАТ КЎРСАТИШ	ОПЕРАТИВ ТЕХНИК ХИЗМАТ КЎРСАТИШ
	Тоифа	Авиация техникаси ёки ишларнинг тури			
ҲАВО КЕМАЛАРИ	A1	Учиш массаси 5 700 кг дан юқори бўлган самолётлар	Ҳаво кемаси туркуми ёки тури ва/ёки бажариладиган техник хизмат кўрсатиш турлари кўрсатилади		
